

Шарофиддин ШАРИПОВ  
Чори АВАЗ  
Шухрат РИЗАЕВ  
Абдулла АЪЗАМОВ

Художник

СУЗ

МУЛКИНИНГ  
СУДТОНИ





*Шароғиддин ШАРИПОВ*

*Чори АВАЗ*

*Шуҳрат РИЗАЕВ*

*Абдулла АЪЗАМОВ*

**СҮЗ  
МУЛКИНИНГ  
СУЛТОНИ**



Үлүг аждодларимизни авлодларимизга таништириш энг эзғу ишлардан биридир. Уларни феъл-авторлари қолдирган мерос ва унтуилмас сиймолари ила күз ўигимизда гавдалантисак шурустыга аъло шур бўлајжак. Шу боис Алишер Навоий ҳақидаги тўртта саҳна асарини ўқувчилар ҳукмига ҳавола қиляпмизки, бу Навоий ҳазратларининг муборак тўйларига муносиб тўёна бўлтуси.

Тўпловчи ва муҳаррир: **Баҳодир Муродалиев**

# ШАРОФИДДИН ШАРИПОВ

## НАВОЙ САМАРҚАНДДА

(*Видеосценарий*)

### ҚАТНАШУВЧИЛАР

АЛИШЕР НАВОЙИ — 25—28 ёшларда

ПАҲЛАВОН МУҲАММАД —

ШАҲИХ АҲМАД СУҲАЙЛИЙ —

МИРЗОБЕК —

САЙИД ҲАСАН АРДАШЕР —

ХОЖА ФАЗЛУЛЛОҲ АБУЛЛАЙСИЙ —

АВУСЛИД МИРЗО — Мовароуннаҳр ва Хурисоннинг олий ҳукмдори, 50—55 ёшларда.

СУЛТОН АҲМАД МИРЗО — Унинг ўғли, Мовароуннаҳр ҳукмдори, 16—18 ёшларда.

АҲМАД ҲОЖИБЕК — Самарқанд ҳокими, 40—45 ёшларда

АМИР БАРЛОСИЙ — Чигатой амирларидан, 50 ёшларда

ДИЛШОДБЕК —

КОМРОНБЕК — Амир Барлосий фарзандлари

ҚИЗ —

ЮСУФ АНДИЖОНИЙ — Хожа Фазлуллоҳ Абуллайсий мадрасасининг талабаси, 22—28 ёшларда

РИҶЕЗИЙ

МИР ҚАРШИЙ —

ҲАҚИМИЙ —

ГАНҲАРИЙ —

ЖАВҲАРИЙ —

ҲУМОРИЙ —

ВИДОВИЙ —

ЮСУФ — Паҳлавон Муҳаммаднинг таниши, 40—45 ёшларда

ЖОСУСЛАР БОШЛИФИ — 50 ёшларда

ЖОСУС — 24—25 ёшларда

ПАРВОНАЧИ — 40 ёшларда

Оммиюй саҳналарда вазирлар, амирлар, сарбозлар, мулозимлар, оғиги, деҳқонлар, чол ва кампирлар, гадолар, савдогарлар, хонандилар, созандалар ва бошқалар иштирок этишади.

# БИРИНЧИ ПАРДА

## СУРГУН

### 1-КҮРИНИШ

#### КИМГА ТҮЙ, КИМГА АЗА

Ҳирот. Боги Сафид манзаралари. АЛИШЕР НАВОИЙ ўз дўстти ПАҲЛАВОН МУҲАММАД билан Хурсону Мовароуннаҳрнинг олий ҳукмдори Султон АБУСАИД МИРЗО неварасининг хатна тўйига боришмоқда. Уларнинг орқасидан бир жосус қадам-бақадам келмоқда.

ПАҲЛАВОН. Шаҳаншоҳи замон Султон Абусайд Мирзо кўз кўруб, қулоқ эшутмағон тўй бермоқда эркан. Бугун бошланмушдур. Ҳазрати улуғ ҳоқон Шоҳруҳ Мирзо ҳам қилмағон бемисл дабдаба, зеб-зийнат ва шоҳона зиёфатнинг шоҳиди бўлурсиз. Баковулларнинг айтишинча, Мирзо бир ҳафта эртадин оқшомгача, шомдин тонгғача тўй бермоқчи эрмиш. Ҳар куни 500 тадин қўй, 100 тадин той сўймоқни буюргон эрмиш. Мармар ҳовузларда лиммо-лим қилинғон шиннилару суту қаймоқларни айтмайсизми. Аммо мусаллас ичмоқни маън қилмушдур. Жамшиду Доролар ҳам бунчалик базм қилмағсан эркан.

НАВОИЙ. Ҳар куни 500 тадин қўй, 100 тадин той? Бунчалик зиёфат кимга керак? Аларни ким тановул қиласур?

ПАҲЛАВОН. Мовароуннаҳру Хурсон музофотлариндаги казо-казолар таклиф қилинмушдур. Юздин ортиқ жарчилар ҳар куни Ҳирот аҳолисини тўйга чорларлар. Ҳонандалар, созандалар, шоирлар, закий асиябозлар, қўйингки, жаъми зурафо аҳли ўз санъатларин намойиш қилғайлар. Ҳар кун пешинда беш даврада кураш ҳам бўлғай. Елкаси ер кўрмаган паҳлавонлар пойгага кирмоқчи арғумоқлардек ўзларин совутиб, навбат кутмоқдалар.

НАВОИЙ. Сиз ҳам кураш тушасизми, Паҳлавон?

ПАҲЛАВОН. Иншооллоҳ, тўйнинг сўнгги кунларинда тушгаймиз. Мовароуннаҳрнинг Бойсун ва Хузор вилоятлариндин курашнинг етмиш икки ҳадисин ўзлаштиреён полвонлар келғон эрмиш. Аларни енгмоқ осон эрмасга ухшайдур.

НАВОИЙ. Сиз нафақат Ҳиротнинг, балким шул вақт-

гича Хурносону форс ўлкаларининг кураги ерга тегмаган машҳур Паҳлавонисиз. Оллоҳ бу гал ҳам омадингизни бергай.

ПАҲЛАВОН. Сиздек қадрдан дўстлар омад тилар экан, илоҳо айтганингиз келиб, ишончингиз юзин ерга қаратмасликка саъй қилурмен... (Шу пайт уларнинг рӯирасидан Паҳлавон Муҳаммаднинг таниши Юсуф ака шиқиб келади. У жулдур кийимлар кийган, жуда хафа на аянчили бир аҳволда. Паҳлавон Муҳаммад ва Навоий Юсуфга салом берадилар).

— Ҳа, Юсуф ака, Сизга не бўлди, нечук бу қадар тунд ва ғариб куринурсиз?

ЮСУФ. Фақир бозор-учарда мешкоблик қилиб кун кўришидин воқифдурсиз. Бола-чақаларим рузгори неча ғиyllардан буён шул ҳалол меҳнат орқасинда бир навъ ўтуб туруб эрди. Шўrimизга шўрва тўкулуб, оғир мусибат ичра қолдик.

ПАҲЛАВОН. Не ҳол юз берди?

ЮСУФ. Ўтган ҳафта бозорда аҳли тижоратга сув улашиб юруб эрдим. Мирзо амирлариндин бири, афтидан самарқандлиғ Чифатой беклариндин кўринадур, тўйга келған бўлса керак, ўз ёнига чорлади. «Лаббай, бек» деб, сув узатган эрдим, қамчиси ила уруб юбориб, «Мешни бу ёққа чўз» деди. Мен, шул биргина мешимдин бўлак дастмоям йўқдур, ўн тўртта боламга раҳмингиз келсин, жўжабирдай жонман деб ёлвордим, тангри таоло номини ўртага қўйуб худонинг зорини қилдим, тошметиндек кўнглига зарра ҳам кор қилмади. Навкарларига буюриб, мешимни зўрлик билан тортиб олди. Бозор ҳокимига арз қилиб эрдим, бу бек билан ҳазиллашиб бўлмайдур, орага кирсан касрингга қолурмиз, деб қўрқди.

ПАҲЛАВОН. Мешингиз не учун керак бўлибдур ул инонсоф бекка?

ЮСУФ. Йўлда навкарлариндин бирининг отига ем соладурғон тўрваси йўқолиб қолибдур. Шул сабаб мешимни тўрва ўрнида ишлатмоққа тортиб олдилар.

НАВОИЙ. Амиру ҳоким, доруғаю навкарларда инсофуadolat қолмамиш. Диёнатдин юз ўгуриб, разолат йўлиға кирмишлар. Билъакс бир аёлманд фақирға ҳам шунчалик зулм қилурларму?!

ЮСУФ. Ҳозирда аҳволим шул даражага етибдурки, оч-яланғоч қолғон болаларни боқмоққа кўча-кўйларда тиланчилик қилмоқдин ўзга иложим йўқдур. Баъзи кунлар бир бурда қоқ нонга ҳам зор қолурмиз. Охир

бул күргуликка чидай олмай, саховат ила ёрдам күрсатар, деган умидда Абусаид Мирзо ҳузуриға арз қилмоққа аҳд этдим. Болаларим бошин силаб, гадолиғдин халос қиласар деб, ўйлағондим. Мирзо ясовуллари «Эй гадо, султон түй билан бандлар, хира пашшадек күп үралашма, бўлмаса зинданга солурмиз» деб қўтири итдек қувиб ҳайдашди. Энди не қилурмен? Дод, золимларнинг дастидин, деб кимга айтурмен?! Болаларим очлиқдин шишиб ўлгайлар...

**НАВОИЙ** (*Бу сўзлардан таъсирланиб, бадиҳа тарзда қуийдаги байтни айтади*) — Гадоеки, нон аз дари шоҳ жуст, Бибояд зи-оби худаш даст шуст. Шоҳ эшигидин нон излаган гадо ўз суви билан қулини ювиб, қўлтиғига урмоғи даркор.

Дараҳтлар панасида турган жосус қоғозга нималардир  
ёза бошлайди.

Ясовуллар Сизни шоҳ даргоҳига қўймаган эканлар, буни подшоҳнинг ўзи буюргондур. Шариат ва дин таянчи, улус ва юрт ҳомийси бўлмиш шоҳ адолат кўрсатиб, Юсуф акадек фуқароларнинг ҳолидин хабар олиш ўрнига, қирқ қулоқли дошқозонларда ош дамлатиб, ҳашаматли тўйлар қилодур. Бул ёқда бул кишидек хўрланганлар эса бола-чақаси бирла очдин ўламан дейди. Кимга тўй, кимга аза!...

**ПАҲЛАВОН**. Осмон йироқ, ер қаттиқ, давлату амал, тоҷу таҳт шул золимлар илкиндадур. Аларнинг қутурғон беклари оддий фуқаронинг сўнгги бурда нонигача тортиб олмоқдин тап тортмайдур... Юсуф ака, Сиз хафа бўлмангу ва билъакс золимларга ялинмангиз (*пул узатиб*), ана буни олинг ва янги меш тикиринг. Шояд рӯзғорингиз ўнгариб кетса...

**НАВОИЙ**. Мана бу тангларни ҳам олинг (*бор пулниңг ҳаммасини узатади*). Болаларга чоштгоҳлик ва шом учун бозор қилиб борурсиз. Аларга усти бош ҳам олинг. (*Юсуф уларга қуллуқ қилиб, пулни олиб кетади.*)

**ПАҲЛАВОН**. Алишер, нечук охирги тангандизга қадар бериб юбордингиз? Ўзингиз не қилурсиз?

**НАВОИЙ**. 14 жон очлиқдан чирқиллагандии, бир киши тангрига қаноат қилгани маъқул эмасму, Паҳлавон?

**ПАҲЛАВОН**. Маъқулликка маъқулку-я, ўзингиз бирон хизматда ишламайсиз, мадраса вақфлариидин келган арзимас пулга тирикчилик қилурсиз. **Ҳа**, майли,

тўйга борайлик, бугун курашга тушуб, оладурғон зотларни ўртада баҳам кўурмиз.

НАВОИЙ. ...Тўй ҳам тўйдек бўлди, эрталабдан оёгим тортмай турғон эрди, сиз хафа бўлмангу, Паҳлавон, Юсуф ака воқеасидин сўнг тўйга бориш аҳдимдин воз кечдим. Сиз эса борингиз, зеро саройда мулозимлик вазифангиз ҳам шуни тақозо қиласур.

ПАҲЛАВОН. Сиз бормасангиз, мен ҳам бормасмен, Алишер. (Улар орқага қайтадилар.)

## 2-ҚҮРИНИШ

### ШОҲО, ЭЛ ЖАВҲАРИ ЖОНИН ЧИҚАРДИНГ

Алишер Навоийнинг устози Сайд Ҳасан Ардашернинг меҳмонхонаси, шоирлар, созандалар, хонандалар, толибул илмлар базм қилиб ўтиришибди. Соқийлар май узатмоқда.

САИД ҲАСАН. (тавозе билан) Муҳтарам мөхмонлар, уй сизингдур, ҳар қачон илтифот қилсангиз, хизматингизга ҳозирмиз.

ХУМОРИЙ. Устоз, бул риндаваш жамоанинг тилаги не эканин яхши билурсиз. Шароб солингон хумларнинг кўп йил тургонидин олиб келингиз. Бул кун хумлардаги чоғирнинг кайфи нечундур сезилмайдур.

САИД ҲАСАН. Бош устига. Аммо бизнинг муддаомиз меҳмонларни шароб ила маст қилмоқлик эмас, балки шаробхўрлик баҳона суҳбатларин эшитмак ва дийдорларига тўймоқдур.

НАВОИЙ. Рост айтурсиз, устоз. Сизнинг муборак уйингизда азиз меҳмонлар қатори фақир ҳам яхши суҳбатларни эшитмакка кўп марта мұяссар бўлмишмен.

САИД ҲАСАН. Бизнинг кулбай вайронамиз сиздек, Паҳлавон Ҳуҳаммаддек, Шайх Аҳмад Суҳайлийдек шеъру илм аҳллари учун доимо очиқдур. Аммо минбаъд шаробни ҳаддин ортиқ ичиб, маасту аласт кайфу сафо қилмоқ, бехуда алжираларни таъбимиз ёқтурмагай.

ХУМОРИЙ. Хожа Хофиз айтганларидек, шаробнинг ҳам яхши томонлари йўқ эмасдур. Ўзи зоҳиран сувга ўхшаса-да, танга қувват, дилга сурур етказур. Аммо сувда бу сифатлар зоҳир эмасдур.

ВИДОИЙ. Рост айтурсиз, нарсалар зоҳиран бирбирларинга ўхшаб кетсалар-да, ўзга-ўзга хосиятга эгадурлар.

**НАВОИЙ.** (қўлида оқ қанд ушлаб, тузга имо қилганича) Ушоқ қанд оқ тузга монанд эрур ва лекин бири туз, бири қанд эрур.

**ХУМОРИЙ.** Қойил, Алишер, таъбу салоҳиятингизга! Шул тузу қанд оралариндаги оддий бир нисбатдин чуқур ҳикматга молик гап айтдингиз!

**НАВОИЙ.** Йўғ-е, Мавлоно, бор нарсани шеърга солдим, холос.

**ЖАВҲАРИЙ.** Филҳақиқат, бу нисбат тошлар орасинда ҳам кўринур. Бул ҳақда бир шоирнинг ушбу байти машҳурдур:

Лаъл санг асту деги сангин санг,  
Лек андар миён тафовут ҳаст.

Яъни, чўғдек порловчи лаъл ҳам тошдур. Тошқозон ҳам тош, аммо ораларинда катта тафовут бор.

**САИД ҲАСАН.** Балли, Мавлоно Жавҳарий, бир шоҳ айтибдурки, тошқозону лаъл иккаласи ҳам тошдур. Аммо ораларинда фоҳиш-фоҳиш тафовут зоҳирдур, тошқозонда лазиз ва анвойиъ таомлар пишарким, хосу ом, барча эл андин манфаатдор бўладур, лаълдин халойиқа анвойиҳ заарлар етадур.

**ЖАВҲАРИЙ.** Сиз нега шама қилурсиз, устод?

**ПАҲЛАВОН.** Устод тунов кун Абусайд Мирзо чиқарғон фармонни кўзда тутиб гапирмоқдалар, шекилли?

**САИД ҲАСАН.** Дарвоҷе, мусоҳиблардин бири айтдики, Султон Абусайд Мирзо элга яна бир зулм қилиб, ҳар кишида жавоҳир, лаъл, зумрад, олтун, кумуш — жаъмики қимматбаҳо тошлар бўлса, хазинага топширсин, топширмаса, қидириб топамен, унда жонига омонлик бермасмен, деб дўқ-пўписа ила фармон чиқармушдир. Анинг беклари юртга яъжуж-маъжуҷдек доришиб, уйларни тинтув қилмоқдалар. Халқ жон ҳовучлаб қолди. Хотунларнинг ёқут қадалғон зебигардонларигача тортиб олмоқдалар.

**ПАҲЛАВОН.** Бу ҳам ҳали ҳолва, устод! Мисгарон маҳалласиндин бир дегрезни ақиқ кўзлу сиргани яширғони учун танбех бўлсун деб, қатл қилмишлар. Яна неча кишининг боши кесилур, ёлғуз тангри таоло билур. Тожирлар, саррофлар, атторлар, бало-қазодин қочғондек махфий равишда ўзга юртларга бош олиб кетмоқдалар. Аммо Мирзо тулкилик қилиб, кентлар ва карвонсаройларда тафтиш ўтказмоқни ҳам буюрмушдир. Жосулар эса лўлининг тозисидек исковучлик қилиб, изғиб юришибди.

**САИД ҲАСАН.** Шукриллоҳким, лаълу жавоҳирга

эга эмасмиз. Бошимизга оғир тош бұлувчи бул балолар-дин фориғмиз.

**НАВОИЙ.** Балли, устод. Фақир ҳам бу ташвишдин ҳолидур. Абусайд Мирзо фақирнииг отасиндин қолғон мол-мулк ва жавоҳирларни Ҳирини олғон йилида мусодара қилғондин икки қўли қўп-қуруқ эл қаторига ўтиб қолдим. Шул сабаб фақирдин оладурғон ҳеч вақо қолмайдур. Аммо, эшишишмча, бу малъун сарбозлар бебошлиқ илиа борлариникини тортиб олишга қаноат қилмай, йўқлардин, яъни оддий фуқародин ҳам лаълу жавоҳир ёхуд пул топиб берурсен, деб низо қилаётғон эрмиш. Бу ҳолдин таъсирланиб, кеча хаёлимга бу қитъа келдиким:

Шаҳо, эл жавҳари жонин чиқардинг,  
Жавоҳир ҳирсидин бедод этиб фош.

Чу улгунгдур, не осиф тўкмак они  
Мозоринг узра андоқки ушоқ тош!

Даврада толибул-илм қиёфасида ўтирган жосус Навоий шеъринч билиитирмай ёза бошлайди.

**ПАҲЛАВОН.** Алишер, дўстим, ғоят ғазабнок айтибсиз. Аммо минбаъд бу шеърни ва сиёsatқа қарши ғизилғон бошқа ашъорларингизни бегона давраларда ўқумангиз. Қиличдек сўзларингиз ўз бошингизга бало бўлмасун тағин. Мирзо жосуслариндин сақланмоқ керакдур.

**НАВОИЙ.** Ўйларменки, ичимиизда сотқунлар ёхуд Абусайд хуфъялари бўлмаса керак. Ҳаммангиз фақирнииг қадрдон улфатларисиз ва бул ердаги жамоага ўзумға ишонғондек ишонурмен.

**ЖАВҲАРИЙ.** Бу ерга бир-бирларига синашта кишилир йиғилгандур. Аммо эҳтиёт ҳам шарт. Деворнинг ҳам қулоғи бор деб бежиз айтмаганлар.

**ВИДОИЙ.** Балли, тақсир, масалда айтурларким, девор ба муш дорад, муш ба гўш дорад, деб. Яъни девор ортинда сичқон, сичқоннинг эрса қулоғи бордур.

**ХУМОРИЙ.** Суҳбат мавзуин ирсолу масалға буриб юбордигиз, Мавлоно.

**САЙД ҲАСАН.** Ирсолу масал санъатин кўп ва хўб ишлотқон шоирларни табаррук тутурмен. Алалхусус, турк ва форс шуароси орасинда Мавлоно Лутфийнинг бул санъат воситасинда битилғон дақиқ байтлари ғоят шолик ноқеъ бўлибдур.

**НАВОИЙ.** Устод Лутфий хўб нозуктабъ ва лутф қилурда замон шоирлари орасинда ягона эрдилар. Ило-

ҳо қабрлари нурға тұлғай. Айниңса, ул покиза зотнинг бул байтлариндаги гавқардек порлоқ лутф үзга шоирлар девонида күринмайдур.

Нозиклик ичра белича йүқ тори гисуий,  
Үз ҳаддин билиб, белидин үлтирур қуи.

САИД ҲАСАН. Ҳа, Мавлоно Лутфий сүз мулкининг маликул каломлариндин бири эрди... Ие, Паҳлавон, ёнингиздаги мусофир йигит уйқуга кетубдурми?

ПАҲЛАВОН. Сиз ани бизга таништирмадингиз ҳам, қариндошларингиздин бұлса керак деб үйладик.

САИД ҲАСАН. Қариндош әрмас. Машҳаддин келгап бир мусофир толибул-илм әркан. Алишер ва Сиз келганингиздин сұнг фақир дарвозасин тақиллатиб, шахрингизга меҳмонмен, бир кеча ҳужрангизда тунамоққа ижозат берсангиз, деди. Машҳаддин келибдур. Фақир ҳам машҳадлиғ бұлғоним учун, юртдошим әркансиз, үз уйнингиздек бемалол кираверинг, деб даврага бошлаб кирдим. Бояқиши олис йұлдан келғони учун чарчабди, шекилли, уйқуга кетибдур.

ХУМОРИЙ. Меҳмон йигит чөғирни ҳам бисёр ичди. Балким, өғір ҳам уни әлитгандур?

ПАҲЛАВОН. Бул йигит шеърга ишқибоз күринаштур. Афтидин үзи ҳам шеър айтса керак. Боя нималарни дір езді. Қани, құрайликчи, таъби назмга мойил әрканму?

(Паҳлавон жосусынинг салласи қатидан қоғозни олиб, ичидә үқииди.)

Ұзиники әрмас әркандур, даврада үқулғон шеърларни ёзиб олубдур. Хүш...

Бул йигитга бир ҳазил қилмоққа ижозат бергайсиз, азизлар. Әзғон байтларин үзге шеър ила алмаштириб қўяйлик. Тонгда үқуб бир ҳайрон қолсун.

НАВОИЙ (кулиб). Паҳлавон, Сиз доим ҳазил-ма-захингизни йиғиштирмадингиз-йиғиштирмадингиз-да, эсингизда борми, Машҳадда бемор ётғонимда үз шеъримни Саид Насимиини деб ишонтиргон эрдингиз. Шул қизиқчилигингиз ҳали ҳам қолмабдур.

САИД ҲАСАН. Қизиқчилик қилиш ҳам ҳар кишининг құлидин келмас. Дүстингиз Паҳлавон Мұхаммад билмағон ҳунар йүқдур. Ошни мазалик пиширмоқда сарой ошпазлари ҳам бул кишидин сабоқ олғайлар, Полвонликда эрса, замонамизнинг Рустами достонидурлар. Шеър ҳам айтурлар, ёқимли мусиқалар ҳам ижод қилурлар. Яна бошқа турфа хислатлари ҳам борки, айтиб адo қилиб бўлмайдур. Тангрининг қудрати ила бир

инсон зотида бунчалик кўп ҳунарларнинг мужассам бўлғониға тахайюр қилур мен.

*Бу орада Паҳлавон Мұхаммад бошқа бир қоғозга шеър ёзиб, жосуснинг салласи ичига секинлик билан жойлаштиради.*

### 3-ҚҰРИНИШ •

#### АБУСАИД МИРЗО ҲУЗУРИДА

Султон Абусайд Мирзо саройи. Вазирлар, амирлар, ясовуллар, навкарлар ва бошқалар.

**АБУСАИД МИРЗО.** (*Тахтидан туша туриб.*) Қани, вазири аъзам, айтинг-чи фармон қай тариқа адо этилмоқда?

**ВАЗИРИ АЪЗАМ.** Фармони ҳумоюн чиққандан сўнг мана бир ҳафта ўтибдур, натижа кутилгандин ҳам зиёддир. Ҳар куни хазинага юз минг туман баҳосинда дуру жавоҳирлар келиб қўшилмоқда.

**АБУСАИД МИРЗО.** Яхши, яхши... Мен буюк бобом Амир Темур Кўрагон илки била жаҳоннинг тўртдин уч қисмидин Самарқандга келтирилғон ва ул ҳоқон ҳазратларининг вафотлариндин сўнг номақбул шаҳзодалар томонидан елга совурилғон хазинани қайтатдин тўлдирмоқчимен.

**БИР ВАЗИР.** Савоб иш қилғайсиз, хон ҳазратлари.

**АБУСАИД МИРЗО.** Эссиж... бобомнинг хизматлари. Ул зоти олий Ироқу Шероз, Хиндиstonу Мовароуннаҳр, Дашту қипчоқу Ҳоразм, Олтин Ўрдаю Форс, Ҳуросону Озарбайжон ва бошқа ўлкаларни забт этиб, тангри мадади ва пирлар кўмаги бирла Самарқандни жаҳоннинг пойтахтига айлантирилар. Бул шаҳарда ул киши томонидин тўпланган хазинадаги ёлғиз олтинларини ўзи ердин қуёшга қадар етгай эрди. Яна шунча дуругавҳарлар, лаълу забарждлар, ақиқу марваридлар саноғига этиб бўлмайдур... Аммо бетавфиқ шаҳзодалар инчунун Халил Султон ани кайфу сафоға совурди. Бедин Улуғбек Тарагай эрса қолғон хазинани ҳеч кимға керак эрмас илму фан, мадрасаю расадхоналар қурмоқ йўлинда харжлаб адо қилди. Қолғон-қутғонларни яна бошқалар бошйга етди. Мен Самарқанд тахтин олғонимда хазина қуп-қуруқ эрди.

ВАЗИРИ АЪЗАМ. Аммо, тез кунда хазинани тўлдурмоқ тадорукин кўрдингиз, соҳибқирон.

АБУСАИД. Хазинасиз давлат — давлатми? Олтунсиз бир иш қилиб бўладиму? Мен ғолиб қиличим кучи бирла ул бадбаҳт шаҳзодалар ношаръий хомталаш қилғон улуғ бобом ҳокимиятин ўз қўлимда тикладим. Хазинани тўлдирай, сўнгра тангри мадади бирла, иншооллоҳ бобом йўлидин бориб, барча рубъи маскунни забт этурмен.

БИР ВАЗИР. Бул қутлуғ ишда соҳибқирон бобонгиз Амир Темурнинг руҳи мададкор бўлсун.

АБУСАИД (*ёнидаги қиличин сүғуриб*). — Бул қилич бобомдин менга меросдур. Унда ул зотнинг «Жаҳон икки подшоҳга торлиқ қилладур» деган табарруқ сўзлари битилган. (*Қиличин ўпид қинга солади.*) Томиримда бобом қони кўпирадур ва тинчлик бермайдур. Ул зотга муносиб ўғлон бўлмоқ шул вақтга қадар ҳеч бир шаҳзода илкидин келмайдур.

БИР ВАЗИР (*таъзим билан*). — Сиздин булак ҳеч бир шаҳзода Кўрагон тахтига лойиқ эмасдур, улуғ ҳоқоним!

АБУСАИД. Дарвоқеъ, ул баттол Ҳусайн Бойқарони қўлға туширдингизми, вазир?

ВАЗИР. Ул сиртлондек чаққон эркантур, хон ҳазратлари, даст бермайдур.

2-ВАЗИР. Тулкидек айёр эркантур, думини тутқазмайдур, шоҳим...

3-ВАЗИР. Қашқирдек саёқ эркантур, гоҳ Хуросон, гоҳ Хоразм, гоҳ Адоқ, гоҳ Балх сарҳадларида санқиб юрадур, хон ҳазратлари! Яшиндек ялт этиб пайдо бўлади-ю...

АБУСАИД. Қуёндек қўрқоқлик қилиб қочиб қоладур, денг.

ВАЗИРИ АЪЗАМ. Топдингиз, аъло ҳазрат. Учта тадбиркор амиришим лак-лак лашқар бирла анинг ортиндик тушган, аммо юзма-юз чиқишдии қўрқиб, қуёндек бўлмоқда.

ЖОСУСЛАР БОШЛИГИ. Шоҳим жосусларимиз Ҳусайн Бойқаронинг шул кунларда Астробод шаҳрин ишғол қилганлиги ҳақинда хабар келтирмишлар.

АБУСАИД. Э, бул шаҳзода дард устиға чиққан чипқон бўлди. Ани ҳам Самарқандда ҳибсга олдурғон пайтимда Улуғбек Мирзо невараблари ва бошқа бўйсунмас шаҳзодалар каби сўйцурсам бўлур эркан. Онаси Феруза бегимнинг илтимоси бирла ҳибсдин озод қилиб

эрдим. Адашибмен. Бошға битғон бало бўлди. Йхшиликка ёмонлик деганлари шу-да.

ВАЗИРИ АЪЗАМ. Куёнманг, зоти олийлари. Оллоҳ таоло мадади ила тез кунлар ичинда анинг манфур бошин муборак оёғингиз тагига келтириб ташларбиз. Аммо Сизни суюнтурғудек бир хушхабар бор.

АБУСАЙД. Не хабар?

ВАЗИРИ АЪЗАМ. — Ҳусайн Бойқаронинг мактабдош дўсти, Фиёсиддин кичкина ўғли Алишер Сиздек хон ҳазратлари ҳақинда бўлмағур шеърлар ёзиб, халқ орасинда ёйиб юргон эрмиш.

Жосуслар бошлиғига имо қилади.

ЖОСУСЛАР БОШЛИГИ. Хуфияларимдан бирининг эрта тонгда берган ахборотига кўра, Алишер боғи сағидда, шоҳ эшигидин нон сўраган гадо итдек қувиласди қабилида шеър айтибдур. Узоқ бўлғони учун аниқ ёзиб ололмабди. Бу беадаб сўзлар ила Алишер муборак даргоҳингизни ҳақорат қилмишдур. Яна доғи ул сизнинг элдин жавоҳир йифмоққа оид чиқарган Ҳумоюн фармонингизга ҳам қарши чиқибдур ва бул ҳақда бир акс шеър ёзибдурким, мана бу қулингиз (*жосусга ишора қилади, жосус шоҳга таъзим бажо келтиради*) ани ёзиб олиб, зудлик ила ҳузурингизга келтирмушлар. Бу воқеа кеча содир бўлибдур.

АБУСАЙД МИРЗО. Алишер Фиёсиддин кичкина ўғли. Тўғри қилғон эканман ортидан жосус қўйинглар деб. Анинг Ҳусайн Бойқаро дусти эканлигидин воқиғ қилғон эрдингиз. Ул балки Ҳусайн Бойқаро жосусидир? Нечук уни ҳисб этмайсиз, вазир?

ВАЗИР — Қўлимизда аниқ далил йўқ эрди. Шариаг на адолатга хилоф бўлмасун деб ўз эркига қўйиб эрдик. Мана, энди бир эмас, икки далилимиз бордур. Мен ясонулларга буюрдим, анинг гуноҳин бўйниға қўймоқ учун олий даргоҳингизга олиб келмишлар. Ташқарида одил жазойингизни кутиб турибдур.

АБУСАЙД МИРЗО. Ясовул, олиб кир!

Ясовул Алишер Навоийни бошлаб киради.

НАВОИЙ (*ҳадиксираш аралаш таъзим билан*) — Ассалому алайкум, султони замон.

АБУСАЙД. Фиёсиддин ўғли Алишер сенмусен?

НАВОИЙ. Худди шундай, давлатпеноҳ.

АБУСАЙД МИРЗО. Отангнинг гуноҳи не, билурмисен?

НАВОИЙ. Билмасмен, хон ҳазратлари.

**АБУСАЙД МИРЗО.** Билмасанг, билғил: Үл би нинг ашаддий душманимиз Абулқосим Бобурнинг хос мулозимларидин бири эрди ва салтанатимизға қарши иш юритишда анга ёрдам берди. Шул сабаб ондін көнғон барча мол-мұлкни давлат ихтиёриға үтказдик. Сен га эса, ёшсан, мадрасаларда таҳсил олиб, келажак да давлатимиз шон-шуҳрати йўлинда астойдил хизмат қи лурсен ва отангнинг гуноҳин қуллиқ ила ювурсен де раҳм қилғон эрдик. Худоға шукр қилиш ўрниға исёңкор Ҳусайн Бойқароға жосуслик қилурмишсен? Ҳирот тахтии анга олиб бермоқчи эрмишсен?!

**НАВОИЙ.** Ё раббий, давлатпаноҳ! Ўлумдин хи барим бор, аммо Ҳусайн Мирзонинг қайда эрканин бил масмен. Шоҳ Абулқосим Бобур Машҳадда, бандалик бажо келтургандин сўнг, мана ўн йилға ёвуқким, кўрганим йўқ. Не ердалиғи тушумға ҳам кирмайдур.

**АБУСАЙД.** Ёлғонни чиндек гапирмоқдасен, шоир, хўп бу сўзларингга ишондик ҳам дейлик, анда нечун бизнинг олиб борғон сиёсатимизға қарши шеърлар битурсен? Нечун? Жонингдан тўйдунгму? Бошинг елканнга оғирлик қилаётирму? Ҳўш, нечун жимсен?

**НАВОИЙ** (*қўрқувдан ранги оқариб*). — Қачон шеър битибмен?

**АБУСАЙД МИРЗО.** (*жосуслар бошлиғига*) Гапир, далилларни ўзига кўрсат. Мункир келмасун!

Жосуслар бошлиғи жосусга ишора қиласди.

**ЖОСУС** (*таъзим билан жилемайиб*). — Ҳазрати сultonи соҳибқирон, ушбу қулингиз топшириққа биноан кеча алар суҳбатига киришга мушарраф бўлуб, аларнинг олий шаънингизга номатлуб, ғийбат гапларини, алалхусус (*Навоийни кўрсатиб*) мана бул йигитнинг шеърларини ёзуб олдум. Бу суҳбатдан мулозимларингиздии Паҳлавон Муҳаммад ҳам гувоҳдур (*унга имлади*).

Навоий ҳаяжонда. Паҳлавон Муҳаммад вазминлик билан.

**ПАҲЛАВОН.** Тўғри, давлатпаноҳ, кеча бир гуруҳ шеърият мухлислари билан кулбайи вайронада йиги-либ, базм қилдик. Аммо бу анжуманда сиз ҳақингизди ножӯя сўз бўлмади. Агар бўлғонда буни Сиз ҳазрати олийлариға ўзум етказган бўлур эдим (*таъзим қиласди*).

**ЖОСУС.** Ёлғон гапираётir, Паҳлавон. Мана бу акс шеърни Алишер айтди, мен ўз қўлим ила ёзиб олдим (*салласидан қоғозни олиб, Абусаид Мирзога узатади*).

**АБУСАЙД МИРЗО.** (*Қоғодаги шеърни ўқийди*.)

Раф, ул шаҳду шакар ё лабдуур,  
Магар шаҳду шакар ё лабдуур.  
Жонима пайваста новак отқали  
Гимза ўқин қошиға ё лабдуур?

(Газабланиб жосусга)

Нимиси? Ишқ изҳор қилурмисен менга, ит ўғли?

АХЛАВОН. Бу кечаги Алишер ўқифон шеърдур,

Навоий енгил тортади. Вазирлар ҳайрон, жосуслар бошлиғи  
ўнгайсизланади.

АУСАНД МИРЗО. Бир ўлумдин қолдинг. Фиёсид-  
рли! Аммо чин далил ила қўлумга тушсанг, аямас-  
дахтиң бор экан, кет, сенга рухсат!

(Чоре на аъёнларга). Бу не майнавозчилик?! Топ-  
шабабирингиз шулми?

ОСУСЛАР БОШЛИФИ. Гафлатда қолмишмен,  
тадбиркор (жосусни кўрсатиб) жосуслардин  
иди сўзлариға ишонган эрдим. Вақт зиқлигиндин  
ш қилишга фурсат бўлмади.

ОСУС (салласини кўрсатиб). Кеча ўз қўлим ила  
мана бул ерга қўйғон эрдим, кимдир алмаштириб-  
Тоқшириб кўриш хотирамга келмабдур, гуноҳкор-  
Бир қошиқ қонимдин ўтинг, шоҳим (у чўккараб  
ш килиш эгади).

УСАИД МИРЗО. Ёдлаб олмадингми, галварс?

ОСУС. Чогир ичгандин, хотирамда қолмағай деб  
билиб олғон эрдим, давлатпаноҳ.

АУСАНД МИРЗО. Ҳали чоғир ҳам ичдингми?!  
Чоғир, шароб киби ҳаром ичкуликларни фуқароға ис-  
тешим қилишни манъ этадурғон фармонимдин беха-  
бармаси?

КОСУС. Алар ичишгонда, мен ичмасам, бўлмас

АУСАНД МИРЗО. (Миргазабга). Топшириқни  
олмитони учун 20 дарра, чоғир ичиб гуноҳга  
тони учун тагин 20 дарра, жаъми 40 дарра урулсин.  
Тирик қолса, кўзи пишади ва ишини билиб бажа-  
рғон бўлади! Барчангизга рухсат. Вазири аъзам  
иариниачи, сиз қолингиз.

Газаблар жосусиниг қўлтиғидан ушлаб олиб кетишади. Нариги  
дирғи ишвой-дод товушлари эшитилади. Мулозимлар,  
амирлар саройдан чиқиб кетишади.

**ВАЗИРИ АЪЗАМ.** Одил жазоға тәқдим қилдингиз, шаҳаншоҳ, фикримча, Алишер орқасиндин пиҳини ёргон жосусларимиздин қўймоқ керакдур. Чунки, бул шоир йигитнинг дорус-салтанатда бўлмоғи хавфли кўриш дур!.. Ўз акс ишлари ила халқни бизга қарши қилиб қўйиши мумкин.

**АБУСАИД МИРЗО.** Мен ҳам шул фикрдамен, бунинг устига у давлатимизнинг яширин сирларин пойтахтдин туриб Ҳусайн Бойқарога етказиши ҳам мумкин. Инчунун, тағойлари Ҳусайн Бойқаро қўшинида хизмат қилурлар. Авлод-аждоди, қариндош-уруғлари ила давлатимизга қарши бўлғон бул йигитни зудлик ила дорус-салтанатдин узоқлаштурғон маъқул... Парвоначи!

**ПАРВОНАЧИ.** Қулоғим сизда, шоҳим!

**АБУСАИД МИРЗО.** Алишерни Ҳиротдин Самарқандга ихрож этмак учун фармони олий ҳозирлагил! Эртага имзо чекурмен. (*Вазирга*) — Сиз эрса, вазири аъзам, Мовароуннаҳр ҳукмдори ўғлим Султон Аҳмад Мирзога ва Самарқанд валийси Амир Аҳмад Ҳожибек номларига менинг номимдан бир мактуб ёзинг. Улар бул йигитдин кўз-қулоқ бўлиб, босғон қадамин текшириб юрмоқ учун тадбиркор жосуслардин қўйсунлар. Агар салтанатимизга қарши жиноят ила қўлга тушғудек бўлса, ҳибс этинг, менинг ҳузуримға юборсинлар. Унда менadolat омбури бирла акс сўзлар айтувчи бурро тилларин узуб олурмен. Онадин туғулганига пушаймонлар бўлур!

#### 4-ҚУРИНИШ

#### ФАРМОНИ ҲУМОЮН

Навоийнинг мадрасадаги ҳужраси. У китоб мутолаа қилиб ўтирибди. Ҳужра эшиги очилиб, Паҳлавон Муҳаммад кириб келади.

**НАВОИЙ.** Келинг, Паҳлавон, келинг, қани тўргичиқингиз.

**ПАҲЛАВОН.** Ҳолингиздан хабар олай деб йўлйўлакай бир кирудим.

**НАВОИЙ.** Сиздек ажойиб бир дўстим бор эканиндин толеъимдин миннатдормен. Қеча бир балойи қазодан сақлаб қолдингиз. Агар сиз бўлмаганингизда, Султон Абусаид Мирзо устод Сайд Ардашерникида ўқуғон шеърим учун ё зиндонга соларди ё.. шоҳ амрига қарши чиққанлар қаторида халқقا ибрат бўлсун деб дорга осарди.

**НАХЛАВОН.** Ҳа, бу подшо билан ҳазиллашиб бўлмайдур. Бошқа Мирзоларга ўхшамайдур, хусусан, ҳазири ҳоқон Шоҳруҳ Мирзо, Улуғбек Мирзо, Искандар Мирзоларининг бутунлай аксикур. Фазабнок арслон ёхуд Ариман девга ўхшайдур. Кўнглида раҳм-шафқатдин осар ҳам йўқ. Ёвузликда ва одамхўрликда Заххокдин ҳам ўтгай. Бўлмаса, ҳеч кимга вафо қилмағон тожу деб Улуғбек Мирзонинг бегуноҳ набираларин; Шоҳруҳмирзодек улуғ ҳоқоннинг суюкли хотини Гаваришабегим ва бошқа яна бир қанча қариндошларин кейд этмоғон бўлур эди. Ахир алар ҳам Амир Темур Муратон ҳазратларининг пушти камаридин бўлғон ўз тушишларини-ку!

**НАВОИЙ.** Ҳа, бул замонага тушуниб бўлмайдур! Тому таҳт, иззу жоҳ, молу дунё, симу зар учун ўғул оғасин ўлдирмоқдин тоймайдур. Қариндош қариншиги қилич кўтарур, вафо-салоқат, карам киби сифатлар иларга тамом бегонадур. Тўғри сўзни айтиб бўлмайдур. Ҳамма ёқни палиллар, инсон қиёфасиндаги тўнриллар, хушомадгўйлар, сотқунлар босуб кетди. Айғоқчиллар, шоҳу амирлар сўнгак ташлармикан, деган умидда оч қолрон итдек дуч келган одамнинг этагиндин тишилларлар. Вафо ўрнини нифоқ, саҳо ўрнини баҳиллик таҳдидларди. Ажиб бир мамлакат. Ваҳшатободга ўхшайдур. Масжидлардин шафоат кўтарилимиш, хонақолардин файз нури ўчмии. Мустаҳиблар тутиб кўлтирилган ўғрининг қулини кесиш ўрнига уни тутган кишини илгидин жудо қўяурлар. Ҳокимлар ерга йиқилғон ожизу бечораларни турнишмоқ ўрнига, ўлганнинг устиға тепғон қабилида уни тутурлар. Иш шул ерга бордики, навкарлар ўлукдин ҳам қафани тамаъ қилғайлар. О, Хуросон, не кунларга қолдими?

**НАХЛАВОН.** Секирроқ, Алишер, девор ортинда тарни инги сичқонлардин бири қулоғини динг қилиб турғон бўлмасун?

**НАВОИЙ.** Хуросонни қоплаган бу зулматни кўруб, индай олмасмен, дўстим! Ҳақиқат борму ўзи бу дунёда? Қачонгача улус қон ютадур? Бу алғов-далғовларга қачон чек қўйиладур? Фақирларнинг қорни қачон нонга тундир? Улуғбек Мирзодек адолатли шоҳларни бизга ишсиб қиласмикин? Шеърларимиз қадрига етадиган бир ют тошилурмикан?

**НАХЛАВОН.** Ҳақиқат етти қават ернинг тагига қўшилгандур, Алишер! Азалдин абад бойлик ва мансаб

хұқмронлик қылғондур. Аввали ҳам шундай эрди, ҳолір ҳам шундай, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолажак. Улуғбек Мирзодек султонлар минг йилда ҳам бир кел майдур... Фикримча... Абусаид ортингиздин кучли жосслар қўяжакдир! Шул боис ҳаётингизни асрамогин гиз лозимдур.

**НАВОИЙ.** Ростин айтғонда, кечаги ҳангомада жоссни роса тузладингиз, жоссус бўлиб туғилғонига ҳам пушаймон едирдингиз! Тағин шундай даҳшатли султон ҳузуринда фақирни ҳимоя қилиб, ёлғонни ҳам сув қилиб ичдингиз... Эсласам кулгум келур...

**ПАҲЛАВОН.** Шайх Саъдий айтганлариdek, таҳликали онларда зарап етказувчи рост сўздин, жонни қутқарувчи ёлғон аълодур. Дўстлик ҳурмати, ул сўзлар тилимға қандай келиб қолганлигини ҳам билмаймен. Аммо бул сафар қўлга тушсангиз, султон сизни айб ўтирумайдур.

**НАВОИЙ.** Рост, айтурсиз, дўстим! Султондин яхшилик кутиб бўлмас. Анинг жосслари кун бермайдур. Ғонга ўхшайдурлар, шу сабаб бир баҳона ила Ҳиротдин ўзга юртларга жўнаб кетсаммикин? Аммо таҳсилим ора йўлда қолиб кетур деб қўрқамен.

**ПАҲЛАВОН.** Таҳсилни бошқа шаҳарларда ҳам давом эттурса бўлур. Инчунун Машҳади дорул-муқаддасда, ул ер сизга қадрдондур, бир неча бориб эдингиз.

**НАВОИЙ.** Машҳад... Ажиб шаҳар... аммо ҳавоси мижозимга рост келмайдур, ул ерда кўп марта бўлғонимга ўзингиз ҳам гувоҳсиз. Балки Самарқандга кетсаммикан? Самарқанд қадимулайёмдин илму маърифат маркази сифатинда довруғ қозонғондур.

**ПАҲЛАВОН.** Бу фикрингизни қувватлармен, Алишер! Самарқанди баҳаво ва салқин, фирмавсмананд бир ўлка деб таъриф қилурлар. Ҳиротда ҳар қадамда жон ҳовучлаб юргондин, ул шаҳарга бориб тинчгина таҳсилни давом эттурсангиз, айни муддао бўлур. Чунки, Абусаид Мирзо тирик экан, Сизга кун бермайдур. Андин қанча олисда бўлсангиз шунча яхши бўлғай.

**НАВОИЙ.** Майли, Самарқандек маърифат масаканида таҳсил олмоқ ҳар кимга ҳам насиб қилмайдур. Бирон ҳафтадин сўнгра йўлга чиқиб, карвонга қўшилурмен. Аммо падари бузруквор ўрининда маслаҳат бергувчи устод Сайид Ҳасан Ардашер бул сафаримдин бехабар қоладирғон бўлдилар.

**ПАҲЛАВОН.** Устод бир ёққа кетдиларму?

**НАВОИЙ.** Ҳа, ул кишининг акалари Машҳадда қа-

илибдур, бугун тонгда хабар келди, йўлга ўзим ку-  
нин бўйдим. Эди бир-икки ой Машҳадда бўлуб, фо-  
нин бўйдим.

Шу йойи ҳужра эшиги тақилладб, хон чопари кириб келади.

НОНАР. Алишернинг ҳужраси шулми?

НАВОНІ. Адашмадингиз, не хизмат?

НОНАР. Сизнинг номингизга хон ҳазратлариндин  
тумони одий бор (фармонни узатиб қайтади).

НАВОНІ. (Фармонни ўқийди.) — «Мовароуннахру  
восои Султони Абусаид Кўрагон сўзимиз, бу фармони  
майли мозълум бўлсинким, Алишер Фиёсиддин Кичкина  
девлат ва сиёсат манфаатлари йўлинда дорус-  
тагониг байдайи Ҳиротда турмоғи маъқул кўрилмай-  
тур. Ба ул икки кун муҳлат ичинда йўл тадорукун кўриб,  
амарқандиги азимат қилиши лозим. Акс ҳолда, фармони  
тумони бажармаган киши сифатинда ҳибсга оли-

надир. НАҲЛАВОН. Айтмабмидим, бул шоҳдин яхшилик  
нижмас деб. Зўравонликка ўтибдур.

НАВОНІ (кулимсираб). — Бул фармон гойибдин  
көропдек бўлди. Оллоҳ таолонинг ўзи бизни Самар-  
қандаги бошқарур. Не тақдирга тағиیر бериб бўлмас.

НАҲЛАВОН. Самарқандда Мовароуннахр ҳукм-  
ишини Абусаид Мирзо ўз ўғли Султон Аҳмад Мирзо  
тагона тоншургондур. Аммо Султон Аҳмад Мирзо ёш  
тагона амир Аҳмад Ҳожибек мамлакатни идора  
тадур. Самирқандлик мусоҳибларнинг айтишларича, Аҳ-  
мад Ҳожибек жаиоблари анча раиятпарвар киши эрмиш.  
Тобъи назмга ҳам мойил эркан. Шояд юлдузингиз тўғ-  
оддас юқаб эрмас...

НАВОНІ. Икки кун муҳлат... Бунчалик тез... Еру-  
пиролорлар ила хайрлашмоққа ҳам етмайдур... Самар-  
қандаги қай йўсенида кетурмен? Фақир бир толибул-илм-  
чи улбо не қилсун?

НАҲЛАВОН. — Бу ёғига худо подшо, Алишер, таш-  
нив ўзимни, мен ўз отимни бериб, йўлга кузатурмен.

НАВОНІ. Ие, отингиз йўқ эрди-ку? Сотиб олдин-  
ганимур?

НАҲЛАВОН. Бу янгиликни сизга айтмоқ ёдимдин  
фуаридидур. Абусаид Мирзо неварасининг тўйи хоти-  
рини оламу? Бормоғон эрдингиз ва сизга қўшилиб мен  
ҳам Ҳимни четга олғон эрдим. Аммо тўйнинг охирги  
тумони боришга тўғри келди. Ҳиротлик полвон дўст-

ларим уйимга келиб, бормасангиз булмайди, деб туриб олишди.

**НАВОИЙ.** Демак, курашга ҳам тушибиз-да.

**ПАҲЛАВОН.** Ҳа, кураш тушмоқдин ўзга илож йўқ эрди. Балхлик бир полвон Мовароуннаҳру Хурсоңдаги жаъми забардаст полвонларни забуғ қилубдур. Орига чидай ғолмағон ҳиротлик полвонлар, Паҳлавон, ёлгуз сиз қолдингиз, асл полвон бўлсангиз курашга чиқингиз, бизнинг ўчимизни олиб берингиз, деб туриб олишиди. Полвонлик ғуури бормаслигимга монеълик қилди. Чандаст полвон эркан, аммо учинчи қафасда чил солмоққа янглишди, елкамдан ошириб ерга урдим, қайтиб турғолмади. Зотига қорабайир от ва қўчқор беришди.

**НАВОИЙ.** О, янги ғалабангиз муборак бўлсун, дўстим! Омад ҳамиша ёрингиз бўлғай.

**ПАҲЛАВОН.** Муҳлатингиз озлигидин шошилмоқ зарур, Алишер! Йўлға ҳозирланмоқ керак. Самарқандга бориш ва бирор мадрасада жойлашгунга қадар тирик чилик учун пул ҳозирламоқ даркор. Шул боис қўчқорларни шу бугун пулларман, эҳтиёжингизга ишлатурсиз.

**НАВОИЙ.** Ахир улар сизнинг баъйингиз-ку, Паҳлавон?

**ПАҲЛАВОН.** Дўстлар орасинда сизники-бизинки деган сўз бўлмайдур. Олмасангиз хафа бўлурмен. Мен давлат маҳкамасинда тайин маош эвазинда ишлаб турғон бир киши бўлсам, сиз эса толибул-илмсиз, бунинг устига сафарга чиқмоқдасиз. Мусофириликни ўзи бўлмайдур. Ҳусусан, Самарқандек бегона бир шаҳарда, таниш-билиш бўлмағон бир жойда пулга кўп эҳтиёж сезиладур. Агар дўстим деб ҳисобласангиз, бизга нозумижозлик қилмағайсиз. Қани, туринг, сафар анжомларни ҳозирламоққа киришайлик...

## 5-ҚУРИНИШ

### ХУРОЗ ҲАММА ЕРДА БИР ХИЛ ҚИЧҚИРАДИ

Хузор шаҳри. Карвонсарой. Маҳаллий кишилар. 4—5 савдоғар ўзаро сұхбатлашмоқда. Қош қораймоқда.

**КАРВОНСАРОЙ ЭГАСИ.** Мехмонлар не хизмат буюруллар? Бош устига...

**БИР САВДОГАР.** Бир косадин шўрва қўйиб келсангиз, дуо қилиб ичар эдик.

Карвонсарой эгаси хўп деганча ошхона томон жўнайди.

**ИСКИЧИ САВДОГАР.** Бул Хузор вилояти ҳам  
а ёлойиб жойда. Карвонларнинг жаъми шул ердин

**МАХАЛЛИИ БИР КИШИ.** Шаҳримиз чорраҳадек  
жобдур. Карвонлар шул ердин Самарқанд ёхуд Бу-  
тун гомонларга йўл олғайлар. Ҳазрати Амир Темур  
ибни Узбекинларин Ҳиндистонга шул жойдин олиб ўт-  
тишади.

**ОҚ СОҚОЛЛИ ЧОЛ.** Улуғбек Мирзо ҳам бул ер-  
дин бир нечи бор бўлиб, қутлуғ қадамлари билан мунав-  
вар кийлонлар.

**БИР САВДОГАР.** Халқи чорвадорлик ила шуғул-  
ланни ёркани. Айниқса, қўй бозори беҳад катта, қўйни  
эрганинг эрмис, сурувлаб харид қилур эрканлар. Ҳисор-  
дии, Шаҳрисабздин, Қаршидин ва Олис туркман овул-  
аринин ҳам бу ерга қўй ҳайдаб келар эрканлар.

**ОҚ СОҚОЛЛИ ЧОЛ.** Чорвадорлар-ку қўй ҳайдаб  
коғониди, иммо ўртадаги даллоллар фойда қилурлар.  
Кўй сотқондин ҳам, қўй олғондин ҳам пул ундириб  
наутилар. Аларининг ичинда Очилбува деган бир далло-  
ни борки, фирибгарликда шайтонға ҳам дарс берур.  
Киммат молни арzon, арzon молни қиммат қилиш унинг  
учун замирдин қил суғурғондек осондур.

**КАРВОНСАРОЙ ЭГАСИ.** Ул кишининг макр иш-  
аврии қўлмоқ ҳеч кимнинг ҳам қўлидан келмайдур. Ўт-  
сан боюр бир ҳангоманинг гувоҳи бўлдим.

**ШАВОИЙ.** Не ҳангома эркан, эшитайлик.

**КАРВОНСАРОЙ ЭГАСИ.** Ул киши кампирита ўн-  
тава ўй-очкани бозорга олиб бориб сотмоқни буюриб-  
дуру. Харидор келган эркан, ўз оғзидин шул сўзларни  
ашниб, ёқами ушладим. Харидорга: — Бул кампир-  
итни боли ўлуб тул қолғондур, савобға бораман десангиз,  
ашниб пархига рози бўлаверинг, — деса бўладими? Ана  
кўрдиганими, пул учун ўзини ўлдиға чиқарди... Худодан  
ашниб қўрқмайдур. Нотаниш харидор эса, соқоли селкил-  
санга бу чол рост гапиряпти деб ўйлаб, қўйларни у айт-  
сан ўқори пархда сотиб олди. Ана ҳангома—мана ҳан-  
гома. Умрим бино бўлуб, бунақасини кўрмаганман.

**ДІҲКОН ЙИГИТ.** Шаҳримиз қозиси ҳам фириб-  
тэркка ул кишидин қолишмайдур. Савоблиқ бир бой,  
ашниб оғзишидни ошиб, етмишларға яқинлашған, қўшни-  
ни камбарал бир боғбоннинг 9 яшар қизин оёқ уқалат-  
моқда олғон эркан. Бир кун ул нобакор оёқ уқалата  
турди, қизининг номусин булғабди. Буни билган боғбон

«дод» деб қози маҳкамасиға келди. Бой машмашани олдини олиб, қозининг оғзини мойлаган эркан дур, қози шариат юзасиндин бойни жазолаш ўрнига, бөгбонга, фалонча, қизингни қалпоқ ила урса йиқилурмисен? — деб сўрабди. Боғбон, табиийки, йўқ, деб жавоб берибди «Йиқилмаса, нечук арз қилурсан, эшитмағанмисен, қизи ни қалпоқ билан ур, йиқилмаса эрга бер» деган шархи, дебди. Бу ҳам етмагандек, қизингни ўзи эрсиратган, ғунажин кўзини сузмаса, буқача ипини узмайди, або ўзингда, вақтида эрга бермагансен, деб дўқ ҳам қилибди. Пулдин чўзсанг, қизингни бойга никоҳлаб қўярмен, деб, бор-йўғин шилиб олибди бояқишининг. Ана адолату ана диёнат. Қозининг ўзи шундай бўлғондигүй сўнг, бошқадин нима умид, нима хайр?!

**НАВОЙИ.** Бу хил ҳангомаларни йўлда ҳам эшидик. Айримларининг гувоҳи ҳам бўлдик. Амудин утиб Термизга қўнғонимизда (*ул ерда уч кун бўлдик*), Термиз сайидлари қабрини зиёрат қилиб юргонда, Ҳаким Термизий мақбарасинда, худо ва сайидлар номин ўртага қўйиб қасам ичаётган бир деҳқон йигитга бехос дуч келдим. У қўлида Қуръон, Ҳаким Термизий сағанаси олдинда тиззалағанча, шаҳар доруғаси ва бир навкарни ўлдирмоққа онт ичаётган экан. Ўрнидин тургандии сўнг, эй йигит, нечун бир эрмас икки киши жониға қасд қилдинг, деб сўрадим. У менга, шаръий хотинини бир навкар зўрлик билан олиб қочганин, шаҳар доруғаси эса навкар ёнин олиб, ҳақорат қилганин айтиб берди. Хотин ўз-ўзин ўлдирибди. Қасд олмоқ ниятинда навкар билан доруғани сўймоқчи эркан. Мен, бу йўлдан қайт, сени ҳам тутиб ўлдурурлар, дедим. У, ортуқ яшамоққа тоқатум йўқдур, деди. Мен, бўлар иш бўпти. Термиз доруғаси арзингни тингламағон эркан, Самарқандиа бориб, шикоят қил, золимларнинг жазосин бергайлир, деб маслаҳат бердим. Кўнгандай бўлди, ерга уруг сонкондин сўнг борурмен, деди.

**БИР САВДОГАР.** Навкарлар ҳаддан ошмоқдалар. Улар карвонни манзилга тинч етказмоқ, йўлтусарлардин ҳимоя қилмоқ ўрнига ўзлари ўғрилик қилурлар. Учрағон қишлоқни босиб, дуч келган ҳовлини талаб келурлар.

**ОҚ СОҚОЛЛИ ЧОЛ.** Шаҳримиздаги миршаблар ҳам алардин қолишмас, ўғриларни тутиш ўрниға, аларға шериклик қилурлар. Беклар эса кайфу сағодини ўзгани билмайдур. Хўроz уриштириш, қўчқор чўқишиши, қиморбозлик, майхўрлик аларға ота касбдек бир гап.

Камбагалирнинг сулув қизлариға чанг солурлар, бач-  
қолдик қилурлар.

**ДЕҲКОН ГИГИТ.** Ҳокимлар даҳа бошлиқларин  
табиинламоқ учун пора олурлар ёхуд айтғонин  
мансабдан бушатурмиз, деб амалдорлардин  
пул олурлар. Амалдорлар эса, мансабни сотиб ол-  
май деб, ҳалқни талон-торож қилишни уччига чи-  
нур. Бир ҳисса пулини ҳалқдин ўн баравар қилиб  
чур. Ҳеч кимса суриштирмас. Жарақ-жарақ пул,  
күн хотин, данғиллама ҳовли, хизматкору чўри-  
куни совуқ сувға урмасдин подшолардек яшай-

**ОҚ СОҚОЛЛИ ЧОЛ.** Қай кунларга қолдик. Юрт  
амалдорларида диёнат қолмамиш. Қиёматда тангри ол-  
мила жиоб беришини ўйламагайлар... Кимнинг симу  
булсан, анинг пичоги мой устида. Олтини бор — ол-  
мила хотини бор... Тағин бошқанинг хасмиға ҳам кўз  
отириладур. Бироннинг мингта қўйи бор, ўзи ўлгудек  
иммо камбагал қўшнисининг бор-йўғи битта эч-  
нига энгиллик қилишни ўзига айб деб билмайдур. Би-  
нодар ишшу ишратда, кайфу сафо қиласадур, аммо кўп  
стим-сирлар, бева-бечоралар худди шул пайтда  
бурда понга зор бўлиб, қон йиғлағонин эсига ол-  
миш. Амир, Қуръонда мискинларға раҳм қилинг, деб  
тиммағонми? Шариат номидин иш тутувчи қозилар  
кўбўямачилик, ҳийла, найранг, порахўрлик била  
нағенни тўйдирмоқдин бошқани ўйламайдур. Охир  
амон якин қолиб, қиёмат-қойим бўлса ажаб эрмас...

**НАНОИГИ.** Кажрафтор замона деб шуни айтурлар...  
Мен елтуз Хурсоңда зулм, фисқу фужур алангаси авж  
даган деб қаттиқ янгишишибен. Мовароуннаҳр ўлкаси  
анди қолишмас эркан.

**ОҚ СОҚОЛЛИ ЧОЛ.** Ҳўроз ҳамма ерда бир хил  
киндириди, деб бекиз айтмағонлар, ўғлим.

**САЙДОГАР.** Суҳбатимиз роса қизиб, дам олмоқни  
тунуб қўйдик, азизлар. Эрта тонгда йўлга чиқурмиз.  
Навбатдаги қароргоҳ — Шаҳрисабз. Ул ерда уч-тўрт  
бун бўлиб, Самарқандга борурмиз. Сафар олдидин  
утиб олсак, яхши бўларди.

Парда

# ИККИНЧИ ПАРДА

## НАВОИЙ САМАРҚАНДДА

### 1-ҚУРИНИШ

#### КИТОБ САВДОСИ

Самарқанд бозори манзаралари. Саҳҳофлик дўкони. Навоий бозор оралаб юриб, дўкон олдида тўхтайди. Қўллэзма, китобларни кўдан кечира туриб, бир баёзга диққат қиласди.

**НАВОИЙ.** Ажойиб бир китоб эркан, онда устот шоирларнинг гавҳармисол байтлари жамъ қилинмиши дур...

**МИР ҚАРШИЙ.** Рост айтурсиз, мулло йигит, бул баёзда Амир Хусрав Деклавий, Салмон Соважий, Ҳосен Ҳофиз Шерозий, Мавлоно Лутфий каби маликул-каломларнинг дурратул-тоҷга менгзайдурғон латиф ғазаллари битилмишдур.

**НАВОИЙ.** Китобингизнинг баҳоси неча пул турур, мавлоно?

**МИР ҚАРШИЙ.** Самарқанднинг хушнафас хаттоялариндин Муҳаммад Суғдий илки била кўчирилган бу дақиқ нусханинг баҳоси йўқдир. Аммо ул ҳазрат пулги эҳтиёжманд бўлганлари туфайли, 50 тангадан кам бўлмасун деб тайинлаб эрдилар.

**НАВОИЙ** (*чўнтағидан пул чиқаради ва санаб турраб*). Ўттуз тангага рози бўлурмисиз?

**МИР ҚАРШИЙ.** Китоб соҳиби элликдан кам бўлмасун деганлар.

Шу пайт амир Барлосий Шаҳрисабзий уларга яқинлашиб, суҳбатни кузатади.

**НАВОИЙ.** Бизда бори ўттуз тангадур. Сиз шудақчани олсангиз қолғонин сўнгги ҳафтада келтуурмен.

**МИР ҚАРШИЙ.** Сиз шеърга муҳлис йигит кўринурсиз. Лекин китоб соҳиби пулни нақд олмоқчи эрдилар, шул сабабдин...

**НАВОИЙ.** Менинг сўзларимга ишонмасангиз, йигирма танга бадалига ушбу узукни қолдиурмен. Шарт шулки, они йўқотмагайсиз, ул онамдин қолғон ёдгорликдур. (*Бармоғидин узукни олиб узатади.*)

**МИР ҚАРШИЙ.** (*Узукни ола туриб.*) Хўп, мулло йигит, сиз айтгандек бўлсун, қолғон 20 тангани мен ўз ҳисобимдин берурмен, узукни пулни олиб келгаида

шарыб олурсиз (у ўттиз танга ва узукни олиб, киши Навоийга үзатади).

**МИР БАРЛОСИЙ.** Салом, Алишер!

**НАВОИЙ.** Китоб харид қилмоқдамен.

**МИР БАРЛОСИЙ** (*саҳҳофга*). Бул йигит зуллиши шашр Алишер Навоий бўлурлар. Ул кишининг ашни ширии абёти Мовароуннаҳру Хуросонда баштаги машҳур. (*Навоийга*) — Бул киши Мир Қарший, таъвалуси била шеър айтурлар.

**МИР ҚАРШИЙ.** Э... кечиурсиз, Алишер, таниманини сийламас, дерлар. Довруғингизни фақир ҳам кўп танимени. Гойибона мухлисларингиздан бири деб танимени. Уэр, узр... Олинг (*Узукни қайтаради*)... Пул танингизда ҳисоблашурмиз...

**НАВОИЙ** (*узукни олмайди*). Йўқ, йўқ, бул узук танингизни турсун. Акс ҳолда сиз мени қарздор қилиб қўюринг.

**МИР БАРЛОСИЙ** (*саҳҳофга*). Мана 20 танга. (*Навоиса*) Узукни қайтиб олинг.

**НАВОИЙ.** Илтифотингиз учун ташаккур. Ва лекин бу билан сиз мени қарздор қилурсиз. Аммо мен шул таваққа юмсандин қарз бўлгон банда эрмасман. (*Мир Барлосиен*) Келгуси ҳафта ичинда, иншооллоҳ, пулингизни жетурниб, узукни қайтиб олурман. (*Кетади.*)

## 2-ҚУРИНИШ

### ТАВОРУД

Хўжиниён Ҳоји Фазлуллоҳ Абуллайсий мадрасасидаги ҳужраси. Навоий Навоий Юсуф Андижоний билан суҳбатлашмоқда. Энгизи очилиб, Суҳайлий кириб келади, у Навоий билан қўлдан дўстлардек қучоқлашиб кўришади.

**НАВОИЙ.** Хуш келибсиз, Шайх Аҳмад Суҳайлий, шунук шамоллар учурди?

**СУҲАЙЛИЙ.** Ҷавлат хизматлари ила Ҳиротдин бормоқидага бормоқни Султон Абусаид Мирзо буюриб Мирзодин ўғуллари Султон Аҳмад номига мактабниб келмишмен.

**НАВОИЙ.** Ҳиротлик дўсту ёронлар соғ-омон борнишни. Ҳусусан, надари бузруквор ўрнида мураббийи тоғаничи Сайид Ҳасан Ардашер ва дўсти аржуманинг Навоиниён Муҳаммад соғ-омонмилар?

**СУҲАЙЛИЙ.** Сайд Ҳасан Ардашер жаноблар яқинда Машҳад сафаридин Ҳиротга келмишлар. Навловон Муҳаммад эрса Абусайд Мирзо саройинда муғли зимликни давом эттиур. Икковлари ҳам сизга кундан кўп дуойи салом йўллаб, мана бу ақчаларни таҳсил учун зарурият ўрининда ишлатурсиз, дея фақирдин беров юбормишлар. (*Пул узатади.*)

**НАВОИЙ.** Ул жаноблар инсонийлик ва дустлик юзасиндин фақирга ёрдам қўлин чўзмишлар. Ажзу ине зимиznи аларга еткургайсиз. Ўрни келганда аларини бу ёрдамларин бирга ўн қилиб қайтармоқ ниятим бор (*Пул солинган қопчиқни олади.*)

**СУҲАЙЛИЙ.** Ўзунгиздан ҳол-аҳвол сўрасак, ишвили руҳиянгиз нечук? Мусофирик ғурбати дилингизни озор бермайдурму?

**ЮСУФ АНДИЖОНИЙ.** Мусофирик бўлмагуни мұсулмон бўлмас, деб ойтмишлар улуғлар. Алишер ишвили бир навъ турмуш кечуурмиз. Топғон-тутгонимизни ўрта тада баҳам кўурмиз.

**НАВОИЙ.** Самарқандни фирдавсмонанд тасаввуб қилғондин ҳам ортиқ бир шаҳар эркан. Эли ҳам мөхондуст ва одамийликда мусалламдур. Шул жиҳатдан фақир бу шаҳарни ўз она шаҳримдек муқаддас ва таъбаррук бир замин ҳисоблармен. Тўғри, аввалги ишвилиларда кимсасизликдан иотаниш шаҳарда баъзи мушкӯлотлар рўй берди. Баъзан тўқ, баъзан оч, қай жойни боришини билмай, мусофирикда сарсону саргардор кезган онларим ҳам кўп бўлди. Ғурбат аро ҳолим ёмондан-ёмон бўлса-да, мадраса ва хонақоҳлар остошини ўзумга маскан қилиб, табииёт ва илоҳиёт соҳаларини ги таҳсилни канда қилмадим. Шу кунларда толесъ бўлиб, Самарқанднинг аъламул-уламоси Хожа Фазлудлоҳ Абуллайсий тарбиятларинда бу ҳужрада сокинимен, ҳамхонам мулло Юсуф — андижонликдур.

**ЮСУФ АНДИЖОНИЙ.** Мавлоно Абуллайсий барча шогирдлар орасинда ёлғиз Алишерга ортуқ мешрӯюб бул кишини «Фарзанд» деб мурожаат қиласурлар.

**СУҲАЙЛИЙ.** Бул кўҳна жаҳон мавлоно Абуллайсий, мавлоно Сайд Ҳасан Ардашер киби зоти шарифлар нуриндигин мунаввар бўлмағонда тубсиз бир зинидонга үхшағон бўлурмиди?

**НАВОИЙ.** Рост айтурсиз... Ҳиротда тагин не янгиликлар бор?

**СУҲАЙЛИЙ.** Ҳиротда зулм ва фисқу фужур аввалигинидин юз чандон ортуқроқ авж олмушдир. Абусайд

Наро жиенлиги номақбул солиқ ва фармонлар ила  
Оро жоннан зулм ўткарур. Улуснинг тортган оҳу  
нинг етти кўқдин ҳам ўтубдур. Илм даргоҳларинда  
Аси фойдани асар ҳам қолмамиш. Олиму фозиллар  
ни Майдонининг Баҳромдек чавандозлари хор-зор-  
а маҳкум этилган. Шоҳруҳ Мирзо ва Абулқосим  
нинг фармонларинда балқиган маърифат ва нафосат  
нинг бугун қаро туфроққа бош қўймушдир. Ва билъакс  
нинг Ҳиротдан Самарқандга келмоғингиз ҳар жи-  
ни мақбул иш бўлмишдур. Ҳиротлик барча дўсту  
нинг ҳам шул фикрдадур.

**НАВОНӢ**. Ҳиротдин Самарқандга йўл олғонимда  
ни Сабиб Ҳасан Ардашер Машҳадга кетиб эрдилар.  
Бини бул сафар важҳларидин билмасдин ташвиш  
маснилор деган ўй ила ҳасби ҳол усулинда бир мак-  
бериб ҳрам. Аммо ишончли бир одам бўлмағонин-  
ни бул мактубни қандай еткуришликнинг иложин  
нингда оғиз эрдим. Шул мактубни сиздин бериб юбор-  
сан Ҳиротга қайтишда ул зотининг ўз қўлларига  
*(Токчадаги китоблар орасидан бир тўда  
оғиз солинсан мактубни олади ва Суҳайлийга уза-*

**СУҲАПЛИӢ**. Бош устига, Алишер не хизматингиз  
нинг оғиз дилдан тайёр бизлар (*мактубни очиб ўқий*  
*бизларни*).

Сано ҳаққаким, кошифи ҳол эрур  
Ҳирағ мушкилотиға ҳаллол эрур...  
Бирорвга неча ғурбат изҳор этиб,  
Чу бир ерда кўптурғузуб, хор этиб,  
Сафарни тамуғдин нишон айлабон  
Гамур раңжин андин аён айлабон...  
Мангаким видодингға хурсандмен,  
Жаиобинингға шогирду фарзандмен,  
Гаме етти чархи жафо пешадин.  
Ҳам ул аижуми хориж андишадин  
Ки бўлмоқ ватан ичра душвор эди.  
Қўнгилга жало дафъи озор эди.  
Сафар тушиб оллимға беихтиёр,  
Қало амрида элга не ихтиёр?  
Яна бир буқим зоҳир ўлмиш манго,  
Ки циқминиҳ Хурросон элидин вафо.  
Деми мулкким ваҳшатобод зишт,  
Гамур билгуруб ғойиб ўлғоч биҳишт.  
Не эл, не киши балки шайтону дев

Келиб барчаға даъб бедаду дев.  
Манга бу эл ичра не бир ҳамдаме,  
Ки бир дам иковлон дейишсак ғаме,  
Не шоҳики, топса ишим ихтилол  
Мадиҳифа кўргузгамен иштиғол  
Не бир аҳли давлатдин онча умид.  
Ки андин наво топса бир ноумид.  
Сен эрдинғки, ҳар ишда ёрим эдинг,  
Не ғамким етар, ғамғусорим эдинг.

**НАВОИЙ.** Бул байтлар бобини вафоишия, зоҳири саҳоандеша вафову сахр кони устод Сайд Ҳасанға оиддур.

**СУҲАЙЛИЙ.** (*Ўқишини давом этади.*)

Сени ҳам сипеҳри мухолиф мазоқ  
Ўкуш рев ила солди мендин йироқ  
Бирорғаки юз қўйса мунча бало,  
Не бўлғай онинг чораси жуз жало?  
Заруратки, ясаб сафар баргини  
Тушуб йўлға қилғай ватан таркини...

Хурросону Ҳиротда Абусайд зулмининг ҳаддин ошқонин, улуснинг сабр косаси лиммо-лим тўлғонин рўй-рост битибсиз, Алишер. Шул жиҳатдин бул маснавий ҳақинда бир сўз дейишдин лолмен. Онда сиз Самарқандга келиш сабабларин рўй-рост ёзибдурсиз. Қадимул-айёмин шу кунға қадар ўтған шуаро ўз замонаси ҳақинда Сизчалик очиқ ва равшан ёзмабдур. Бул мактуб Абусайд қулиға тушса, Сизни ҳибсга олмоқни буюрар ва бул ҳаққоний сузларингиздин бошинғизға бало орттирамасанғиз деб кўрқурмен.

**НАВОИЙ.** Эҳтиёт шарт тадорукин кўруб, бул маснавий ҳар кимдин сир тутулур эрди. Ўйларменким, уни Сиз ҳам, устод Сайд Ҳасан ҳам сир тутғайлар. Акс ҳолда...

**СУҲАЙЛИЙ.** Акс ҳолда Абусайд хуфъялари Сиз ҳақинда бул мактубдин қимматлироқ совға топа олмаслар.

**НАВОИЙ.** Сизға ва устодға ўзимға ишонгандек ишонурмен.

**ЮСУФ АНДИЖОНИЙ.** Султон Аҳмад Мирзо ҳам Алишер орқасиндин жосус қўймишдур.

**НАВОИЙ.** Бул ҳақда Самарқанд волийси Аҳмад Ҳожибек фақирни огоҳлантириш, Шул сабабдин, жо-

сүслардин сақланмоқ мақсадинда бегона давраларда сиёsat ҳақида ортуқ сұз айтурдин ўзимни тиурмен.

**СУҲАЙЛИЙ.** Аҳмад Ҳожибекни фуқаропарвар ва маърифатпарвар амирлардин деб эшитурмен, шул гап рост әркан-да?!

**НАВОИЙ.** Ҳа, ул амир фақирға күп илтифот күргузар.

**СУҲАЙЛИЙ.** Султон Аҳмад Мирзонинг ҳам ўз отасидек золим ва жоҳил эрмаслиги ростми?

**НАВОИЙ.** Мовароуннаҳр ҳукмдори бўлмиш бул Мирзони унчалик синамадим. Аммо салтанат ишларин Султон Аҳмад Мирзо номиндин Аҳмад Ҳожибек олиб борур. Айтишларича, Султон Аҳмад Мирзо табъи шеър айтишға мойил эрмиш. Фақир ҳозирғача ондин ёмонлик кўрмамишмен, қолғонин тангри таоло билур.

**СУҲАЙЛИЙ.** Замона зайли ила Султон Аҳмад Мирзо отиға бир қасида битмишмен. Абусаид Мирзо мактубни топширмоқ чоғинда шул қасидани шоҳға тақдим этмоқчи эрдим.

**НАВОИЙ.** Замон шоҳларинға қасида битмак азалдин қолғон бир одатдур. Аҳли шуаро шеърнинг бул жинсин мол-дунё орттирмоқ мақсадинда истифода қиулурлар. Шул жиҳатдин күп ёлғон сўзларни рост қилиб битурлар. Ҳусусан, Бухтуннасрдек золим шоҳларни Ануширвони одил деб мадҳ этурлар. Жуҳуд Қорундек хасисларни араб элининг сахийлик ва қарамда ном чиқарган Хотами Тойға нисбат берурлар. Айрим қасидалардаги золим ва фосиқ шоҳларға ташбеҳ берилмиш Фаридуни замона, Рустами достон, Афлотуни Соний каби ёлғон сифатларни жиним сўймайдур.

**СУҲАЙЛИЙ.** Фақирнинг қасидаси бу сифатлардин холидур. Қасидада фақир Султон Аҳмад Мирзони ва маърифат ишларин ривожлантирмоқ ва шул асосда дунёда яхши ном қолдирмоққа чорлаббиз.

**НАВОИЙ.** Мақсадингиз олижаноб әркандур, қутлаймен. Бул яхши сифатлар Самарқанд шуароларининг сарвари туркигўй мавлоно Саккокийнинг Улуғбек Мирзога бағишлиланган қасидаларинда шоевъдурурки, шул важдин фақирнинг ул зотға ҳурмати бениҳоятдур. Аммо фақиру ҳақир Улуғбексифат шоҳларни ҳаётда учратмағонлиги учун замон шоҳлари ҳақинда қасида айтишдин ўзумни тиярмен. Инчунунким Абусаид Мирзо номига қасида битмоқ дўзахни жаннат демоқ ила баробардур! Хўп, қани, қасидангиздин баҳраманд қилинг. (*Суҳайлий қасидасини беради.*)

**НАВОЙИ** (*Ичида ўқий бошлайди. Пауза*). Яхши (*Пауза*). Дуруст... Қасидангиз мояси сўз гавҳарлари ила безалмишдур. Ва лекин ул ҳали ниҳоясиға етказни мабдур.

**СУҲАЙЛИЙ**. Шул фикр фақирнинг ҳам кўнглини кечган эрди.

**НАВОЙИ**. Қасиданинг насибу сабабу мадҳ қисмлари мақсадға мувофиқ эрса-да, хулоса қисминда пасф этилмиш Султон Аҳмад Мирзонинг исмиға зийнатланғон байтлардин сўнг яна бир янги байт орттириш лошимки, аввалги байтлардағи фикрлар бир-бирлари ила зан жирдек боғлансин.

**СУҲАЙЛИЙ**. Фақир ҳам шул ҳақда неча бор урундим, аммо кутилғон натижа мұяссар бўлмайдур.

**НАВОЙИ**. Ундаи бўлса, мен ҳам ўйлаб кўрайни, сиз ҳам фикр этдингиз... (*Хонтахта устидан ҳар иккала си ҳам қоғоз-қалам олиб, хаёлга чўмиишади ва бир байтдан ёзиб бир-бирларига узатишади. Навоий Суҳайлий ёзган байтни ўқийди.*)

Баҳори боғи жавони, ниҳоли гулшани адл,  
Гули риёзи карам, саври жўйбори виқор.

(*Завқланганидан қарсак ҷалиб юборади ва Суҳайлий қўлини қисади*). Қутлаймен, дўстим. Таворуд, яъни бир хиллилик содир бўлмишдур.

**СУҲАЙЛИЙ**. (*ҳаяжонланиб, Навоий ёзган байтни ўқийди.*)

Баҳори боғи жавони, ниҳоли гулшани адл,  
Гули риёзи карам, сарви жўйбори виқор.

Яъни ул йигит боғининг баҳори, адолат чаманини ниҳолидур. Сахийлик гулзорининг гули, виқор ашҳорининг сарвидур. (*ҳайратланниб*) Во ажабо, ажиб бир таворуд, айнан бир хиллик-ку! Байтларимиздаги бир сўз ҳам айрича тушмабдур.

**ЮСУФ АНДИЖОНӢ** (*ҳайрат билан*). Дили бир нинг тили ҳам бир деб шуни айтурлар...

Парда

## З-КҮРІНИШ

### АЪЛОЙИ ШОШИЙ ҲУЗУРИДА

Тоңи мадрасасининг мударриси Аълойи Шошийнинг уйи. Бир ғибониди оғига тахтакач боғланган Шоший ётиби. Йонни кириб келишади. Шошийнинг шогирди унинг орбаси қўйиб ўтиририб қўяди. Кирган кишилар Шопий билан ҳол-аҳвол сўрашади.

**СЕЖА ФАЗЛУЛЛОХ.** Мавлоно, оёғингиз шикастни ёзитиб, хавотирландик ва шогирдлар ила ҳузурига ташриф буюрдик.

**АҶДОИШ ШОШИЙ.** Миннатдормен, Хожа Фазуллура бўлибдурсиз, шарт эрмас эрди.

**СОҒА ФАЗЛУЛЛОХ.** Аҳволингиз енгилми, шикастни юламайдурми?

**АҶДОИШ ШОШИЙ** (оёғини ушлаб). Унчалик севалай, декин табиблар қимир этмай ётмоғни маслея бернибдурлар. Оёғим тиззадан пастки қисмида синни.

**СЕЖА ФАЗЛУЛЛОХ.** Суяқ синса, киши мушкул аҳоли келур. Хусусан, оёқ сўнгаги. На юра олур, на туралар. Декин дардни берган холиқ анга мувофиқ даво кратибдур. Ишооллоҳ, сабр қилсангиз икки-уч ойнамагандек булиб кетурсиз.

**АҶДОИШ ШОШИЙ.** Деганингиз келсун, Хожа. Шогирдларнингизни таништурмадунгиз.

**СОҒА ФАЗЛУЛЛОХ.** Бул йигит Ҳирот шаҳридин, Алишер, Навоий тахаллуси ила шеър айтур. Бисбистигатли ва нозик таъблидур. Туркий ва форсий да баб баробар қалам тебратур. Бул йигит эрса Аннадин, Юсуф, газаллар машқ қиладур. Дуруст. Майдонигит шаҳрисабзликдур, исми Сайд Муҳаммад, қалонда хат битур, сариул қалам хаттолардин, фарзанда факирининг мадрасасинда таҳсил олурлар.

**АҶДОИШ ШОШИЙ.** Кўп яхши, кўп яхши (йигитро). Миндоно Хожа Фазуллоҳдек устоднинг илм ханенинди жаҳоҳирлар термоқ ҳар кимга ҳам насиб майдур. Самарқанд фозиллари бул устоднинг илму тоғта бениндириш ва саромади замона эрканликларини бул Алийи Соний, яъни замонамизнинг Абу Али ибн Сино деб лиқаб қўймишлар. Бул шарафли унвонга оғиз бўлғиз эринимаганлар. Хусусан, устоднинг фикҳда яари бнайниҳ қонундирким, шул жиҳатдин Абу Ҳа-

нифадин қолишмаслар ва араб лисонин билинда Ибн Ҳожибек, Қуръон ва ҳадис тафсирларин бағы қалып да Сайд Бухорийдек бир етук алломадурлар.

**МУДАРРИС.** Рост айтурсиз, Мавлоно, бул ишининг ғилми фиқҳ ва арабият сарфу навҳида қўйгой тавсифлари бағоят таҳсинлидур.

**ХОЖА ФАЗЛУЛЛОҲ.** Мақтовларни ҳаддан ошир дингиз, мавлоно. Илм йўлинида неки хизмат қўйгоп булсақ, эл-юрт, шогирдлар ва келажак авлод учун қўйдик.

**АҶЛОӢИ ШОШИЙ.** Самарқанд шахри азалий азал илму урфон масканидур. Абу Али, Ибн Нәл, Абу Мансур Мотурдий, Идрисий, Алоуддин бин Аҳмад, Ни зомий Арузий Самарқандий қиби олиму Абу Ҳафе Сурдий, Сўзаний Али Шатранжий, Заҳирий Самарқандий ва Мавлоно Саккокий қиби шоирларнинг шуҳрати рубъи маскунда ёйилмушдир.

**ХОЖА ФАЗЛУЛЛОҲ.** Ҳусусан, Мирзо Улуғбек, Ко зизода Румий, Али Қушчининг илми фалакиёт, илми ҳандаса ва риёзиёт соҳалариндаги хизматлари ҳар стуб мақтовдин ҳам юқори турадур. Мирзо Улуғбек қулдису сирраҳу беназир киши эрди. Ул табаррук зотлар қирк йиллик сultonлик умрларин илму фан борасинда сарф қўймешлар. Мавлоно Абдураззоқ айтганидек, Улуғбек Мирзодек олимни Самарқанд шаҳридаги ҳеч бир мадрасадин топиб бўлмас эрди.

**АҶЛОӢИ ШОШИЙ.** Оқпадар Абдулатиф Улуғбек Мирзодек буюк отасин қатл этишға фармон бермагонда, балки ул жаннатмакон зот яна не-не ҳайратому ишлар қилғон бўлур эрдилар. Аммо шайх Низомий Ганжавий айтганларидек:

Падаркуш подшоҳиро нашояд.  
Агар шоҳд башаш моҳаш напояд.

Яъни, отасини ўлдурғон ўғул подшо бўла олмайди, бўлғонда ҳам онинг шоҳлиги олти ойдин ошмайдур. Дар ҳақиқат, бул ҳолат аввал падаркуш Шеруяда, сунтра Абдуллатифда воқеъ бўлибдур.

**ХОЖА ФАЗЛУЛЛОҲ.** Бул фоний дунёга кимлар ко либ, кимлар кетмаган. Қасрлар бузилур, тожу таҳтлар ағдарилур, муazzам қўрғонлар вайрон бўлур ва лекин инсон боласидин ёлғиз нафис сўз ва илми ҳикмат боқий қолур. Қолғонларнинг барчаси даҳр золидек бенроғ ва фонийдир. (*Шу пайт Алишер Навоий бир парча қоғозга шеър ёзиб, Аҷлоӣ Шоший тўшагининг остиғи қўяди.*) Хўш, энди бизга рухсат, мавлоно. Дардинигина

Филингизга сабр тилармен. (*Үрнидан тураси, үлгиди.*)

ДОШИИ ШОШИЙ. Йұқлаб келғонларингиз учун  
міншатдормен. Синган оёғим бутгандек ен-  
тілдім. Ташаккур, ташаккур. Тағин ташриф бую-  
кубати айжуманлардин дариғ тутмағайсиз деган  
мен. Хожа.

*Мәхмөнлар хайрлашиб чиқиб кетишади.*

ДОШИИ ШОШИЙ ШОГИРДИ. Устод, ҳиротлик  
бір рухъа қолдирғондек бўлди (*Тўшак остидан  
чиқиб узатди*).

ДОШИИ ШОШИЙ. Камгал ва камтар йигит эр-  
тур, нелар ёзибдур? (*Үқийди.*)

Дур обод аз ту дарди заҳмати по,  
Душманатро бало насиби ано.

(*Иккинчи мисраны яна секин үқийди.*)

Душманатро бало насиби ано...

Йигит филбадиҳа муаммо битибдур ва ажиб бир  
илем иемимизни Аъло сўзундда яширмишдур ва  
мисри ҳам тезроқ шифо тилайдур.

ШОГИРД. Бул муаммо қандай очилур, устод?

ДОШИИ ШОШИЙ. Иккинчи мисраъдаги «бало»  
ни ва «ано» сўзидин «айн»ни бир-бирига  
ни, «Аъло» исми келиб чиқур. Бу не маҳоратдур?!  
Филбадиҳа, ҳеч бир тайёргарликсиз айтибдур,  
йигит эркан. Биз бул йигитга эътибор қилмағон  
Они тезда қайтаринг. (*Шогирд зудлик билан хо-  
жади.*) Бул манзур шеърга жавоб ёзмоқ керак  
был олиб ёза бошлади).

Чашми ту маро диду манаш сер унимдан,  
Чун сер бубинам, зу ту ин аст умидам,

Ченинг кўзунг мени кўрду-ю мен уни тўйиб кўра-  
дим. Сен билан тўйиб суҳбатлашиш менинг уми-  
дур. Байтдаги «чашми», «маро» ва «сар» сўзларин-  
дек усули носитасинда Алишер исми ҳосил бўл-  
бул муаммо онинг байтига жавоб ўрнига ҳам

ШОГИРД. Мәхмөнлар узоқлашиб кетмишлар, ортла-  
шы оғла олмадим.

ДОШИИ ШОШИЙ. Афсус, афсус, кўп чакки иш-  
дур. Ул йигит бизга ғоят манзур бўлди ва кўнг-

Лимиз онинг муҳаббатиндин тулди. Ва бул муаммони  
Хожа Фазлуллоҳ мадрасасинға бориб, ул йигитни  
қўлиға топширунг ҳамда Улуғбек мадрасасининг эшон  
лари шул кундин эътиборан йигит учун ҳар дам оши  
деб, фақирнинг маъruzаларинға ул йигитни таклиф қи  
линг...

## Парда

### УЧИНЧИ ПАРДА

#### 1-КЎРИНИШ

#### СУЛТОН АҲМАД МИРЗО САРОЙИДА

Султон Аҳмад Мирзо саройи. Тахтда Султон ўтирибди. Бинса  
Аҳмад Ҳожибек, амирлар, мулозимлар, навқарлар. Навоий бир  
дехқон йигитни бошлаб киради. Йигит тахт олдига бори  
чўккалайди.

ТЕРМИЗЛИҚ ЙИГИТ. Арзимга етиб, ҳақиқат қи  
линг, улуғ султон!

СУЛТОН АҲМАД. Не шикоятинг бор, сўйла!

ТЕРМИЗЛИҚ ЙИГИТ. Айтишга тил бормайдур  
Мени Термиздин бу ерга келиб арз қилишни бул кини  
маслаҳат берган эрдилар (*Навоийни кўрсатади*).

НАВОИЙ. Бул йигитни Жайхундин ўтиб Термизда  
қўнганимизда учратдик. Бир навкар бул йигитга қудок  
эшитмаган зулм қилибдур, доруға онинг додига етмиш  
ўрнида йигитлик шаънига ҳақорат ва мазах қилибдур.  
Шул сабабдин сизнинг даргоҳи олийингизга келиб, ари  
қилмоқни маслаҳат берган эрдик.

АҲМАД ҲОЖИБЕК. Не ҳол юз берди?

ЙИГИТ. Мен айтмай, сиз эшитманг, улуг амир  
Беклар ва навкарларда инсофу адолат ҳам, диснату  
шарму ҳаё ҳам қолмабдур. Дехқончилик ила кун кўру  
мен, хотиним ила турмуш қурғонимға энди бир ой бу  
ғон эрди. Бекнинг бир навкари унга кўз олайтирди. У  
Термиз доруғасиға сарбозлик қилур.

БИР АМИР (*Луқма ташлайди*). Гапни қисқа қи  
Султоннинг қилодурғон ишлари бошдин ошиб ётур

НАВОИЙ. Сўзни бўлманг, амир, йигитни Термизда  
тингламайдурлар, Самарқанд шариат паноҳидур  
олис йўлдин бир ҳафта йўл босиб, адолат истаб келмин  
дур.

СУЛТОН АҲМАД. Давом эт, қулогим сенда!

ЙИГИТ (*ғазабланиб*). Доруға сарбозлариндин бу

шул ит ўғли далада қүш ҳайдаётган пайтимда  
шынга ұхшаш күппаклар ила уйимға бостириб  
жотинини олиб қочибдур. Қүшнилардин бул  
билиб шаҳар доруғасига бордим. Ул бетавфиқ-  
шоюни бериш ўрниға:

Жотининг ила қанча фурсат бўлдинг,—деб сўра-

Бир ой бўлдим, тақсир,—дедим.

Сей бир ой турғон бўлсанг, ул навкар ҳам бир  
жоғо, жотинингниг бир ери камимас,—деб масхара

ш. Шул ҳам диёнат, шул ҳам шариат бўлдими?  
Аукмингиидин умидвормен, ул доруға ила навкар-  
жоғосин берсангиз’ (йиглайди).

**АҲОИ III.** Бул йигит тағин бир хунук гапни айтма-

Оради уч кун ўтғач, йигитнинг хотини номусга чи-

чимай, ғазуини осиб ўлдирумушдур. Навкар ила

уза бегуноҳиниг қонига ҳам зомин бўлмишлар.

**АҲМАД ҲОЖИБЕК** (*Султон Аҳмад Мирзога*). Шо-

, буюрасигиз, шайхулислом маҳкамасиндин тўрт ки-

лони Ҳожа Себак бошчилигинда зудлик ила Термиз-

бий боринини. Бул ишни тафтиш қилиб, йигит айт-

мадор рост бўлса, доруға ила навкарни ҳибсга олиб,

арқандга келтурсунлар. Қилмишларига яраша жазо-

нормоқ даркордир. (*Термизлик йигит қуллуқ қи-*

*нико кетади.*)

**АҲМАД ҲОЖИБЕК.** Камномосиз, Алишер. Аҳволин-

ненуру Ҳойлимизга ҳам кам ташриф буюрасиз.

**АҲОИ III.** Соёни давлатларинда Ҳожа Фазлуллоҳ

мадрасасинда таҳсил олмоқдамен.

**АҲМАД ҲОЖИБЕК.** Рўзғорингиз қандай кечмоқда?

**АҲОИ III.** Илтифотингиз учун ташаккур. Саховатли

лар ва нафодор дўстлар ёрдаминда рўзғоримиз

шундук туур.

**АҲМАД ҲОЖИБЕК.** Сизнинг нозик табъ ва тор-

ири эркандигингиз маълум ва машҳур. Самарқанд-

шоҳи айимда ҳар қадамда анчага муҳтоҗлик се-

в. Нуя масалада ёрдам илгин чўзишға ҳамиша тай-

**АҲОИ III.** Ташаккур, Аҳмад Ҳожибек. Ҳозирча бул

шарурият сезилмайдур.

**АҲОИ I АҲМАД.** Балким, Алишерни саройга мун-

тиси тоқлиф қилурбиз?

**АҲОИ III.** Ташаккур, давлатпаноҳ, ва лекин саройда

ш. ба сисеят юмушларин қилмоққа тайёр эмасмен.

**АҲМАД ҲОЖИБЕК.** Амир Барлосийнинг айтганида ринга қараганда, сиз пулга муҳтож кўринурсиз. Алихусус, баъзи китобларни сотиб олмоққа ақчангиз сенди қолибдур ва ул киши сизга ёрдан бермоқчи эркинга, рад қилибсиз.

**НАВОИЙ.** Дарвоқеъ, бу ростдур, ёшлик чогимдин бирордан қарз олғон банда эмасмен. Кимсадин қаридор бўлмоқни ўзумға номуносиб деб билурман.

**АҲМАД ҲОЖИБЕК.** Ҳар ҳолда давлатпаноҳ шахзода айтганлариндек, сизни саройга ёхуд шаҳардан маҳкамалардин бирига мулозим этиб тайинласак, яхни бўлур эрди, важҳи рўзгор учун тайин бир маош одур эрдингиз.

**НАВОИЙ.** Самарқандга келмақдин мақсад таҳсил олмоқдур. Маҳкамама ишлари таҳсилга халал бермасму?

**АМИР БАРЛОСИЙ.** Шул хусусда менда бир таклиф бор, улуғ амир!

**АҲМАД ҲОЖИБЕК.** Нечук таклиф?

**АМИР БАРЛОСИЙ.** Алишер, рози бўлсалар, ҳафтанинг бир кунинда бизникига таҳсилдин сўнг ташриф буюриб, фарзандларимизға бадиият илми ва мусиқадин сабоқ берсалар. Ва хизмат ҳақларинға биз рўзгор ва таҳсилларига етажак бир маош тайин қилсак.

**АҲМАД ҲОЖИБЕК.** Яхши таклиф, Сиз не дейсан, Алишер?

**НАВОИЙ.** Агар ҳафтада бир кун бўлса розимен, фақат таҳсилдин холи пайтларда, намозшомга яхни борурмен.

**АМИР БАРЛОСИЙ.** Қай вақтга десангиз биз ро зимиш.

Парда

## 2-КЎРИНИШ

### САҲХОФ ДЎКОНИДА

Мир Қаршийнинг саҳҳофлик дўкони. Шоирлар, олимлар йигитлар

**МИР ҚАРШИЙ.** Бугунки, аҳли зурафо анжуманига Мавлоно Алишер Навоийни таклиф қилғон эрдик, не чукдур ул киши мажлисға кечикадур (*шу пайт Навоийни кириб келади. Ҳамма ўрнидан туриб уни қарши олади*)

Хизрни йўқласак бўлур эркан, мана ўзлари ҳам тамриф буюрдилар.

**НАВОИЙ.** Баъзи юмушлар ила андак кечиклам. Маъзур тутғайсизлар.

**МИР КАРИШИЙ.** Мавлононинг янги ёзған шеър-  
вани эшитмак умидинда муштоқмиз.

**АВОИИ.** Туркий тилда янги бир ғазал битиб эр-  
ткожитингиз била ўқусам.

(Фазал ўқийди.)

**МИР КАРИШИЙ.** Қойил, қойил, ана ғазалу мана  
д, инебитлар яхши топилмушдур. Ташбекларингиз  
да гүйидур ва туркона воқеъ бўлубдур.

**ШИР ШОИР.** Офарин, мавлоно Навоий, хўп чошибар битибез.

ДА БИР ШОИР. Мавлоно мураккаб санъатлар-  
хом киши хўп қўллабдурлар.

**МЕРКАРИНІ.** Туркій тилда хам бу навъ латиф шырын обетлар күп воқеъ бўлур. Аммо ахли замондик күпроқ форсий тилга ружуъ қиласайлар ва турвони дурларин ишга тизмакни қўлдин келмас бир необлагайлар.

**АЛХАРИП**. Алалхусус, форс лисони турк тилиндигине на жирангдордур. Замокларнинг машҳур шоирлари бу тилда шундай гўзал бадиъалар ижод қилмишон. Уни тилларда ёзғувчилар қалами билан дуррилар оидинда эшакмунчоқдек қадрсиздур. Шул боиси тилларин қўюб, форсий тилда ғазал битурган.

ИАНОНД. Форсий тилнинг нафис эрканлиғига шак-  
қыншылдықтар дүйнөдүр. Фақир ҳам «Фоний» тахаллуси ила-  
шылса гарип бир нималар битур. Аммо, фикри ожи-  
чай, түрк тили ҳам форс ва араб тиллариндин ҳеч  
бір оңтүстүрүлүр. Аксеніча, баъзи жиҳатларда туркий тил-  
дер полустиклар форс тилинде күрінмайдур.

**АДХАРГИ. Яъни, масалан?**

**ДАНОППИ** Форс тилинда «емак»ни ҳам, «ичмак»ни  
«үртеп» лафзи била айтурлар. Турк тилинда эрса  
айрата, ўз ҳолинда айтиладур. Тағин «ичмак» лаф-  
зы «шыңармоқ», «тамшанмоқ», «ўксинмоқ» каби  
ношк миъноларни ифодаловчи лафзлари ҳам  
ни дуя миъноларни айтишда форсигўй шуаро ожиз  
бўлар инчунун;

Соңғи тут бодаким, бир лаҳза ўзумдин  
борай,  
Шарт буким, ҳар неча тутсанг лаболаб  
сипкорай, —

байтидаги «сипқорай» сўзин форсий забонда ифодаламоқ мумкинми?

**ГАВҲАРИЙ.** Булар бир оддий сўзлардир. Ва лекин форсий тилда шундай нодир жавоҳирлар хазинаси мавжудки, турк шуароси икки дунёда ҳам бул хил хазиналар эшигига йўлай олмайдурлар.

**МИР ҚАРШИЙ.** Қайси хазиналарни кўзда тутурсиз, мавлоно Гавҳарий?

**ГАВҲАРИЙ.** Шайх Низомий Ганжавий ва Амир Хусрав Дехлавийларнинг «Панж ганж»лари, тақсир.

**БИР ШОИР.** Сиз айтмоқчи бўлган шул «Панж ганж», яъни «Хамса»ларни ижодкорлари қайси жинсга мансуб эрканликларин билурмисиз, мавлоно?

**ГАВҲАРИЙ.** Тўғри, Шайх Низомий ҳам, Амир Хусрав ҳам турк жинсидандур. Аммо улар ўз тилларинда шеър битмай, форс тилинда битмишлар-ку! Бинобарин, бул форс тилининг шеър тили эрканлигига бир далил эрмасму?

**НАВОИЙ.** Фикри ожизимча, шеър ва шуаронинг қайси тилда шуҳрат топғони замона зайларни ила бунёд бўлмишдур. Хусусан, давлат ва тожу таҳт араб султонлари илкинда бўлғонда, араб тилиндаги шеърият бисёр ривож топди. Форсу турк ва бошқа жинсдаги фозиллар шул лисон ила қалам тебраттилар. Вақтлар ўтуб, салтанат асоси форс салотинлари тасарруфига ўтди. Шунга биноан форсий тилдаги шуаро зуҳур топиб, машҳур шоирлар майдонга чиқди. Низомий ва Амир Хусрав ҳам алар жумласидандур. Соҳибтахтилик Хулагуҳон замониндин бошлаб, хусусан, Султони Соҳибқирон Амир Тёмур Кўрагон ва анинг ўғлонлари қулиға ўтгандин сўнг туркигўй шуаронинг ижодият боғи гулга кира бошлади. Мавлоно Саккокий ва Мавлоно Отойи, Мавлоно Лутфий, Мавлоно Гадойи, Мавлоно Ҳайдар Хоразмий ва бошқа туркигўй шоирлар шеърлари шуҳрат топиб, алар орасинда Мавлоно Лутфий девонинда туркий тил ва туркиёна услуб ажиб бир камолға эришмишки, фақир онинг муборак девонин форсигўй Ҳожа Ҳофиз Шерозий, Шайх Саъдий, Камол Ҳужандий девонлари қаторинда кўрурмен.

**ГАВҲАРИЙ.** Аммо лекин сиз айтғон туркигўй шуародин ҳеч бири «Хамса»дек беш муаззам қаср бунёд эта олмадилар. Фирдавсийдек «Шоҳнома» майдонида Рустам достон бўла олмадилар.

**НАВОИЙ.** Тангри таоло тавфиқ берса, туркий тилда битилған «Хамса»нинг ҳам шоҳиди бўлурсиз. Агар

Ҳазрат Низомий ўз муборак «Хамса»ларин ўттуз ўйлда битғон бўлсалар, фақир учун туркий «Хамса»ни битмакка ўттуз ой кифоя қилур.

ГАВҲАРИЙ. Лоф ҳам эви билан-да!

МИР ҚАРШИЙ. Туркий «Хамса»ни ёзишга аҳд қилдингизми, Алишер?

НАВОИЙ. Ҳозирда «Хамса» битишга ўзумни тайёр эрмас деб билурмен. Аммо шул мавзуда достонлар битиш хаёли ҳам бегона эрмасдур. Туркий улус лисонин якқалам қилмоқ олий шиоримдур.

МИР ҚАРШИЙ. Бул ишда Оллоҳ таоло ёрингиз, туркий улус иштиёқи мададкорингиз бўлсун, омин (*Гавҳарийдан бошқа ҳамма омин ўқишиади*).

ГАВҲАРИЙ. Ҳолва деган билан оғиз чучимайдур, деганлар. Низомийдек, Амир Хусравдек шеърият паҳлавонлари ила кураш тушаман деб тағин белингиз майб қолмасин, Алишер!

НАВОИЙ. Рост айтурсиз, Мавлоно, кураш ҳадисин ўрганмоқ учун ҳозир устодлардин таҳсил олмоқдамен.

МИР ҚАРШИЙ. Алишердек шеърият султонига нечук бир хил бадгўйлик қилурсиз? Ул киши билан ишга қасд қилдиларми, албатта уддасидин чиқадур. Иншооллоҳ, яқин фурсат ичинда ўз туркий «Хамса»син битиб, туркиёна шеър лашкарлари ила жаҳонни фатҳ этишлариға имонимиз комил. Ўшанда тирик бўлса, ким кимнинг белин синдирганин гувоҳи бўлурмиз. Ўзингизнинг белингиз синмаса деб қўрқармен...

### З-КҮРИНИШ

#### САБОҚ

Самарқандча безатилган хона. Амир Барлосий Навоийни хонага таклиф қиласиди.

АМИР БАРЛОСИЙ. Ўз уйингиздек тортинмай кираверинг, Алишер!

НАВОИЙ. Ташаккур! (*Ичкарига киради.*)

АМИР БАРЛОСИЙ. Қани, нонга марҳамат қилсинлар. (*Хизматкор нон синдириб, чой узатади.*) Алишер келишганимиздек, бугундин бошлаб фарзандларимизга мураббийлик қилурсиз. (*хизматкорга*) Аларни чақиринг. (*Болалар салом бериб кирадилар.*) Мана улар (*кўрсатиб*). Мана буниси Дилшодбек, униси Комронбек, саводлари чиққан бўлса-да, илми санойиъ ва шеър нозукларин тушунмоққа тишлари ўтмайдур. Фақирнинг қизим

мусиқага иштиёқи баланд бўлғондун, мусиқа фани бора-  
синда онга устодлик қилгайсиз. Зероки, Улугбек Мирзо  
айтганларидек, илм ўрганиш ҳар бир йигит-қиз учун  
ҳам қарз, ҳам фарз деб билурмен. Шул жиҳатдин фар-  
зандларимизни ўзунгизга бир шогирд деб билғайсиз<sup>1</sup>.  
Қўшни хонада машғулотларингиз учун маҳсус жой ҳо-  
зирладук.

**НАВОИЙ.** Тузунгиз учун ташаккур, сабоқни бош-  
лашга рухсат этсангиз.

**АМИР БАРЛОСИЙ.** Марҳамат, марҳамат.

Навоий ўрнидан туриб, болалар билан қўшни хонага ўтади.  
Хонадаги токталарда китоб терилган, мусиқа асбоблари осиб  
қўйилган. Хонанинг бир четига зарҳал қапта тикилган мовин  
бир парда осиглиқ. Парда орқасида Амирнинг қизи ўтирибди.

**НАВОИЙ.** Хўш, ўғлонлар, қайси мактабда ўқур-  
сизлар?

**1-БОЛА.** Сўзангарон маҳалласиндаги Мулла Ўтаб-  
нинг мактабинда.

**НАВОИЙ.** Шу кунларда не сабоқларни ўрганмоқ-  
дасиз?

**1-БОЛА.** Ҳафтиякни ёд олурмен.

**2-БОЛА.** Абжадни ўрганурмен.

**НАВОИЙ.** (1-болага) Қайси сурага келдингиз?

**1-БОЛА.** Таборак сурасиға.

**НАВОИЙ.** Домулло яна қайси китобларни ўқита-  
дур?

**1-БОЛА.** Носуриддин Шайх Саъдий «Гулистон»ин ва  
назмдин Хожа Ҳофиз девонин. Яқинда бошладик.

**НАВОИЙ.** Бугундин эътиборан, мен сизга шеърият  
илминдин сабоқ берурмен. Хўш, шеър деб нимага айти-  
ладур? Ва бул сўзнинг маъноси недур?

**1-БОЛА.** Билмасмен, тақсир.

**НАВОИЙ.** Шеър деб вазн ила рост бўлғон мавзун  
бир каломға айтурларким, бул сўзнинг луғавий маъно-  
си арабча «бilmоқ» феълиндандур. Шул боис шеър де-  
ганда улусға янги бир нарсани билдиromoқ, янги фикр-  
лар яратиб, аларни ҳалққа тарғиб қилмоқни тушумоқ  
даркор. Бул янги фикрлар шеърий санъатлар восита-  
синда чиройли бир лиbosга ўранмоғи лозимки, ўқуғон  
ёхуд эшитғон одам ондин лаззат ҳам ола билсин. Шоир

<sup>1</sup> Муаллиф ушбу асарни битаётган даврдаги мафкуравий  
вазиятни ҳисобга олган ҳолда ҳадислардаги бу фикрни Улугбек-  
ка нисбат берган бўлса керак — *муҳаррир изоҳи*.

орса ана шу янги дақиқ маңноларни нафис либос ила  
кашф қилувчи кишидур. Қани, Ҳофиздин бир шеър ўқи-  
чи?

1-БОЛА. Ёд олмабман, тақсир.

НАВОИЙ. Ҳеч шеър билмасмисан?

1-БОЛА. Билурмен.

Ариқ бўйида жийда,  
Жийдани гули майдা.

НАВОИЙ. Яхши-яхши, бул болалар айтадурғон қў-  
шиқлардин эркин. Сен ҳам қўшиқ билурмисен?

2-БОЛА. Рўза кунларинда акам ва қўшни болалар  
иля мойрамазон айтurmен. Яна... тўйларда айтиладур-  
ғон ёр-ёр-ёронейларни ҳам билурмен.

НАВОИЙ. Қани, бир банд айт-чи.

(Бола ёр-ёр-ёроней айтади)

НАВОИЙ. Яхши-яхши, бул байтларнинг барчаси  
халқ услубинда бармоқ вазнидадур ва алар шоирлар  
айтадурғон арузга рост келмайдур.

ПАРДА ОРҚАСИДАГИ ҚИЗ. — Ёр-ёрнинг аруз ила  
рост келадурғон хиллари ҳам бор, устод.

НАВОИЙ. Тўғри айтурсиз, аммо қайси хилларин  
пазарда тутурсиз?

ҚИЗ. Чунончи:

Қайси чамандин эсиб келди сабо, ёр-ёр,

Ким дамидин тушди ўт жоним аро, ёр-ёр.

Ҳажази мусаммани мақсур вазнидадур ва ани дутор  
худ танбур куйига мослаб айтса бўлур.

НАВОИЙ. Дуторда эшитайлик.

ҚИЗ. (Дутор чалиб, юқоридаги байтни қўшиқ қи-  
либ айтади.)

НАВОИЙ. Ёқимли овозингиздин нафақат биз, бал-  
ким Зуҳро сайёраси эшитганда ҳам ҳайратдин бармоқ  
тинглаш даражасига етур эрди.

1-БОЛА. Бул аруз деганлари недур, устод?

НАВОИЙ. Бул вазнни билмоқ учун машҳур ғазал-  
лардин кўп шеър ёдламоқ даркордур. Ҳозирча сизларға  
танишириқ. Мавлоно Лутфий ва Амир Хусрав Деҳлавий  
ғазаллариндин ҳар бирингиз келгуси машғулотга қадар  
10 тадин ғазал ёд олурсиз. Оғирлик қилмасму?

1-БОЛА. 10 тадин ғазал? Кўп эрмасму, устод?

НАВОИЙ. Шеърият илмининг устодлариндин Ни-  
номий Арузий Самарқандий айтмишларки, шоир бўлмоқ

ва шеърни тушунмоқ учун қадим шоирларнинг 50 минг ва замондаги шоирларнинг ҳам 50 минг жами юз минг мисра шеърин ёд олмоқ зарур. Киши болалик чоғинда хотираси ўткур бўладур ва ёд олғон шеъри бир умр ҳофизасига муҳрланиб қоладур. Шул сабабли ҳар иккигиз ҳам келгуси ҳафтага 10 тадин ғазал ёд олингиз. Бул 70 — 80 байтга тўғри келадур ва иқтидорингизга оғирлик қилмайдур. Аруз ҳақинда ёд олғон ғазалларингиз асосинда сабоқ берурмиз. Келишдикми?

**БОЛАЛАР.** Ҳаракат қилурмиз, устод.

(*Навоий болалар билан хайрлашиб чиқиб кетади.*)

## П а р д а

### 4-ҚУРИНИШ

#### БИР БАЙТ ТАҲРИРИ

Тун. Осмонда юлдузлар чарақламоқда. Навоий кўча айланиб юриб, уч-тўртта кишига дуч келади.

**МИРЗО ХОЖА СЎҒДИЙ.** Мавлоно Алишер, бул қоронғу тунда не қилиб юурсиз?

**НАВОИЙ.** Сокин кечаларда Самарқанд кўчаларин айланмоқ одатим бор. Шаҳрингизнинг чароғон юлдузларга тўла осмони ажиб бир сеҳр ила мени маҳлиё қиласдур.

**МИРЗО ХОЖА СЎҒДИЙ.** Юлдузлар, юлдузлар... Коинотнинг фусункор тилсимлари. Шул юлдузлар сирин очгани учун Мирзо Улуғбекни даҳрий деб эълон қилдилар. Дарвоқе, Мирзо Улуғбек расадхонасинда ҳам бўлдунгизми?

**НАВОИЙ.** Уч-тўрт марта бўлдум, ҳар борғонимда айрича бир тасаввур уйғотур. Уч ошёнлик муazzам бино экандур.

**МИРЗО ХОЖА СЎҒДИЙ.** Мирзо Улуғбек буйруғи ила расадхона ичин шундай безамишларки, томошо қилғон одам коинот бағрида сузиб юрғондек бўлур. Деворларға сайёralар ва собит юлдузлар нақши ҳайратомуз бир дид ила зийнат этилмишдур.

**НАВОИЙ.** Аммо бул кун Мирзо ишларин ул устодга муносиб равишда давом қиласдурғон бир мард ўғлон топилмайдур. Шул боис расадхонада илм таҳқиқи ила шуғулланмас эрканлар. Афсус, минг афсус бўлсинким,

Замонамизда бул зарур ишларга етәрли эътибор берилмайдур.

**РИЕЗИЙ.** Алишер, Сизнинг шеърият бобиндаги таърифингизни эштиб, учрашмоқ орзусинда эрдик. Орзуимиз ушалғонидин хурсандмен.

**МИРЗО ХОЖА СҮФДИЙ.** Бу киши Риёзий Самарқандий бўладурлар. Ҳам шоир, ҳам котиблиғда машҳур. Етти қалам била хатни хўб битурлар. Ҳофизликда қори-йи қурродурларки, Қуръони мажидни етти қироат била билур ва ўқурлар.

Илми мусиқий ва адвордин ҳам хабардордурлар. Таъблари ғазал айтмакка кўп мойил ва хўб чошни-ла матлаълари бисёр. Яқинда бир байт битибдурлар ва вазну қофияда бисёр янгиликлар кашф этибдурлар.

**НАВОИЙ.** Бул киши ҳақинда фақир ҳам эшитган эрдим. Танишғонимиздин хурсандмен. Янги матлаънгиздин баҳраманд қилинг, Мавлоно.

**РИЕЗИЙ.** Форсий матлаъдурким, ташбеҳ ва қофияда баъзи янгиликлардин холи эрмасдир:

Ситораест дури гўши он ҳилол абрュ,  
Зи рўйи ҳусн ба хуршид мезанад пахлу.

**НАВОИЙ** (*Риёзий байтини такрорлаб*).—Яъни демокчисизки, ул ҳилол қошли гўзалнинг қулоғидаги инжу худди юлдуз кабидур ва гўзалликда бу юлдуз гўё қуёш била тенглашмоқчи бўладур. Янглишмадимми?

**РИЕЗИЙ.** Худди шундай, Мавлоно.

**БИР ШОИР.** Мавлоно бир байтда ташбеҳлар сил-силасин яратибдурларким, бунга фақат тасанно айтмоқ керак, тасанно.

**ЯНА БИР ШОИР.** Вазн ва қофилярда ҳам ихтиро қилмишлар!

**НАВОИЙ.** Фалат айтурсиз, Мавлоно, фикримча бул байт зоҳирان дуруст кўринса-да, мантиқ ва робита юзасиндин талай қусурларға эгадур.

**РИЕЗИЙ.** Ўйлаб гапиряпсизми, Алишер?

**НАВОИЙ.** Хусусан, хуршид лафзи бул ўринда номуносидур.

**РИЕЗИЙ.** Нечук?

**НАВОИЙ.** Шул сабабданким, сиз гўзал қулоғидаги лурни юлдузга хўб ташбеҳ қилибсиз. Аммо, маълуминги бўлсинким, (осмонга шора қилиб) юлдуз бор жойда нуршид, яъни қуёш кўзга куринмайдур.

**УЧИНЧИ БИР ШОИР.** Рост айтурлар, Алишер.

Қоронғу тунда қүёш не қилур. Бул барчага маълум қиқат-ку (*кулгу*).

НАВОИЙ. Шул важидин «хуршид» сўзи үрниш «моҳ» — «ой» лафзин қўйсак табнатга хилоф иш қўли мағон бўлурмиз.

УША ШОИР. Худди узукка кўз қўйғондек, ярнане дид, қойил!

НАВОИЙ. Аммо шунда ҳам вазнда сохталик бўлур. Бинобарин, ташбеҳлар орасинда бир «ки» боғловчиси лозим бўлғайки, андин сунг нисбатлар муалла бир силсила шаклиға кирғай. Яъни сизнинг мазкур бағтиңгизни:

Зи рўйи ҳусн дури гўши он ҳилол абр  
Ситорааст ки бо моҳ мезанад пахлу,

тарзинда таҳрир этмоқ маъқул кўринадур.

БОЯГИ ШОИР. Офарин, Алишер, яъни бу билан сиз ул ҳилол қошли гўзалнинг қулоғидаги инжу ёрқон билдуздурки, у гўзалликда ой билан тенглашмоқчи будадур, демоқчисиз.

НАВОИЙ. Балли, тўғри шарҳладингиз, Мавлоно!

РИЕЗИЙ. Мен минбаъд ўз фикримда содик қолурмен ва байтим таҳрир этмакка муҳтож эрмас, деб юзоблармен!

НАВОИЙ. Ихтиёри ба шумо, Мавлоно! Байт сизни ки, ихтиёр ҳам сиздадур. Энди менга рухсат, дуярса қайтмоқ даркор. Устод Хожа Абуллайсий ташриф бу юрмоқчи эдилар. Кеч қолсам одобсизлик бўлур. (*Кечди.*)

БИР ШОИР. Тан бериб айтмоқ лозимдурки, Алишер байтни тўғри таҳрир этмиш.

ИҚҚИНЧИ ШОИР. Ташбеҳлар ва вазн, робита мантиқ жиҳатларидин Навоий ҳақдурлар. (*Риёзий.*) Сиз ноўрин эътиroz билдиридингиз.

РИЕЗИЙ. Аввалги сўзум қайтиб олмасмен. Мунгиз айтинг қүёш ташбеҳи гўзалми ёхуд ой ташбеҳи

УЧИНЧИ ШОИР. Гап ташбеҳларнинг гўзаллини эрмас, мантиққа мувофиқ ёхуд мувофиқ эрмаслигини дур, Мавлоно!

БИРИНЧИ ШОИР. Риёзий, дўстум, ташбеҳдори янглиш қўллаб бир юттурдингиз, ўжарлик қилиб бир юттурмайин десангиз, тўғри сўзға қулоқ осини. Чунки ҳақ сўзни тан олиб, ўз хатосига иқрор бўлин мора кишининг ишидур.

РИЕЗИЙ. Ўйлаб кўурмэн.

**БИРНИШ ШОИР.** Бир байтга шунча можароми?  
Бекор үтказмасдин, бизниги бориб,  
ортооба рулик қилайлик...

## Парда

### ТҮРТИНЧИ ПАРДА

#### 1-КҮРИНИШ

#### АРУЗ БАҲСИ

Парданинг дархона учун жиҳозланган уйи. Навоий  
шадарига сабоқ бермоқда. Суҳбатни парда орқасидан  
имирнинг қизи ҳам тингламоқда.

**НАВОИИ.** Хўш, Дилшодбек, арузда нечта баҳр бор

**ДИЛШОДБЕК.** Ҳи тўққизта, устод.

**НАВОИИ.** Комронбек, айтинг-чи, бул баҳрлардин  
борлари туркий тилга кўпроқ мувофуқдур?

**КОМРОНБЕК.** Рамал, ҳажаз баҳрларинда туркий шу-  
проқ шеър айтурлар, устод.

**НАВОИИ.** Гўри айтурсиз, Комронбек, хусусан, ра-  
кро туркий тилда айрича ҳаракатлайдур ва Мав-  
тунин. Саккокий киби шеър устодлари ға-  
нини кўплари шул вазнда битилмишдур. Фақир-  
чин Ҳусайн Бойқаро эрса «Ҳусайн» тахаллуси  
дег шул баҳрда шеър айтур. Онинг машҳур ға-  
нини

И маҳсун кўнгул девона бўлмай найласун?  
Ику Мажнун киби афсона бўлмай найласун? —  
Ди газалдурким, рамали мусаммани мақсур ваз-  
ур ва ул!

Фоилотун, фоилотун, фоилотун, фоилотун  
Фоилотун, фоилотун, фоилотун, фоилотун

Он оли рост келур. Қани, Комронбек, шул рукида  
буюни сўнг олгои газалларингиздин бир байт ай-

**КОМРОНБЕК.** Мавлоно Лутфийнинг бу матлаъий  
оили наинги рост келур:

Қанин гўбино жаннат худди гулгун устина,  
Моҳи диврои санингдек ой гардун устина.

**НАВОИЙ.** Балли, Комронбек, зеҳнингиз ўткур ва таъбингиз шеърни тушунмоққа мойил эркан... фақир ғазаллариндин...

(*Шу пайт даричадан кирган шамол пардан кўтариб юборади ва Навоийнинг кўзлари қиз билан тўқнашади, ўзига ўзи дейди.*)

Ваҳ... бу нечук ҳусни малоҳатдур? Рубъи маскунда Самарқанд қизлариндек сулув қизлар йўқлиғи ҳақинданги фикрлар рост эрканда! Ҳироту Машҳадда бу хилдагидек санамга дуч келмаган эрдим. Бир қиё боқиши ила дил кишварин яғмо қилди! Астағфуруллоҳ, не осий сўзлар айтурмен... (*Болаларга*)... Не дейиб эрдим?

**ДИЛШОДБЕК.** Ўзунгузнинг ғазалларингиз ҳақинда сўз айтурға оғиз жуфтладингиз, устод.

**НАВОИЙ.** Фақир ғазалларининг кўпроғи ҳам шул туркий вазнда битилгандур!

**ҚИЗ.** Устод, шул вазнданги ғазалларингиздин бирин ёзиб, Дилшодбекдин узатсангиз. Мен унга танбурда куй басталасам. Саҳвларин тузатмоқ шарти била.

**НАВОИЙ.** — Сизнинг ширин овозингизга мос кела-дурғон ғазал битмакка қалам ожизлик қилур. Аммо бул сафар сиз айтғон ғазални битиб келурға саъй этурмен...

## 2-КУРИНИШ

### СОЛИҚДАН ОЗОД ҚИЛИШ

Ургут тоғи маңзаралари. Олисда қишлоқ уйлари кўзга ташланади. Чинор тагида Навоий дўсти Мирзобек билан сухбатлашмоқда.

**МИРЗОБЕК.** Бизнинг Самарқанд музофотимизда Ургутдек маңзарали жойлар бисёрдур, Алишер.

**НАВОИЙ.** Оғалиғ ва Омонқўтон тоғлариндаги хушҳаво жойлар ҳам бул ердин қолишмайдур, Мирзобек.

**МИРЗОБЕК.** Гуш кун, эй ёр ки, Самарқанд сайқали рўйи заминаст.

Агар жаннат бошад, ҳамин асту ҳамин асту ҳамин аст.

**НАВОИЙ.** Офарин, Мирзобек. Самарқанд ҳақиқатдан ҳам жаннатмисол гўзал бир ўлкадир!

(*Шу пайт беш-юлтида қишлоқ одамлари уларга яқинлашади. Улардан бири Мирзобекнинг оёғига йиқилиб, йиғлай бошлайди.*)

**МИРЗОБЕК.** Ўрнингиздан туринг, ота, нечук куз ёш қилурсиз?

**НАВОИЙ.** Не ҳол юз берди, ота?

**ЧОЛ.** — Мирзом, сиз дорус-салтанатдин келғон беклардин кўринасиз. Бизнинг ҳолимизга раҳм қилиб, зулм кишанлариндин халос бўлмоққа ёрдам беринг. Бул яхшилигингизни то абад унутмағаймиз.

**МИРЗОБЕК.** Сўйланг, ота, ким сизға зулм қилур?

**ЧОЛ.** Бир менга бўлса гўрга эди-я, бутун қишлоғимиз кўз кўруб, қулоқ эшитмағон зулм домига тушмушдур.

**НАВОИЙ.** Бутун бир қишлоқ?

**ЧОЛ.** Ҳа, тақсир, биз барчамиз ҳув кўруниб турғон Ургут қишлоғиданмиз. Қишлоқ ҳокими Мирзо Умарбек понсад танобчиларға бир йиллик солиқни бир йўла йиғиб олмоқни буюрди. Үлукдин кафандама қиласурғон танобчиларға бек фармони яхши баҳона бўлур, солиқларни чандон ошурдиларки, бир йиллик солиқни дучандон, сечандон қилиб йиғиб олмоқдалар. Этида жири бор бойлар ҳар галгидек танобчиларга оту сигир ёхуд нақд пул пора бериб, мол-ҳолин оз чўтга солдириб, солиқдин енгил қутулмоқдалар. Биз камбағалларда ҳеч вақо қолмоғондин катакларимиздағи сўнгги товуғимизга қадар тортиб олмоқдалар, ноинсофлар!

**КАМПИР.** Мен бир тул кампирдурман. Бир оёғим ерда, бир оёғим гўрда. Қарайдурғон ҳеч кимим йўқдур. Худо берган ризқ бир соғин эчким бор эрди, суяги очиқ лаҳадда чиригур танобчилар шул биргина эчкимни ҳам тортиб олдилар. Худоё худованда, болалари «отам»лаб қолсин аларни. Нега ер ёрилиб бул золимларни ўз комига тортмайдур?!

**БИР ДЕҲҚОН ЙИГИТ.** Уруғга сақлаб қўйғон донларимизға қадар талон-торож қилдилар, бек. Бу йил болаларимиз не билан тирикчилик қилурлар? Гадойлик қилишдан ўзга иложимиз қолмамиш. Кўксаройга бориб, султонға арз қилмоққа йўлға чиқиб эрдик.

**НАВОИЙ.** Бой бойга боқар, сув сойга оқар. Султон арзингизга етмайдур. Аммо султонга аткалик қилгувчи Лҳамад Ҳожибек жаноблари ўз мулозимлари ила бу ерга келғайлар. Ул кишиға мурожаат қилингиз, шояд бир савоб иш ҳосил бўлур.

**ЧОЛ.** Сиз иккингиз амирга яқин одамлардин кўришурсиз. Биз фақирларга ёрдамингизни дариғ тутманг.

**НАВОИЙ.** Биз ҳам Сизнинг ёнингизни олиб гапи-рурмиз. Иншоллоҳ...

(Аҳмад Ҳожибек бир-икки мулозими билан келишади.)

**АҲМАД ҲОЖИБЕК.** Ургут тоғлари тиззангиздин мадорни тортиб олмадими, Алишер?

**НАВОЙЙ.** Тортиб олғонча йүқ, жаноби Аҳмадбек. Аммо бул кишилар арзи ҳолин эшитиб, күнглумизға тоғдек қайғу тушубдур.

**АҲМАД ҲОЖИБЕК.** Не хол юз берди, сўйлангиз?

Чол. *Аҳмад Ҳожибек оёғига ииқилиб*). Илоё бола-чақангизнинг орзу-ҳавасини кўрунг, улуғ амир. Биз фақирларға раҳмингиз келсун. Қишлоқ беги бир йиллик солиқ йиғишға фармон берди, танобчилар бор-йўғумизни тортиб олдилар. Еганга озимиз, қоққанга қозиғимиз ҳам қолмамиш.

**НАВОЙЙ.** Отанинг айтишларича, кент бойлари танобчиларға пора бериб, солиқдин озод бўлаётган эрмишлар. Камбағалларнинг эрса егулик дони у ёқда турсун, эккулик донин ҳам қийратмоқда эрмишлар. Мана бул бева кампирнинг бор-йўғи биргина эчқисин ҳам зор қақшатиб тортиб олмишлар.

**БИР ЎРТА ЯШАР ДЕҲҚОН.** Таңобчилар ҳам ерилизни қасдан ортуқ кўрсатиб, кўп пул талаб қилурлар. Бир ҳафта муҳлат қўймишлар. Пулни вақтида тўламоғонларни бек ҳовлисиндаги зиндонга қамаб, дарра ила сулайтуурлар.

**АҲМАД ҲОЖИБЕК.** Шул гаплар ростму, ёлғон сўйламайсизларми?

**ЧОЛ.** Менга ишонмасангиз, оппоқ соқолимга ишонинг, амир!

**ЙИГИТ.** Ёлғон сўйласак, Каломи шариф урсун!

**КАМПИР.** Бир тул кампирға ишонмасанг, кимга ишонурсен, ўғлум. Ехуд бекка шерикдурмисен?

**АҲМАД ҲОЖИБЕК.** Шерик эрмасмен! Аммо Мовароуннаҳр вилоятлариндаги барча қишлоқлардин бир йиллик солиқни илгаритдан йиғиб олмоққа оид фармони ҳумоюнга имзо чекканим ростдур. Бул фармон бизнинг раъйимиз бирла эмас, Ҳиротдин Хур осону Мовароуннаҳр султони Абусайд кўрагон зоти Өлийларининг маҳсус фармойишларига биноан юз берми шдур. Ул зот яқинда катта черик ила Ироқу Арабистон ўлкаларин фатҳ этмоққа ҳозирлик кўурлар. Сипоҳи сарбозни маош ва егулик ила таъмин этмоқ зарурати ндии бул фармони соҳибқиронни бажармоқдин ўзга ишложимиз йўқдур. Аммо биз фармонимизда ҳар кимдин ҳолига яраша солиқ тўплашни буюрганмиз. Билсак ул аҳмоклар салла

деса, каллани олиб келурлар. Шаҳрисабз, Ҳузор, Қарши, Кармана ва бошқа музофотлардаги қишлоқлардин ҳам шул хусусда арзга келмоқдалар.

**НАВОИЙ.** Шу чол ва оқсоқ кампир ҳурмати, Ургут қишлоғиндаги бева-бечоралар, фақиру бенаволардан олинажак солиқни бекор қилмоққа амр берсангиз. Аларнинг ҳиссасин бою савдогар зиммасига юкласангиз деган ўтичимиз бор.

**МИРЗОБЕК.** Кўп савоб ишга қолурсиз, улуғ амир, Фақирнинг дуоси Оллоҳнинг карами ила баробардур.

**АҲМАД ҲОЖИБЕК** (*Мулозимга*). Ургут қишлоғиндаги фақирлар бир йиллик солиқдин озод қилиниши ва алардин йиғиб олинган барча нарсалар эгалариға қайтариб берилиши ҳақинда фармони олий тайёрланг. Бек ва танобчиларнинг аттор қутисинда топилмайдурғон ишларин тафтиш қилиб, натижасин менга еткуурурсиз. Сизга бул ишни бажармоққа бир ҳафта муҳлат. Ургут боёнларининг мол-мулкин аниқ ҳисобга олмоқ ва аларға шунча солиқ чиқармоқ ҳам хотирангиздин фаромуш бўлмасун.

**МУЛОЗИМ.** Бош устиға, улуғ амир! Фармонингиз бажо келтирилур!

**ЧОЛ.** Илоҳо, давлатингиз зиёда бўлсун, амир!

**ҚАМПИР.** Дунё тургунча туринг, ўғлум. Мушкулимизни осон қилдингиз.

**АҲМАД ҲОЖИБЕК.** Менга эрмас, раҳматни бул йигитга айтингиз.

(*Навоийни кўрсатади.*)

### З-ҚҮРИНИШ

#### ҚЎРГАЛИ ҲУСНИНГНИ...

Амир Барлосийнинг дарсхона учун жиҳозланган уйи. Навоий машғулотни давом эттирмоқда.

**НАВОИЙ.** Ўтган галги машғулотда аruz баҳрлари ҳақинда сўз юрутиб эрдик. Бугун эрса сўз санъатларининг тажнис ҳақинда сабоқ олурсиз. Тажнис деб бир сўзи бир неча маънода ишлатмоққа айтурлар. Масалан «от» исм маъносинда, буйруқ маъносинда ва бошқа маъноларда ишлатилур. Шуаро сўзнинг бу товланишидин истифода этиб, шеърларинда тажнис ишлатур.

**КОМРОНБЕК.** Тажнис шеърнинг барча ишлатилурми ёхуд айрим бир турлариндами?

жинсида

**НАВОЙИ.** Шеърнинг барча турларинда бўлур, аммо шундай турлар ҳам борки, улар бошдан-оёқ тажнис ила битилур. Алардан бири турк шуароси-нинг ҳиссасидурки туюф номи ила машҳурду **Р**. Ушбу туюғда «ёзасиз» сўзи уч маънода битилмиш,

ишлатса

Эй муҳиблар, етсангиз гар ёза сиз,  
Гул адөфинда хуморе ёзасиз.

Гар мен ўлсам турбатимнинг тошина  
«Куштайи бир шўх эрур» деб ёзасиз.

**ДИЛШОДБЕК.** Ўзунгиз тўқудингизми, устод?

**НАВОЙИ.** Иўқ, Дилшодбек, бул туюф **ФАҚИРНИНГ** тоғаси Мир Саид Кобулийга мавсумдир. **МАВЛОНО** Лут-фий туюғлари ҳам машҳур.

**КОМРОНБЕК.** Сиз ҳам туюф битурмисиз, устод?

**НАВОЙИ.** Баъзан-баъзан хотирга келганда...

**ДИЛШОДБЕК.** Бир туюф айтинг, ёдлаб **ОЛАЙЛИК**.

**НАВОЙИ.**

Лаълиди жонимга ўтлар ёқилур,  
Қоши қаддимни жафодин ё қилур.  
Мен вафоси ваъдасидин шодмен,  
Ул вафо, билмамки, қилмас ё қилур..

**ДИЛШОДБЕК.** Ажиб туюф эркин.

**НАВОЙИ.** Комронбек, туюф вазнин аниқла шига ҳаракат қилинг.

**КОМРОНБЕК.** Рамал вазнига ўхшайдур. Руқнлари фоилотун, фоилотун, фоилунга рост келур.

**НАВОЙИ.** Балли, Комронбек, тўғри топдингиз, туюғнинг вазни рамали мусаддаси мақсур вазни била шоеъдур. Нечун рамали «мусаддас» деб айтurmиз, Дилшодбек?

**ДИЛШОДБЕК.** Агар руқнлар ҳар байтда олти агадда такрорланса «мусаддас» дейилур.

**НАВОЙИ.** Яхши, хўп яхши. Сизга бу галги вазифа шулки, ўзунгиз билғон туркий ёхуд форсий сўзларнинг бирдан ортуқ маъноларин дафтарга ёзингиз. Мен текшириб кўурмен. (*Дилшодбекка*). Опангиз **ФАҚИРНИНГ** рамал вазниндаги бир шеърини куйга солмоқчи бўлдилар. Мана бул разални ул кишига узатсангиз. (*Дилшодбек пардани секин очиб Навоий ғазалини опасига узатади*). ... Вазифа аниқ бўлса, мен қайтурмен. **Кўришгунча** хайр. (*Навоий болалар билан ташқарига чиқади*.)

**ҚИЗ: (Парда орқасидан ғазални үқийди).**

Кўргали ҳуснунгни зору мубтало бўлдум санга,  
Не балолиғ кун эдиким, ошно бўлдим санга.

Ҳар неча дедимки кун-кундин узай сендин кўнгул,  
Ваҳки, кун-кундин батаррак мубтало бўлдим санга.  
Ғусса чангидин навое топмадим ушшоқ аро,  
То Навоийдек асиру бенаво бўлдум санга.

Қутлуғ арз-дод улким, фақирнинг тубанда беражак осий сўзларин лутф ила кечиргайсиз. Бул ғазал ўшал кунги бир қиё боқишингиз эҳтиросинда туғилмишдур. Ва уни бир мактуб ўрнида кўргайсиз. Дилбар исмингизни билмоғонимдин ва билъакс буни билмоқ фақир учун қатъяян ман қилинғонидин не сўз ила мурожаат этмакка ожизмен. Гумроҳлик ила мактуб битмакка журъат қилғоним учун қулунгизни тағин бир карра авғ этурсиз. Сизни кўрган кундин сабру қарорим риштаси узулди. Доғли кўнглум яраларинға шифо берувчи табиим ўзунгуздур, дардли қалбим наволариға ором бергувчи ширин сўзунгуздур. Бир ҳадисингизни эшитмоқ орзусинда ёнаман. Ҳажрингизда bemor ўлғон бандангизга бир лутф ила ҳаёт бағишиларсиз деган умиддамен. Боя шамолдаги мармар ҳовуз ёнинда Сизни муштоқлик ила кутуб, келишингизга умидворлик ила бул мактуб битдим. Жавобин укангиз Дилшодбек фақирга етказур деган ишонч ила Алишер мутахаллус Навоий.

Е раббий бу не ҳолдур? Не деб жавоб битсам эркин?

#### 4-КУРИНИШ

##### КЕЧА КЕЛГУМДУР ДЕБОН

Навоий ўз ҳужрасида маъюс ва ўйчан ўтирибди. Юсуф Андижоний сўрайди.

**ЮСУФ АНДИЖОНИЙ.** Алишер, тунд ва хафа кўринурсиз?

**НАВОИЙ.** Негадур кўнгулда дарду ғам дарёси мавжурмоқдадур. Сабабин ўзим ҳам билмасмен.

**ЮСУФ АНДИЖОНИЙ.** Кеча ҳаддан бетоқатланиб, ўйқунгизда тиш ғичирлатиб чиқдингиз. Тинчликми?

**НАВОИЙ.** Зийрак йигит эркансиз. Кўнглум ишқ домина мубтало бўлғонга ўхшайдур. Олти ойдин ошрон ордиким, ул соҳибжамол ҳуснин фақирдин сир тутур

эрдилар. Аммо утган ҳафтада ул маҳлиқони бир курдуму бору йўқлиғимни унудим. Аниг била учрашмак нијатида бир мактуб битган эрдим, уқаси Дилшодбекдин жавоб ёзиб фақир ила учрашмоққа рози эрканлигин билдириди. Шул боис кеча они боғи шамолда кутдум, не сабабданур келмади. Ва бундин таъсирланиб бул ғазални тугатибмен (*узатади*).

ЮСУФ АНДИЖОНИЙ. (*Навоий ғазалини ўқииди*)

Кечада келгумдур дебон ул сарви гулру келмади,  
Кўзларимға кечада тонг отғунча уйқу келмади.

Лаҳза-лаҳза чиқдиму, чектим йўлида интизор  
Келди жон оғзимғаю ул шўхи бадхӯ келмади.

Оразийдек ойдин эрканда гар этти эҳтиёт,  
Рўзфоримдек тийра ўлғонда қоронғу келмади...

(*Шу пайт ҳужра эшиги тақиллаб Диљодбек кўринади. Қўлида олма солинган тугун*.)

ДИЛШОДБЕК. Устод, опам сизға кўп дуойи салом ила мана буни бериб юбордилар (*рўмолни Навоийга узатади*). Энди менга рухсат, кун ботай деб қолди. Опам, тез бориб, тез кел, деб эрдилар (*таъзим қилиб чиқади*).

НАВОИЙ. Олма! Олма.. Бизни йўқлаб мурод қилибдурлар. Ёр қули теккан олмалардин еяйлик, қани очинг, рўмолни (*Юсуф Андижоний рўмолни очади, битта олма олиб Навоийга узатади*).

НАВОИЙ (*Олмани ея туриб*). Бай-бай, бул Самарқанд олмаси бунчалик ширин бўлмаса? Тиниқлигин айтмайсизми? Аксингиз кўринади-я!

ЮСУФ АНДИЖОНИЙ. Ҳа, Алишер, Самарқанд олмалари, хусусан себи Самарқанд ва соҳиби Самарқанд навлари ғоят ширин бўлур, бошқа ерларда алардек олмалар бутмайдур. Ие, олмалар ичинда бир рўмолча ҳам бор эркан. (*Рўмолчани олиб очади, ичидан бир қизил олма чиқади. Тагидаги қоғозни олиб Навоийга узатади*). Сизга мактуб ҳам юборибдур.

НАВОИЙ (*Мактубни очиб, ўқииди*). Дуойи саломдин сўнг, етиб маълум бўлсинким, бул мактубни тунов куни ҳузурингизга боролмоғонлигим сабабин баёни деб билгайсиз. Сизнинг ҳузурингизга бормоқчи бўлғон, яъни мен учун мумкин бўлмаган ишга қўл уришга журъат қилғон эрдим. Баҳтимизга қарши, йўлға чиқмоққа от-

лонгонимда Шаҳрисабздин қариндошлар ташриф буюрдилар. Алар ичинда бир неча дугоналарим ҳам бордиларки, шул сабабдин аларни ташлаб, ҳузурингизга бормоқ имкониятидин йироқ эрдим. Қолғон сўзларимни сизга юборганим нақш олма ва рўмолча айтурлар. Васлом.

**ЮСУФ АНДИЖОНИЙ.** Бул рўмолчада бир сир борға ўхшайдур. (*Навоий рўмолчага диққат қилиб, үнинг четига кашта килиб ёзилган байтни ўқииди*).

**НАВОИЙ.**

Гусса чангидин наво топмадим ушшоқ аро,  
То Навоийдек асиру бенаво бўлдум санго.

Е раббий, ўз байтимни ўзумға жавоб ўрнида битибдур.

**ЮСУФ АНДИЖОНИЙ.** Сизнинг қалбингизда аланталаган ишқ оташи аниг кўнглуға ҳам ўт солғонга ўхшайдур. Ва ажид бир нозуклик билан ўз байтингиз иноситасинда кўнгул сирлариндин сизни воқиф қилмушдур.

«То Навоийдек асиру бенаво бўлдум санго». Яъни Сиз анга қанчалик асир бўлған эрсангиз, у ҳам сизга шунчалик кўнгул қўйибдур.

**НАВОИЙ.** Унда, бул олмада ҳикмат не эркин (олмани қўрсатади)?

**ЮСУФ АНДИЖОНИЙ.** Самарқандда қадимдин бир қизиқ одат борким, сайилларда ошиқу маъшуқлар ға севгиларини бир-бирлариға қизил олма совға қилмоқ бирла изҳор этарлар. Ёхуд йигитлар ила қизлар бир-бирлариға олма отиб, тўй бошлашқа розиликларин баён қилларлар. Тангри таоло нияти бирла яқин кунларда тўй тараддудин кўрмоқ лозимға ўхшайдур. Фақир белни етти ердин боғлаб, хизматға тайёрмен.

**НАВОИЙ.** Барлосийдек бадавлат бир амир ўз боридаги якка-ёлғиз қизил гулни фақирдек бир шоирға тақдим этмоққа рози бўлурмикин?

**ЮСУФ АНДИЖОНИЙ.** Сиз Амир Барлосий фаридларинға бир йилға яқин сабоқ ўргатиб, амир хона-денишинг ўз кишисидек бўлуб қолдингиз. Чамамда, амир над жавобин бермас. Одам юборинг, Амир эшигин сунурган совчиларингизни ичкарига қўймаса, ҳомийингиз Ақмал Ҳожибекни орага қўюрмиз, ёхуд, яхшиси, ул зотнинг ўзларин совчи қилиб юборурмиз. Кўрубсизки, ишлар беш бўладир. (*Шу пайт ҳужра эшиги очилиб, ичкарига Мир Қарший кириб келади.*)

**НАВОИЙ ВА ЮСУФ АНДИЖОНИЙ.** Келинг, келинг, устод. Бемаҳалда не шамол учурди?

**МИР ҚАРШИЙ.** Ҳолларингиздин бир хабар олмоқ ниятинда келиб эрдим... Ва мадрасаларда таътил кунлари бошланғони туфайли Сизларни бир сайд қилдирмоқ таклифи била келдим. Зероки, таҳсилдин чарчаган жисмингиз сайру саёҳатдин ором ва таъбингиз бул истироҳатдан ком топғай. Эртага пешиндин сұнг она юртимиз Қарши сафарига камина отланади. Ва рози бұлсаларингиз, сизлар ҳам менга ҳамроҳ бўлингиз. Йўл-йўлакай Шаҳрисабз, Ҳузор вилоятларин ҳам томоша қилғайсиз.

**НАВОИЙ.** Маъқул таклиф, устод, икки ойлик таътилни янги манзараларда ўтказмоқ ва янги одамлар ила суҳбатлашмоққа не етсун? Аммо фақирнинг Амир Барлосий фарзандларига берадурғон сабоги не бўлур?

**МИР ҚАРШИЙ.** Ҳозир мактабларда ҳам таътил бошланмуш. Шул боис аларнинг ҳам дам олғони маъқул куринадур.. Сабоқни таътилдин сұнг давом эттуурасиз?

**НАВОИЙ.** Хўп, биз рози, лекин эртага Амирникига бориб, сафарга отлонғонимиздин ул зотни хабардор қилмоғим керак.

## 5-ҚҮРИНИШ

### СИР ФОШ БЎЛДИ

Навоий Амир Барлосий дарвозасиши тақиллатади. Дилшодбек дарвозани очади.

**ДИЛШОДБЕК.** Салом, устод, келинг, қани, ичкарига марҳамат.

**НАВОИЙ.** Отангиз уйдамилар, Дилшодбек?

**ДИЛШОДБЕК.** Уйдалар, устод!

**НАВОИЙ.** Шошилиб турибмен. Аларға айтадурғон сўзим бор. (*Мактуб узатиб*) Мана буни опангиз қўлиға беринг. Отангиз зинҳор билмасунлар, хўп, қани боринг. Отангизни чорлангиз.

Дилшодбек ҳовлига кириб юра бошлайди. Шу пайт рупарадан отаси Амир Барлосий чиқиб келади. Дилшодбек шоша-пинча Навоий мактубини қўйниға яширмоқчи бўлади. Аммо отаси буни кўриб қолади.

**АМИР БАРЛОСИЙ.** Нега рангинг қув ўчиб қетди, ўғлим? Нени яширмоқдасен?

**ДИЛШОДБЕК.** Ҳеч нени, устод Алишер Сизни йўқ-  
лаб келибдурлар? (*Утиб кетмоқчи бўлади.*)

**АМИР БАРЛОСИЙ.** Ёш бошингдин ёлғон сўзламоқ-  
ўрганма, ўғлим! Қани, бу ёқقا чўз! (*У Дилшодбек-  
нинг қўйинидан Навоий мактубини топиб олади ва ҷун-  
тагига солиб дарвозага қараб юради.*)

**НАВОИЙ.** Ассалому алайкум, амир жаноблари!

**АМИР БАРЛОСИЙ.** Ваалайкум ассалом, қани ич-  
кирига кирингиз!

**НАВОИЙ.** Раҳмат, амир! Сиздин ижозат сўрамоққа  
кирган эрдим. Таътил кунлари бошланғони туфайли  
 фирмандларингиз бир ой сабоқдин озод бўлсалар. Фа-  
қирик устод Мир Қарший ўзи бирла саёҳатға таклиф  
қилиди. Шул бугун йўлға чиқурмиз. Шул сабабдин ижо-  
мат олмоққа келиб эрдим.

**АМИР БАРЛОСИЙ.** Саёҳат кўп яхши нарсадур...  
Фирзандларимиз сабоги хусусинда эрса, аларнинг ҳам  
таътил қилмоқлари жоиздур. Шул кунларда қариндош-  
лар ташриф буюришган, фарзандларимизнинг алар бир-  
ли Шаҳрисабзга бормоқлариға ҳозирлик кўрилур. Бино-  
ни эрса келиб давом эттиурсиз. Қани, ичкарига марҳа-  
мат. Олис йўлга чиқишидан олдин меҳмоним бўлгайсиз.

**НАВОИЙ.** Маъзур тутасиз, амир жаноблари. Ҳам-  
роҳлар мунтазир бўлиб қолурлар.

**АМИР БАРЛОСИЙ.** Шошилинч эркан, нима ҳам  
дердим? Сафарингиз кўнгилли ўтєун, Алишер!

**НАВОИЙ.** Кўришгунча хайр.

**АМИР БАРЛОСИЙ.** Хайр!

Навоий кетади. Амир Барлосий дарвозадан ҳовлига кириб,  
ҷўнтағидан Навоий мактубини олиб ўқииди:

«Кутлуг арз-додим улким, юборган мактубингизни олиб,  
боним кўкка етди. Муҳаббатингизга лойиқ эрмасман  
қўрқар эрдим, тангрига минг шукр вожибки, бул  
шудадин ўзунгуз халос қилдингиз. Ширин сўзларингиз  
улғон кўнглума ҳаёт бағишлигандек бўлдингиз.  
Мақунлари бошландири учун бир ой сиздин олисда  
бўлумен. Ва лекин ғунаси хаёлингиз ҳар нафас ҳамро-  
бўлғай, яхши кунларда дийдор кўришгунча хайр!»

## РУБОИЯ

Чуҳ, ярамас Алишер, қизим ила маҳфий мактуб  
юргон эркандур, ғофил қолмишман. Қизимнинг ҳам

анча күнгли борға үхшайдур... «Юборган мактубингизни олиб, бошим күкка етди...» Тузни еб, тузлуққа туфурғон деб шуни айтурлар! Күрнамак, Сен қаёқдаю, Султон Аҳмад Мирзонинг молия ишлариндағи бош амирининг қизи қаёқда?! Қашшоқ бир шоирға — қофозу қаламдин үзга дастмояси бўлмағон бир кимсага мендек бир амирнинг қизи муносибму? Бу гулни қаро тупроққа қориштиromoқ ила баробардур! Чўнтағида бир мириси йўқ бўла туриб, осмондағи ойни оламан дейди.

...Пули йўқ кишининг ҳеч нарсаға арзимайдурғон чиройли сўзлариндин не фойда? Газал битмоқ ила ким бой бўлубдур. Номи улуг, супраси қуруқ бўлған шоир илгинда қизим бир умрға хор-зорликка маҳкум этилмасму? Олтин-кумуш, зеб-зийнатлар ўриға ҳавоий сўзлариндин не фойда?

...Пул, пул... Ҳаёт бошдин-оёқ пулдин барпо қилинган-ку. Пул ила ҳамма нарсани қўлға киритса бўлур. Пул ила динни ҳам, имонни ҳам, виждонни ҳам сотиб олса бўлур. Онаси ўпмағон нозанинлар ҳам пул олдинда сўзсиз таслим бўлурлар... Кўра-била туриб гулдек қизимни кимсасиз ва ватансиз бир қашшоқ шоирға қўшқўллаб топширмасмен. Шул кунларда Шаҳрисабз бегининг ўғлидин, алалхусус ул ўзимизға қариндош ҳам бўлғай, совчи келмоқчи эрди. Тўйни тезлаштиromoқ тадорукин кўрмоқ зарурдир...

## 6-КЎРИНИШ

### ХАИР, САМАРҚАНД

Навоий Амир Барлосий дарвозасини тақиллатади. Дарвоза очилиб энага чиқади.

НАВОИЙ. Ассалому алайкум, энага, амирнинг фарзандлари уйдамилар?

ЭНАГА. Уйдалар, Алишер. Аммо сиз сафарда бўлганингизда катта ўзгаришлар рўй бермишдур.

НАВОИЙ. Тинчликми, ё бир кор-ҳол рўй бермишму?

ЭНАГА. Сизни хафа қилмоқни хоҳламасмен. Аммо амир Сиз келгунга қадар қизини узатиб юборди. Ва бул ҳақда Сизға оғиз очмасликка топшуруқ берди.

НАВОИЙ. Ё раббий, бу не кўргулик?! Наҳотки, кўз очиб юмгунча ўз баҳтимдин жудо бўлғон бўлсам, йўқ, ишонмасмен, алдамангиз.

ЭНАГА. Тангри ҳаққи, рост сўйлайдурмен, Алишер.

Ораларингиздаги муҳаббатдин воқифмен. Аммо иккингиз ҳам баҳтиқаролардин эркансиз. Тақдир шул экан, ҳар неки мусибат бўлса, пешонангиздин кўргайсиз. Қизнинг оққан кўз ёшлариндин тош ҳам эрир эрди, аммо Амир раҳм-шафқат қилмасдин они зўрлаб бир бек йигитга узатиб юборди. Бул ердин тўй қилиб, олиб кетғонларига ҳам ўн кун бўлди. Кета туриб, узугини сизга ёдгорлик сифатида бериб қўймоқни мендан сўраб эрди. Мана ўша узук, олинг, эслаб юурур эркансиз. «Бул бенвафо дунёда бирга бўлмоқ бизга насиб қилмади, иншооллоҳ, маҳшарда юз кўришурмиз», деди шўрлик. Ва, Алишер бул шум қисматдин ўкинмасин, мен-ку баҳтсиз бўлдим, аммо ул баҳтга ёр бўлиб, ўз тенги бўлмиш бошқа бирор ила турмуш қилмоқлигин худодин илтижо қилурмен, деди. Онинг бул қарз сўзларин Сизга етказмоққа сўз бериб эрдим... Айтмоққа тилим бормасада... начора, барчасини тақдири азалдин кўргайсиз.

НАВОИЙ. Наҳотки, наҳотки? Баҳтимни энди топдим деганда, жудолик дардига мубтало бўлдим! Бул сўзларни эшигандин кўра, сафарда жон таслим этсам бўлмасмиди?!

ЭНАГА. Ўзунгизни тутинг, Алишер. Сиз йигит кишилиз, тақдирга тан бермоқдин ўзга илож йўқ...

НАВОИЙ. Амир уйдамилар?

ЭНАГА. Уйдалар, аммо авзойилари бузуқ. Бул ҳақда сўз очмасликни маслаҳат берурмен. Ўзунгизни билмаганга солингиз! (*Навоий ичкари киради.*)

НАВОИЙ. Ассалому алайкум, амир ҳазратлари. Сафардин қайтиб ҳузурингизга келмоққа жазм этдим.

АМИР БАРЛОСИЙ. Қелинг, Алишер, марҳамат, ўтиринг. Хўш, сафар кўнгулдагидек ўтдуму?

НАВОИЙ. Сафар яхши бўлди, аммо...

АМИР БАРЛОСИЙ. Аммо, сиз келгунча бир қадар ўзгаришлар рўй берди, хусусан, саройдагиларнинг сизга бўлғон муносабати ўзгармишдур.

НАВОИЙ. Нечук? Гуноҳ иш қилибманму?

АМИР БАРЛОСИЙ. Султон Аҳмад Мирзонинг хуфя ишлар бўйича амири Хожа Сардорий сиз ҳақингизда кўп маълумотлар тўплаб, Сизни ҳибсга олмоққа фурсат кутмоқдадур. Ул жаноблари қадрдон дўстим бўлғонидин, бул ҳақда мени хабардор қилғон эрди, фарзандларимизга сабоқ берганингиз учун миннатдорлик сифатинда бу ҳақда сизни огохлантироқни ўз бурчим деб билгайман. Ва сизга тез кунлар ичинда Самарқандни ташлаб, жосуслар илки етмайдурғон үлкаларга яши-

ринмоғингизни маслаҳат бергаймен. Билиб туриб, сизға айтмасам яхшиликларингизга ёмонлик қилғон бўлурмен. Фақат шул шарт бирлаки, Хожа Сардорий қўлиға тушсангиз бизнинг номимизни сотмағайсиз.

НАВОИЙ. Амир Хожа Сардорий қайдин биз ҳақимизда маълумот тўплабдур? Ақлга сиғмас-ку?

АМИР БАРЛОСИЙ. Жосуслар ила ҳазиллашиб бўлмайдур. Сиз шохидаги юрсангиз, алар баргидаги юргайлар. Сафарга чиққанингизнинг эртаси куни ҳужрангиз қулиғини очиб, тинтув ўтказибдилар ва Султони Соҳибқирон Абусаид Мирзо шаънига номуносиб байтларингизни кўчириб олмишлар. Инчунун, ушбу:

Замона ўқ каби тузларни синдуриб ёдак,  
Аларки эгридурлар, шаҳга муҳтарам қиладур.

Ехуд:

Табъ ганжидин маоний хурдасин, юз қатла хайф —  
Ким, нисор этмакка шоҳи хурдадоне топмадим,  
байтларин сиз битганмисиз?

НАВОИЙ. Ҳа, мен битганмен.

АМИР БАРЛОСИЙ. Ана, кўрдунгизми, ўзунгиз ҳам тан олурсиз. Булар ҳали ҳолва. Ургут қишлоғидаги фажирларни бир йиллик солиқдин озод қилдириб, султон фармонига ошкор қарши чиқибсиз. Ёки бундан тонасизми?

НАВОИЙ. Бул иш Аҳмад Ҳожибек жаноблари саъйлари ила зоҳир бўлмишдур.

АМИР БАРЛОСИЙ. Аммо Аҳмад Ҳожибекни бул ишни қилмоққа сиз ундагансиз. Сиз бўлмағонда бул воқеа содир бўлмағон бўлур эди. Ва бошқа маълумотлар ҳам борки, алар Сизнинг Самарқандда туриб, дўстингиз Ҳусайн Бойқарога зимдан мадад кўрсатганлигингизга гувоҳлик берур. Инчунунки, Сиз Амир Султон Ҳасан Архангий ўғлини Мирзобек ила озод қилиб юборибсиз. Ва яна дўстингиз — салтанатимизнинг ашаддий душмани Ҳусайн Бойқарога юборган махфий мактубингизни ҳам жосуслар қўлга туширмишлар. Буларнинг барчаси сизнинг ушбу нозик шароитда Самарқандда турмоНингиз хатарли эрканлигидин нишонадур. Баҳтингизга султони Соҳибқирон Абусаид Кўрагон Озарбайжон ва Ироқ ўлкаларини фатҳ қилмоққа черик тортибдур. Шул сабабдин Хожа Сардорий давлатпаноҳни олиб Султонимизнинг ёғий устиндин зафар қозониб Ҳиротга қайтиб келмоқларин кутмоқдалар. Ул киши дорус-сал-

тәнатга қадам қўйишлари биланоқ сизни ҳибсга олиб, Ҳиротга юборурлар ва тақдирингиз султони Соҳибқирон томониндин ҳал қилинур. Ўйларменки, оқибати яхши бўлмағай кам деганда зиндонга солинурсиз. Шул наждин тез кунда бул ерларни тарк қилиб, яширинмогингиз жоиз кўринур. Акс ҳолда... Ҳаётингиз қил устидадур.

(Шу пайт хизматкор кириб, Амир Барлосийга дейди).

**ХИЗМАТКОР.** Саройдин келган мулозим Алишерни истаб келмишдур. Кўксаройға чорламоқда эрканлар. **АМИР БАРЛОСИЙ.** Кечикдингиз, Алишер. Саройға бориб гуноҳларингизга тавба қилинг! Мен ҳам бориб сизни кечиришларин илтимос қилурмен. Зора афв қилсалар. (*Хизматкорга*) Лиbosларимни келтур. (*Кийиниб, Навоий билан ташқарига чиқади.*)

Кўксарой. Тахт бўш. Ўнг томонда Аҳмад Ҳожибек, амирлар, мулозимлар ўтирибди.

**ПАРВОНАЧИ.** Мавлоно Алишер ташриф буюрдилар!  
**АҲМАД ҲОЖИБЕК** (*Ўрнидан туриб*). Қутлаймен, Алишер! (*Навоий билан маҳкам қучоқлашади*). Сизни Ҳирот интизорлик ила кутмоқда. (*Парвоначига*) Парвоначи, заррин тўн келтиринг!

(*Парвоначи заррин тўн олиб келиб, Навоийга кийдиради. Амирлар уни табриклишмоқда. Навоий ҳайрон*).

**НАВОИЙ.** Не ҳол юз берди, англай олмасмен?!

**АҲМАД ҲОЖИБЕК.** Кеча Ҳиротдин — Султон Ҳусайн Бойқаро номиндин мактуб олдик. Ул ҳазрат сизни ўз ёнига чорлайдур.

**НАВОИЙ.** Султон Ҳусайн Бойқаро? Ҳусайн Бойқаро подшоҳ бўлдими?

**АҲМАД ҲОЖИБЕК.** Ҳа, султон Ҳусайн Бойқаро Ҳирот таҳтин эгаллабдур. Бунга боис султони Соҳибқирон Абусайд Кўрагон алайҳирраҳмоннинг Озарбойжонда ёғий илкинда шаҳид бўлғонлиги эркандур. Бул хабарни эшитған Ҳусайн Бойқаро жаноблари зудлик ила Ҳиротга қўшин тортиб, Хурросон таҳтин қўлга киритибдур. Ва хутбайи, саодат аввалги жумада анигномига ўқулмушдур. Мόвароуннаҳр султони шаҳзода Султон Аҳмад Мирзо бир ҳафтадин буён хонайи хосваринда шаҳид ўлғон оталарига аза тутмоқдалар. Кеча султон Ҳусайн Бойқародан чопар келиб, ул зоти олийдин Сиз-

нинг Ҳиротга бормоғингишни сўрағон мактубни топшириди. Мана ўшал мактуб (*кўрсатади*). Сафарга ҳозирлик кўрунг! Сизни олий давлат лавозимлари, бойлик ва шоншуҳрат кутмоқда. Биз Самарқандлиғ дўстларингизни унутмағайсиз, деган умиддаман.

**НАВОИЙ.** Самарқанд, хусусан, аниг очиқўнгул, меҳмондўст элин, сиздек ҳомий ва бошқа ёру дўстларни унтиб бўлурми? Самарқанд фақир учун она шаҳримдек муқаддас ва табаррук бир даргоҳдир. Бул шаҳарда ҳаётимнинг энг бахти оилари кечмишдур. Самарқандлиғ маърифат дарғалари илм уммонинда ғаввосдек ўнғиб, жавоҳирлар термоғимга устодлик қилдилар. Аларнинг хизматлари эвазинда фақир илми фалакиёт, риёзиёт, ҳандаса, фиқҳ, араб лисони ва бошқа соҳаларда камоли улум касб этибмен. Хусусан, устод Ҳожа Фазлуллоҳ Абуллайсийдин олғон сабоқларимға қай сўз ила миннатдорлик қилмоққа ожизмен. Сизнинг фақирға кўрсатған яхшиликларингиз бир умр эсдан чиқмайдур. Энди ижозатингиз ила Ҳиротга қайтиш олдидан устодлар ва ёру дўстлар ила хайрлашсам.

**АҲМАД ҲОЖИБЕК.** Ихтиёргизда бир кун бор, холос, Алишер. Эрта тонгда чопар йўлға тушадур. Тўртбеш мулозимларни Сизга ҳамроқ қилурмиз ва алар Ҳиротға қадар Сизни кузатиб борурлар. Она юртингизға соғ-саломат етиб боришингизни тангридан тилармиз. Тағин давлат ишлари била бўлиб, бизни эсдин чиқариб юборманг. Кўнглунгиз истаған вақтда Самарқандга ташриф буюринг, шаҳримиз дарбозалари сиз учун ҳар доим очиқдур. Энг азиз меҳмонимиз бўлғайсиз.

**НАВОИЙ.** Лутфу иноятингиз учун чин дилдин ташаккур, улуғ амир! Иншооллоҳ, айтғанларингиз келгай, Насиб бўлса, бир эмас, бир неча бор дийдор кўришурмиз. Аммо ўшал пайтларда Самарқандда мени меҳмон деб эрмас, балки бир табаррук заминнинг ўз фарзанди ўрнида қабул қилғайсиз. Кўришгунча хайр! Энди ижозатингиз ила мўътабар устодлар ва меҳрибон дўстлар билан хайрлашсам.

Тонг пайти. Навоий Ҳиротдан келган чопар ва Аҳмад Ҳожибек мулозимлари билан отда Самарқанд кўчаларидан ўтиб бормоқда. Эгнида заррин тўн. Отлиқлар Амир Барлосийнинг уйи олдига яқинлашадилар.

**НАВОИЙ.** Сиз йўлда давом этингиз, азизлар! Мен мана бу хонадон ила хайрлашмоғим лозимдур. Орқангиздин етиб олурмен.

Отлиқлар «мáъқул» дейишганча йўлда давом этадилар. Навоий қулидаги қамчи билан Амир Барлосий дарвозасини тақиллатади. Хизматкор дарвозаси очади.

**НАВОИЙ.** Ассалому алайкум, эрта тонгда бозовта қилғоним учун узр. Энагани ва амир фарзандларин чақириб кўйсангиз, алар билан видолашмоқчи эрдим.

**ХИЗМАТКОР.** Дилшодбек ва Комронбек ухлаб ётурлар, энага ошхонададур, ҳозир чорлармен. (*Хизматкор энагани чақиради.*)

**НАВОИЙ** (*Энага билан хайрлашиб*). Каллайи саҳарлаб Сизни нотинч қилғоним учун маъзур тутғайсиз. Ҳиротга қайтиш олдидан сиз ва шогирдларим ила хайрлашмоқ учун бир он тўхтадим.

**ЭНАГА.** Ҳиротга қайтишингиздин хабарим бор. Амир ўз құлмишидін пушаймон бўлуб, илондек тўлғониб, аччиғини кимдин олмоқни билмай юрубдур. Ул дўстингиз Ҳусайн Бойқаро Хуросон тахтида ўтиргонлигин айтиб, Сизни беклик мансаби кутаётганлигини айтди. Хотинлариндин бул хабарни эшишиб, севинганимдин йифлаб юбордим. Илоҳо, бошингиз тошдан, мартабангиз бундан ҳам улуғ бўлсин. Биз ожизларни ҳам унутмағайсиз!

**НАВОИЙ.** Сизларни унутиб бўлғайми, энага! Йигитлик ҳаётимнинг энг яхши онлари шул азиз хонадон ила боғлиқдур. Шогирдларим Дилшодбек ва Комронбек пешонасин менинг номидин үпуб қўюнгиз. Сиз ҳам ўз онамдек қадрдон бўлуб қолдингиз. Шул сабабдин, охирги илтимосим шулки, васлидин мұяссар бўла олмаганим амир қизи ила учрашганингизда, мана бу ғазални анга еткаргайсиз деган ўтинчим бор:

Оҳқим, ул ошино бегона бўлди оқибат,  
Ҳажридин беҳудлуғум афсона бўлди оқибат...

(*Ғазал ёзилган қоғозни узатади*).

Соф-саломат бўлингиз, фақирни дуо бирла ёд қилиб турингиз, хайр.

**ЭНАГА.** Сафарингиз бехатар бўлсун, Алишер... Мана бу нонни олиб кетинг, йўлда ҳамроҳингиз бўлур. Ҳозиргина ўзум ёпған эрдим. (*Навоий энага билан хайрлашиб жўнаб кетади.*)

Қуёшнийг заррин нурлари тараляётган бир пайт. Навоий от устида Самарқанд қўчаларидан ўтиб бормоқда. Унинг кўз шигида Самарқанд манзаралари, бу ерда ўтган ҳаётининг айрим муҳим лавҳалари жонланмоқда.

Севгилисингиз сиймоси қаршисида намоён бўлади.

**НАВОИЙ** (*Ўз-ўзига*). Наҳотки, бул фоний дунёда чин ошиқлар ўз ниятлариға ета олмағайлар. Ҳайҳот, ҳайҳот, ул нафис гул қай бир девнинг чангалиға тушди?! Ул бахтсизнинг оҳу фарёдлариға ким қулоқ солур?! Оққан қон ёшлариға ким парво қилур?!

Навоий қулоғига қизнинг «Бул бевафо дунёда бирга бўлмоқ бизга насиб қилмади, инишооллоҳ, маҳшарда юз куришумиз» деган сўзлари эшитилади.

Ё, тангрим, ул қиз муҳаббати вужудимни ўртаб, ақлу дониш эвини кул қилмоқда, кулини кўкка совурмоқда! Ани унутмоққа кучим етгаймукин? Йўқ, йўқ, унута ол-масмен... Аниң пок севгиси қалбимда абадий муҳрланиб қолгай. Кўнглум ондин ўзгани демағай... Бир қалбга икки муҳаббат сиғмағай... Алвидо, севгилим, Алвидо... Алвидо...

Яна Самарқанд манзаралари гавдаланади. Шаҳар ортда қолиб, Навоий олдинда кетаётган чопар ва мулоғимларга яқинлашади ва орқасига қараб пиҷирлайди:

**НАВОИЙ.** Алвидо, Самарқанд, ҳаётимнинг энг бахтли ва ... энг бахтсиз онлари... сен бирла ўтди...

«Самарқанд ушшори» оҳиста янграйди. Куйни от туёқларининг дупур-дупур товуши босиб кетади.

#### Парда

30 январь — 6 февраль, 1982 йил.  
ТОШҚЕНТ шаҳри.

## ФУҚАРОНИНГ ТАХТСИЗ ПОДШОҲИ

(Ҳазрати Мир Алишер Навоий ҳақида ҳалқ ривоятлари  
асосида яратилган III парда VIII кўринишили  
саҳна асари)

ҚАТНАШУВЧИЛАР:

АЛИШЕР НАВОИЙ — улуг ўзбек шоири, вазир.

ҲУСАЙН БОЙҶАРО — — шоҳ, Алишер Навоийнинг дўсти.

РАҲМОНБЕРДИ — чўпон, 27-29 ёшларда.

УСТА — этикдўз, 60—65 ёшларда.

СОТИБОЛДИ — салтанат богининг қоровули.

КАРИМБОБО — ўтинчи.

ТАЛАБА — 14—16 ёшларда.

ТАБИБИЙ — шоҳнинг хос табиби.

БУРҲОНИДДИН — вазир.

МАЖИДИДДИН — вазир.

ШАҲОБИДДИН — мудаввин (девон тузувчи).

ЛАШКАРБОШИ.

ЯСОУЛБОШИ.

ЭШИК ОҒАСИ.

ҚОЗИ ҚАЛОН.

Ҳазиначи, хизматчилар, ясовуллар зиндомон, шайхумислом, шоирлар, табиблар, мунажжимлар ва соқчилар, гадолар, қаландарлар.

### БИРИНЧИ ПАРДА\*

#### I КЎРИНИШ

(Ҳирот. Шоҳ саройи. Аъёнлар шоҳ ҳузурига бориш учун иккичи қаватга кўтарилимоқдалар. Шайхулислом, қозикалон, вазир иккинчи қаватга эндиғина чиқишиган. Уч-тўрт бек-амирлар, икки шоир, икки мунажжим бориб уларга қўшилишмоқда. Лашкарбоши ва ясовулбоши суҳбатлашиб зинадан кўтарилишяпти. Уларнинг ортидан тўрт-бешта табиб бормоқда. Энг орқада Мажидиддин, унинг ўнг тарафида Табибий, сўл тарафида эса Бурҳониддин. Суҳбатлашиб боришяпти).

\* Ушбу асар филология фанлари номзоди Суннатилла Аҳмадов билан ҳамкорликда ёзилган.

**МАЖИДДИН (Табиийга).** Жаноблари фақат гапни дадил бошлаб берсалар, бас. Буёги бизга ҳавола. Бутун умидимиз жанобингизнинг саъй-ҳаракатларига боғлиқлиғин унут этманг. Худо кўрсатмасин-у, бир кор-ҳол бўлса, сизга қўшилиб биз ҳам-а мавлоно?!

(Бурҳониддинга қараайди. У бош ирғаб тасдиқлайди. Табиий ҳам тушундим дегандек ишора қиласди. Сўнг Мажидиддин Бурҳониддиннинг билагига қўлини қўяди).

Сизға ўзимға ионгандек ионамен, мавлоно. Шундоқ эрса-да, каминани маъзур тутғайсиз, андек паришонхотирлиғингиз борлиғин ҳисобға олиб, баъзи муҳим гапларни такрор уқтироқчимен. Ясовуллар доно, деб ушлаб келишган кимсани каминангиз аҳмоққа чиқорғоним они гап жиловин ўз қўлингизға олиңг. Ва дарҳол анати маҳмадана Алишернинг шоирлиғу арбоблик сифатларин осмону фалакларға кўтариб оқилу донолигиға бутун Хуросон, дағи мулки Ажам-да тан беришни айтингиз. Хуллас, онинг мақтовин шундоқ келиширингки, дунёда донишманди яктолигиға ўзи-да ионсин. Қарабисизки ненидир сезғонлар ҳам юқ ғазабидин қўрқиб, бу фикрини ғалат дея олмаслар. Ва биз бир ўқ ила...

Ейилиб куладилар. Бир оз юришиб иккинчи қаватда кутиб турганларга қўшилишади.)

Ҳашаматли хона. Тўрдаги кўшқда bemor Ҳусайн Бойқаро иҳраб ётибди. Кимхоб кўрпаларга ўранган. Қаватида Алишер Навоий ўтирибди.

Кўшқнинг бош томонида икки мулозим. Аъёнлар кирганини кўриб Алишер Навоий ўрнидан туради. Ҳамма сўрашиб ва жойлашиб бўлгач, мусиқа тинади.

**ҲУСАЙН БОЙҚАРО (Бошини ёстиқдан кўтариб, хаста овоз билан).** Муҳтарам табиби хозиқлар, кўриб турибсизки, кечаги муолажалардан сўнг ҳам аҳволим зифирча бўлса-да енгиллашмади. Дардим жуда оғирга ўхшайдур. Бирор тўхтамға келғон бўлсаларингиз, айтингиз. (Тин олади). Бор умидим сизлардан. Шояд шифотопсам. Дардимға даво топғонга бўйи баробар зар берурмен.

**ТАБИБИЙ.** Подшоҳи олам, бекорга азият чекиб муборак кўнглингизни чўктирумангиз. Дард берган эгам, давосини ҳам етказғусидур. Дунёда бедаво дард йўқ. Биз камтарин қулларингиз кеча узоқ машварат айлашиб аниқ ва ишончли тўхтамға келдик. Анинг натижаси

Кайрли булишидан умидвормиз. Фақат, олампаноҳ, бир қошиқ қонимиздин кечсангиз.

ҲУСАЙН БОЙҚАРО. Айтинг!

ТАБИБИЙ. Олампаноҳ, айтсам тилим, айтмасам дилим куядир. Сиз чиндан-да оғир дардға мубтало бүлибеніз. Аннг давоси... давоси борликка борку-я, аммо тоңиш андак... мушкулроқмикин...

ЛАШКАРБОШИ. Чайналмай айтаберинг-да. Олампаноҳимиз Хурсондек буюк мамлакатнинг хоқони бўлслар, анқонинг уруғин топишгаям қурблари етади-ку! Қолаверса, биз янглиғ содик қуллари бор.

ТАБИБИЙ. Умрингиздин барака топинг, бек. Сиздек содик лашкарбошилари борлиги учун ҳам шоҳимизнинг дардлариға даво осон топилиши бешубҳа. Олампаноҳ, сизни дардингизға бир донишманд ила бир аҳмоқ кишининг қони—даво. Бул икки табиатли қонни аралаштириб, ғизойи баданингизға бир неча бор сурилса, иншооллоҳ, тез кунда шифо топғайсиз.

БОШҚАЛАР (*шивирлаб*). Ё! Алҳазар! Ё тавба!

ҲУСАЙН БОЙҚАРО. (*Бошини ёстиқдан зўрга кутаруб*) Лашкарбоши, ясовулбоши! Нима, қулоқларинг том битганми? Бу шаҳри азимда ким кўп, ақлли билан деона кўп. Дарров мавлоно айтган кишиларни келтиринглар!

АЛИШЕР НАВОИЙ (*ҳаяжон билан*). Тўхтанг! (*Ҳамма сўзнинг кескинлигидан сесканиб кетади. Тағин совуқ жимлик чўкади*). Олампаноҳ, бу гуноҳим учун бир қошиқ қонимдан кечинг. Фақир кўнглиға иштибоқ келди. Нечукким, мавлоно Табибийнинг сўзларидин қонингина эрмас, қонхўрликни ҳам ҳиди келмоқдадур.

ҲУСАЙН БОЙҚАРО. Қон ҳиди?... Бирорта асосингиз борму, амир? Мавлоно Табибий ила табибларни юзлариндаги жиддиятни кўрингиз! Алар юзларида зоҳир ўлон жиддият алдоқчи эрмасдур, ахир Алишер! Наҳот мени саломат кўрингиз келмайдур?

АЛИШЕР НАВОИЙ. Олампаноҳ, ёлғиз сизни ўйлоним боисиндин бул ишга журъат этдим. Зеро, сизни менини сиҳат-саломат, балки бегуноҳ икки фақирнинг ҳуни учун келодурғон маломатлардин ҳам холи кўрмоқ истаймен.

ҲУСАЙН БОЙҚАРО. Эҳ, Алишер, Алишер! (*Табибийга*) Мавлоно Табибий, ҳазрати амиrimизни гапларига қандоқ қарайдилар? (*Уф тортади. Сўнг аввалги деб стади.*)

ТАБИБИЙ. Султони бокарам, фасоҳат бобинда якто

Ҳазрати амиримиздек, сизга садоқатлы зотлар томонидан бундоқ шубҳалар булиши табиий. Бильякс, ул зоти олий-нинг садоқатлари шубҳа остинда қолмоғи мумкин. Энди малҳам хусусинда сўзласам, биз табибларинғиз муборак вужудинғиздин олғон унсурларни үрганиб амин бўлдик-ким, иссиқлари камайуб, совуқлари ошуб кетғон эркан. Бул дардни қайталаниб туриши тибдин маълум... Яъни бир йўла дардни ҳам, қайталанишни ҳам олди олинма-са, охири... охири, худо кўрсатмасун. Тағин, маълумингизким, дононинг қони иесиф, аҳмоқники совуғдур. Биз қонларга эга бўлғоч, аларни шундоқ миқдорда аралаштирурмизки, айни шул миқдоргина ҳар иккала хавфни ҳам бартараф этғуси. Олампаноҳ, гапимнинг даромади чўзилиб кетгани боис маъзур тутингиз. Мухтасар қилғонда, дардинғизға дононинг қонидин ўзға малҳам йўқдур. Аммо бул ҳолда андак ишқал бордур. Яъниким, даводин сўнг иссиғинғиз ошуб кетмоғи мумкин. Мен бош табиб сифатинда бул ҳолға мутлақо йўл қўя олмаймен. Демақким, муҳтарам аъёнлар, совуқ қон султони бокарамнинг муборак вужудлари ҳарорати мувозий бўлиб юрмоғи боисиндин зарур эрканлиғин англағон эрсангиз керак. Иншооллоҳ, олампаноҳимизнинг дардлариға тез фурсатда шифо етқургусидир. Садақаллоҳул озийм!

«Офарин!», «Офарин, мавлоно!» деган овозлар эспитилади. Биринки дақиқа давом этган бу офаринбозликни Мажидиддин ва Бурҳониддинлар бошлаб беришади.

**ХУСАЙН БОЙҚАРО** (*Бошини кутариб*). Биз сўзинғизға инондик, мавлоно. (*Эшик оғасига*) Эшик оғаси, зарбоф тўн келтиринг! Лашкарбоши, ясовулбоши!

**ИККИСИ БИРДАН.** Лаббай, олампаноҳ!

**ХУСАЙН БОЙҚАРО.** Ишга киришинғиз!

(Лашкарбоши ҳамда Ясовулбоши «Бош устига» деб чиқади. Эшик оғаси ва хазинадор зарбоф тўн келтиришиб Табибийга ёнадилар. Аъёнлар Табибийни қутлаш учун унга яқин кела бошлайдилар).

**АЛИШЕР НАВОИЙ** (*Ўзича*). «Саводсиз табиб, жалллод шогирдлар. Ул тиф ила, бу заҳар ила азоблов-чидур», деганларидан халқни шунча ситам тортиб ётғони етмоғондек, бул ақли кўтоҳ табибни гапи дард устига чипқон бўлди. Шунча йилдин буён подшоҳни алдаб халқ қонини зулукдек сўриб келодурғон олчоқ вазирларнинг гапига кириб, шоҳни тағин қонхўрликка ундали, ярамас. Элнинг куни тугасаям, подшоҳликнинг зулми тугамас эркан-да. Афсус, минг бора афсус...

Шундай олам истагимки, аҳли олам булмасин,  
Ундаю ҳам олам аҳли зулмидин ғам булмасин.

Унда на кундузда мазлумлар кўзида сели қатл,  
Ҳеч ғарибнинг киймиши тунларда мотам булмасин:

На фалак бедодидин унда кўнгилда юз алам,  
Дил жафо тифила чок, муҳтожи маҳрам булмасин:

пауза

(Сўнг ғазални охирги икки байтини ўқииди.)

Фоний, дунё иши ҳақинда кўп сурма хаёл,  
Ҳал булур ҳар бир муаммо, қанча мубҳам булмасин.

Майли, бўлар иш бўлди, ҳадемай икки баҳти қарони  
тутиб келишлари турган гап. Энди ўшал бегуноҳ фақир-  
лар ҳаётини сақлаб қолиш чорасини топмоқ керак.

Шу пайт ясовулбоши ва уч ясовул, ёлвориб келаётган қўли боғ-  
лик талабани хонага судраб кирадилар.

**ТАЛАБА.** Жон, оғалар, мен бир бечора талабаман,  
қўйворингиз, ҳеч қандай гуноҳим йўқ. Ўтинамен, умрим  
бино бўлиб мусичагаям озор бермаганмен. Ёш жонимға  
раҳм қилингиз, қўйворингиз, жон оғалар, раҳм қилин-  
гиз...

Талабани кўшикка яқин келтириб, тиз чўктириб қўйишади. Бир  
яловул ҳануз ёлвораётган талабанинг оғзини қули билан беркит-  
моқчи ва энгагини кўтариб, шоҳга қаратмоқчи бўлади.

Талабага раҳм қилингиз, жо-он оғалар, мен бир бечо-  
ра талабамен, қўйворингиз, раҳм қилингиз, раҳм...

**ЯСОВУЛБОШИ** (*Ғазаб билан*). Бас, бас-э, нодон,  
кофур бўлурсан! Чакагингни юмиб тегрангга боққил-чи,  
унга келтурғонимизни кўурсен. Бу кошонаи муҳта-  
шамда йиғламоқ ва ёлвормоқ гуноҳи азиймдур.

Талаба йиғидан тўхтаб, бошини кўтаради-ю, аъёнларни, кўшик-  
да бтиб унга қараб турган шоҳни кўради ва ўрнидан сапчиб ту-  
риб кетади, сўнг шоҳга анграйганча тикилиб қолади.

**ҲУСАЙН БОЙҚАРО.** Ясовулбоши, кимни келтурдин-  
ги. Салтанатимизда бул йиғлоқидин узга зотлар қуриб  
қомғонми экан?

**ЯСОВУЛБОШИ** (*Саросима ва ҳадик билан*). Бир  
кошиқ қонимдан ўтинг. Олийфишон қасрингиздин чи-

қиб, от қүйдигу бозорға бордук. Аңда бир мүйсафид қовунчи биз ақлли булиб күринди. Анга муддаони айтиб, биз ила юринг, деб эрдук, ул киши, үғилларим, мендә ақл не қылсун. Савdosин ҳисобин зұрға амаллайдурғон бул бечора дәхқону косиблар орасында ақлли зотлар бор бүлмайдур. Аммо пешона тери ила етурғон ҳосилии бир қисмин сотиб, рүзғорын бутлашға ақлли етғонларни ақмоқ-да, деб бүлмас. Сизларға ақлли керак бўлса, мадрасага боринғиз, зап ақлдорлар ушал ёрда бўлғай, деди. Сунг от чойтириб мадрасаға бордук. Жамийки ҳужралар бўм-бўш, илму толиблар Ҳиротни томоша этғали кетишган экан. Бул тақсирим бир ҳужрада ёлғиз мук тушиб китоб ўқиб ётғон эркан. Ўзимизча, сайру томошадин китобни афзал билғон бешак ақлли бўлодур, деб ўйладук ва ҳузуриға бориб икки қўлтиғидин олдук. Тақсирим шундагина бизни пайқадилару ёлворишига тушилар. Гапни чўзиши фурсати эрмас эрди. Олиб жўнайвердик.

**ҲУСАЙН БОЙҚАРО.** Муддаони йўлакай бир оғиз сўз бирла уқтирангиз бўлмасми?!

**ЯСОВУЛБОШИ.** Биз неча бор англатмоқға уриндик, аммо тақсирим йиғидин бўшамадилар, ноилож...

Хонага қаддини ғоз тутиб лашкарбоши киради. Унинг ортидан уч ясовул эгнида қирқ ямоқ чопон, бошида даққи юнусдан қолган чўгирма, бели чилвир билан чандилган, титилиб кетган чориғининг тумшуғидан нағтаваси чиқиб турган, қўлига таёқ ушлаб олган йигит билан кириб келишади. Чўпон хонага киргач, тўхтаб аъёнларга қарайди. Бир ясовул юр, дегандай уни оддинга итаради. Чўпон унга ўқрайиб қарайди ва ангрийиб, титраб турган талабанинг олдига боради. Бу оради лашкарбоши ва ясовулбоши шоҳга таъзим қилиб жойларини эгаллашади. Талабани келтирган ясовуллар талаба ва чўпонга қўриқчилик қилиш учун уларнинг тенасида турадилар. Чўпонни келтирган ясовуллар чиқиб кетишади. Бир муддат ўзаро пичир-пичир, шовур-шувур бўлади. Ҳамма, шу жумладан Алишер Навоий ҳам айрайиб қолган талаба билан юпун кийинган бўлса-д қаддини ғоз тутиб, тентакка ўхшаб турган чўпонга қорашибади. Шоҳ бошини ёстиқдан кўтаргачгина пичир-пичирлар тинчиди. Шоҳ, Алишер Навоийга бошланг деғандай имо қиласди.

**АЛИШЕР НАВОИЙ.** Эй сахройи, кимсен? Карабекринг недур? Важоҳатингдин чўпонга ўхшаб туурсен

**ЧҮПОН.** Түғри топдингиз, тақсири, мен олампанохимиз сояи давлатинда қўй боқиб, ризқин териб еб юрғон бир чўпонмен. Чўпон таёнин ерга тираб унга суюниб олади. Сўнг ёнидаги талабани бир сидра кўздан кечириб, ганида давом этади.

**ЧҮПОН.** Тақсири, кечиргайсиз, ясовулларингиз менни подшоҳликка керак бўлиб қолдингиз, деб юрчирилаб, шошилтириб олиб келишди. Мен ҳам олдилариға тушнаб, сultonимизнинг хизматини қилиш ҳаммагаям нашиб этавермайди, деб ўйлаб, лўкиллаб келавердим. Ва дик бул бечорани кўриб (*талабага томон ишора қила*) кўнглимға шубҳа оралади. Бул ҳам мендек подшоҳликка керак бўлиб қолғонлардинми? Ўзи биз нечун керак бўлиб қолдик? Подшоҳимиз қандай юмуш бўлса буюкраверсинлар, қўлимиздин келғонча бажаргаймиз.

**ЛАШҚАРБОШИ.** Шунча ёшга кириб ҳалиям эсинг ишрабди-да нодон. Иш буюрадиган бўлсалар, олампанохимизнинг хизматкорлари озму? Сизлар ўзга бир матлибди келтурилғонсизлар. Уч-тўрт кундин буён шоҳаншоҳимиз қаттиқ бетоблар. Табибларнинг айтишича, сизларни қонингиз олампаноҳимиз дардлариға малҳам бўлурмиш. Энди тушунғондурсен, нечун келтурулғонингни?

(*Талаба ҳўнеграб йиғлай бошлиайди*).

**ЧҮПОН.** (*Алишер Навоийга*) Шоҳимизнинг дардларига дармон бўлолсак қани эди, сира армонимиз қолмади. Подшоҳи аълам учун бир жонни эмас, юз жонни нисор этсак-да оз. Вале мен бир нимарсани англанпроқ турибмен, шундай катта мамлакатдин шоҳимиз дардига малҳам бўлодурғон иккимиздин бўлак одам нуқми экан?

**ЛИШЕР НАВОИЙ.** (*Пичинг аралаши*) Чўпон, ана даасторли мўйсафид табибларимизнинг сардори. Эртимиэда бул зотга тенг келодурғон ўткир табиб ҳам, шоҳманнд донишманнд ҳам йўқдур. Ҳамма дардни давоюн ул зотга аёндур. Олампаноҳимиз дардини-да шул шоҳманнд табиб аниқлаб даволаётир. Ул зоти шарифи муборак қаломлариға биноан иккингизни бул ерга келтурунлар. Даволаринғиз бўлса айтиб қолинғиз, ичнигизда кетмасун.

**ЧҮПОН.** Шошманг, тақсири, шошманг. Аввало дононни аҳмоқ кимлигин ажрим қилиб олайлик. Ясовулларинғиздин саҳв ўтғонға ўхшайдур.

**АЛИШЕР НАВОИЙ** (*Пинҷона қувонч, сохта пўни-са билан*). Эй баҳти қаро саҳройи, яратган эгам ақл улашганда қайси бутанинг тагинда ухлаб қолғон эрдинг. Бул ёруғ очунда сендин ўзга аҳмоқ бўлмаса керак? Ақлли деганимиз эса ана у, ёнингда титраб турғон талабадур.

**ЧУПОН.** Тақсир, етти ўлчаб бир кес, деган машоийхлар. Ишонган табибларингизни гапига учиб, олампаноҳимиз эл-юртни қарфишига дучор бўлиб юрмасинлар тағин.

Ҳусайн Бойқаро бу гапдан сўнг бошини ёстиқдан баландроқ кўтаради. Табибий унинг олдига чопиб боради. Шоҳ ўтирмақчи әканлигини имо билан тушунириади. Табибий шоҳ орқасига бе-закли пар болишлардан учтасини чаққонлик билан қўяди. Шоҳ ёстиққа суюниб ўтиради, сўнг чўпон томонга қарайди.

**ҲУСАЙН БОЙҚАРО.** Бу не деганинг, чўпон, бундоқ тушунириброқ сўзла-чи.

**ЧУПОН.** Олампаноҳ, ҳали мадраса тўрт девори-ю, китобдин ўзга нимарсаларни кўрмаган бул муллаваччани донишманд деб бўлмайдур. Боиси, мадраса тала-баларин миясинда жўжахурозни ақличалик ҳам ақл бўлмас. Алар китобда ёзилғон нимарсаларни ўқишу мударрис берғон сабоқни ёдлашдин ўзгасини билмайдурлар. Шундай бўлғоч бу шўрликларни калласинда ақл-дек шариф нимарса не қилсун, олампаноҳ?

(*Тўғри, тўғри, деган овозлар*)

**БУРҲОНИДДИН.** Шоҳим, маъзур тутгайсиз, мен ҳам бул толиби илм тўғрисинда ўз фикримни айтсан. Бечоранинг сахти сумбатина қарангиз, эти устихонина ёпишуб кетубдур. Умринда ёлчитиб овқат емоғонға ўхшайдур. Ақлли одам ўзини бул қадар абгор этиб қўймаса керак.

**ҲУСАЙН БОЙҚАРО.** Гапларингда жон бор, чўпон. Талабани ҳали суюги-да қотмоғон. Аммо ақл ёшда эрмас, бошда деган, нақлни эшитғон чиқарсен. Они бушатиб юборайин десам, менимда жоним ширин. Кошки, ақлли одамни топиш осон бўлса.

**МАЖИДИДДИН.** Олампаноҳ, камина қулингиз назаринда ҳам бул боланинг оғзиңдин ҳали она сутии ҳиди кетмоғон. Маълумингизким бул тенгилар ақлли эрмас, ҳис-ҳаяжону ғўрлик бандалари бўлишадур. Бул шўрлиғ толибнинг ёш жонига раҳм этмак биз улуғлар учун фарздур. Саройимизнинг ўзидин ҳам бекиёс до-

нишмандлар топилғай. Сизнинг табаррук пойингизға тиз чүкиб бола фақирдин саҳоватинғизни аямаслиғингизни ўтиниб сўраймен. Шоҳаншоҳ, бул болага раҳм килинг, бориб китобини ўқийверсин.

(*Тўғри, тўғри, саҳоватинғизни аяманғиз, деган хитоблар*)

ЧУПОН. Мана шул киши жуда доно гап айтдилар, сultonим. Кўринишлари ҳам донолардек, асли мулоғимларингизнинг ўзлари ўйловсизроқ эрканлар. Йўқса, ақлли одам излаб шунча сарсон бўлурми эрдилар? Ўйловсиз бўлмасалар шул болани етаклаб келурми эдилар. Ақлли, донишманд одамлар шундоққина ёнингизда турбидилар-ку, кўрмабдилар-да.

Оlampanoҳ, менинг билишимча, ҳар ишни ўз ақли била қиласурғон кишини донишманд атайдурлар. Шундоқ эркан ўзинғизни бош табибинғиздин ақллироқ зот бўлмаса керак, дунёда. Анави тақсирим ҳам (*Алишер Навоийга томон ишора қиласди*) ул зотни ўткир табиб, донишманд деб мақтадилар. Энди ўзинғиз айтинг, дунёдаги ҳама дард давосин биладурғон табиб ақлли бўлмай, ким ақлли бўлсин. У кишини ўрнинда мен бўлғонимда сиз учун жон-жон, деб жонимни қурбон қилғон бўлар эрдим.

Ҳусайн Бойқаро Алишер Навоийга қарайди. Табибийнинг юз-кўзидан, даҳшатга тушгани акс этади.

АЛИШЕР НАВОИЙ. Olampanoҳ, чўпон ҳақ гапни яйтди. Менимча, муллаваччани озод қилмоқ керак.

БУРҲОНИДДИН. Шеъриятимиз сultonи ҳазрати амиримизнинг бул каломлари айни муддао бўлди. Биз фақирлар амирнинг салоҳиятлариға, ҳар бир лафзни ўз ўрнида қўллашлариға, бир сўз ила айтғонда, донои якто қанлиғлариға мудом қойил қолурмиз. Шул боисдан камида бебокларча ва бош табибдин узроҳлик ила донишмандлиғда мавлоно Табибий ҳазрати амиримиз бирлши бўйлаша олмаслиғин баралла айта олурмен. Алишербекнинг ашъорин нечоғли буюклигин мадҳ этмоқ мухлислариға ҳавола, vale камина амирнинг салоҳиятларин ҳамда мамлакат ободонлиғин ҳомийси эрканликларин айтмасам бўлмас. Албатта, чўпон Алишербекни бундоқ улуғ ишларин билмаслиги табиий.

МАЖИДИДДИН. Olampanoҳ, каминани Алишербекни хусуматинг борму? — дея ёзғирадар эрдинғиз гаҳи. Айни дамдин нафланиб, виждоним пок эрканлиғин айтмоқни лозим кўрдим. Ҳазрати Навоийнинг садоқати-ю, қулу одобиға, мукаррамлиғи-ю, донолиғи бутун Хур-

сон, дағи мулки Ажам тан бермоғин мамнуният била эътироф этурмен. Жаноби Бурҳониддин қайд этғонларидек, бул очунда ҳазрати амир Алишердин ўзга мақоми олий донишманд топилмағай. Алишербек, ҳали ғоят маъқул гапни айтдилар, албатта, муллаваччани озод қилмоқ лозим.

*(Офарин, мавлоно тўғри айтдилар, офарин,  
деган овозлар)*

**ҲУСАЙН БОЙҚАРО.** Бас, бас қилингиз! Мен ўла-  
мен, деб ётибману, сиз ақли кўтоҳларнинг садоқат бо-  
расида лоф ураётганинг қизиқ. Хайф сиздақа ҳол  
сўргувчиларға!

**АЛИШЕР НАВОИЙ.** Шоҳим, бир қошиқ қонимдин  
кечсанғиз, сизнинг кўнглинғизга озор берган бул ҳол  
сабабин шарҳ этсам.

**ҲУСАЙН БОЙҚАРО.** Кечдим, айтингиз!

**АЛИШЕР НАВОИЙ.** Менинг назаримда, донишманд  
киши сизға эрмас, муҳтарам вазирларинғиз Бурҳонид-  
дин ила Мажидиддинға кўпроқ зарурға ўхшайдур. Йўқ-  
са, алар фақир қулинғизни бул қадар эътимод бирлан  
мадҳ этмоғон бўлурдилар.

**ҲУСАЙН БОЙҚАРО.** Дўстим Алишер, эҳтимол гап-  
ларинғизда жон бордур. Ва лекин ҳозир шубҳа-ю гумон-  
нинг ўрни эрмас. Дағи ҳеч бир зот саройда, шоҳнинг  
ҳузуринда ўз бадниятини амалға ошироққа журъат  
этолмағай. Вазият сиздин оғирроқ бўлмоқни талаб эта-  
дур. Худо хайрингизни берсун, Алишер, айтингиз, мул-  
лавачча хусусиндаги фикринғиз қатъийдурму?

**АЛИШЕР НАВОИЙ.** Ҳа, олампаноҳ, қатъий. Мул-  
лаваччани озод қилмоқ лозим.

**ҲУСАЙН БОЙҚАРО.** Модомики, кўпчилик мулла-  
ваччани озод бўлмоғини истар экан, биз уни озод этдик.  
Ясовулбоши, айтингиз, онинг қўлларин бўшатиб, мад-  
расаға элтиб қўйсинлар.

Ясовулбоши таъзим қиласи ва ясовулларга талаба қўлини  
ешишга имо этади. Сўнг талабани олиб ташқарига йўналади.)

**ҲУСАЙН БОЙҚАРО.** Лашкарбоши, муллавачча-  
нинг ўрниға мавлоно Табибийни боғланғиз, биз у ки-  
шиға ўз гапларини амалда исботлашлариға имкон бер-  
дик.

(Лашкарбоши раҳбарлигидаги мулозимлар Табибийни ушлаб боғ-  
ламоқчи бўладилар. У додлаб бақиради, силтапади, бошидаги  
дастори ерга тушибчуваланиб кетади, сўнг уэини шоҳ ўтирган

и қарпсига ташлайди ва Ҳусайн Бойқаронинг оёғини қучоқ-  
лайди.)

**ТАБИБИЙ.** Олампаноҳ, раҳм қилинг, раҳм қилин-  
гиз! Жўжабирдай жонман, болаларим сағир қолмасин!  
Менда ақл йўқ! Мен аҳмоқмен! Мен гумроҳмен! Раҳм  
қилингиз, олампаноҳим, болаларимға раҳм қилинг, бо-  
лаларим...

(Йиғлайди, бошига муштлаб қаттиқроқ, ўкраб  
йиғлайди.)

**ҲУСАЙН БОЙҚАРО.** Мен сизни синамоқ боисин-  
гизни қўлингизни боғлатдирғон эрдим. Сиз эрса ўзингиз-  
ни йўқотиб қўюб, ҳазрати Алишер гумонларини тасдиқ  
отмоқдасиз. Амир пайқағонлариdek, бул ерда аллақан-  
дади фитна борга ўхшайдур. Қани сўзланг!

**ТАБИБИЙ.** Йўқ, йўқ, олампаноҳ, ҳеч қандай фит-  
надин хабарим йўқдир. Мен азбаройи қўрқиб кетга-  
нимдин ўзимни йўқотиб қўйдим. Менга раҳм қилингиз,  
бир умр қулингиз бўлайин. Мен гумроҳлик қилдим,  
олампаноҳ, бир қошиқ қонимдин кечинг.

(Ўпкаси тўлиб яна йиғлаб юборади).

**ҲУСАЙН БОЙҚАРО.** Сен баччағар бу беақл кал-  
нинг билан нуқул бўлмағур нимарсаларни ўйлаб то-  
паркансанда-а? Шоҳнинг олдида фуқаролар ҳам ўзини  
табиблик!

Лашкарбоши, дарҳол буни кўзимдин йўқотинг.

(Мулозимлар Табибийни олиб чиқадилар.)

**ҲУСАЙН БОЙҚАРО.** Эй чўпон, кўрдингми, ўзинг  
нига тайёрмен. Ва лекин бул ерга аҳмоқ деб келти-  
ришимни шарафлайсан. Буларда ақл не қўлсин. Ях-  
ни, ўзинг сўзлайвер, сен менга ёқиб қолдинг.

(Шоҳ аввалги алғозда ётиш учун ҳаракат қиласиди,  
эшик оғаси унга кўмаклашади.)

**ЧУПОН.** Олампаноҳ, мен сиз учун ҳар нимарса бў-  
нига тайёрмен. Ва лекин бул ерга аҳмоқ деб келти-  
ришимни ғалатдур. Мен фақирға ўзимнинг аҳмоқ эмас-  
имни исбот этишға изн берсанғиз?

**ҲУСАЙН БОЙҚАРО.** Сўзла, сўзлайвер, чўпон, қу-  
им сенда.

**ЧУПОН.** Шоҳим, мен йилиға олти қўзи эвазифа  
нил давомида бир бойнинг қўйларини боқдим.

Етти йиллик хизмат ҳақим қирқ икки қўзи бўладир, шундоқми?

АЛИШЕР НАВОИЙ. Шундоқ, тўғри айтдинг, чўпон.

ЧЎПОН. Тақсирим, унда айтинг-чи, ҳисоб-китоби ақли етғон киши қанақасиға аҳмоқ бўлсин? Хат-саводим бўлмасаям ўз ҳақ-ҳисобимға пухтамен. Ӯшал хумса бой сурувни қўлимға топширғондин буён қўзи тугул, бир улоқ ҳам бергани йўқ эди. Кеча ул билан ҳисоб-китоб этиб етти йиллик ҳақимни ундириб олдим. Бугун керак-яроқ нимарсаларни харид қилайин, деб бозорга келаётғон эрдим. Хизмат ҳақимни ундириб олғонимни димоғим чоғ бўлиб, ашулани варанг қўйиб келаётғон нимда, ясовулларинғиз қайдандир пайдо бўлдилару бул ёққа судрашди, тақсири.

АЛИШЕР НАВОИЙ. Баракалла, чўпон, ҳақ гашни айтдинг. Шунча нимарсаға ақли етғонни аҳмоққи чиқарғоннинг ўзи фирт нодонликдур. Ҳўш, энди бир гапни бошладингми, охириға етказ, аҳмоқ одам қанақи бўладур ўзи. Бизға шуни айтиб бер, биз сенинг аҳмоқ эмаслиғингға дағи бир бор инонайлик.

ЧЎПОН. Менимча, дунёда ўғридин аҳмоқ одам бўлмаса керак.

АЛИШЕР НАВОИЙ. Айтғонингдек, ўғрилар бор, ахир, тоғ бўрисиз, эл ўғрисиз ўлмас, деган нақл бекорға эрмас. Аммо ўғриларни аҳмоқ дейишингнинг боне недур?

ЧЎПОН. Они бир қилмиши билинмаса, иккинчи учинчиси барибир билинади. Юзи шувит бўлиб, шармандаси чиқғон ўғри элатға қўшилолмай, бегона юртга кўчиб кетишга мажбур бўлади.

Аммо ўрганган кўнгил ўртанса қўймас деганлардек, қўли эгри қаерга бормасун қилғилиғини қилимиси чиқиб, овозаси етти иқлимға етади. Ҳалол инг бўйни ёр бермай, ўзгалар мулкиға кўз олайтиреув ўғриларни шул боис қип-қизил аҳмоқ деса бўлади.

АЛИШЕР НАВОИЙ. Баракалла, чўпон, отанги раҳмат. (*Шоҳга*) Олампаноҳ, рухсат этсанғиз, бул ақли чўпонни ўз тарбиямға олсам?

ҲУСАЙН БОЙҚАРО. (*Бошини ёстиқдан кўтариб*) Ихтиёринғиз, мавлоно.

АЛИШЕР НАВОИЙ. Марҳаматинғиз учун ҳасано шоҳим (*Эшик оғасига*). Тақсири, ҳозирча бул киши билан ўзингиз шуғуллансанғиз.

Олампаноҳ, ўғриларни тутиб зинданбанд этажакми.

Аммо сизнинг дардинғизға ҳеч қандай одам қони даркор эрмас. Яхши бир терласанғиз, ғуборлар ариб, ишханғиз очиладур. Сүнг сизни меним хос табибим олни игналар ила муолажа қиласадур. Уч-тўрт кунда ҳеч нарса кўрмағондай бўлиб кетурсиз.

**ҲУСАЙН БОЙҚАРО.** Миннатдормен, дўстим Алишер. Кўнглим анча таскин топди. (*Бошқаларга қараб.*) Бизни холи қолдиринғиз.

## ИККИНЧИ ПАРДА

### II КЎРИНИШ

Шаҳи саҳна. Тахтда шоҳ, икки ёнида Алишер Навоий, қози қалон ва вазиру вузаролар ўлтирибди. Эшик оғаси киради.

**ЭШИК ОҒАСИ.** Олампаноҳ, лашкарбоши ҳузуринга кирмоқчи, изн сўрайдур.

**ҲУСАЙН БОЙҚАРО.** Айтинг, кирсин.

Лашкарбоши, унинг ортидан уч ясовул қўллари боғланган Карим бобо билан кириб келишади. Ясовуллар Карим бобони шоҳ қаршисида тиз чўктириб қўйишади.

**ЛАШҚАРБОШИ.** Бул қарияни мавлоно Шаҳобиддин от ўғирлағонлиқда айбламоқдалар. Ўзи эрса гунодизмен, деб оёқ тираб турубдур. Қози қалонимиз бул ишни бир ёқли қилишға ожиздурмиз, олий мақом шоҳга арз қилинғиз дедилар.

**ҚОЗИ ҚАЛОН.** Ҳақ гап, олампаноҳ. Камина мавлоно Шаҳобиддинға шундай дейишға мажбур бўлдим. Деб гумон қилинаётғон бул зотни эрса, лашкарнига тобшуриб эрдим.

**ҲУСАЙН БОЙҚАРО.** Лашкарбоши, зудлик бирлашиб, Шаҳобиддин мудаввинни чақиртириб, ҳузуримға киринғиз.

**АЛИШЕР НАВОИЙ** (*Бобога бир оз тикилиб турғач, чи*). Бул киши ўтинчи Карим бобога ўхшайдур-ку. Иҳмоқлар дағи бир можарони бошлошғон кўрина-ди. Мудаввинни биз шул бободин от сотиб олиб, инъомни аниқлағони дуруст бўлибди-ю, сабабиға ёсати етмабдур-да, аттанг. Бечора ўтинчининг гунодизни сўраб олмоқ лозим. Аммо қандоқ? Бул ишға им уннай десам, шоҳ йўқ демоги турғон гап. Нечукунни кечаке ўғри деб ушлаб келтуришғон икки бенодиши аранг ўлимдин олиб қолғон эрдим. Яххиси,

Сотиболдининг олдиға борурмен. Олампаноҳ, каминаға бир фурсатға изн берсанғиз. Зарур юмуш чиқиб қолди. Дарҳол қайтамен.

ҲУСАЙН БОЙҚАРО. Модомики, зарур әркан, не ҳам дердук, майлингиз, Алишер.

(Алишер Навоий «миннатдормен», деб чиқади.)

ҲУСАЙН БОЙҚАРО (*Карим бобога*). Менинг салтанатимда ўғирлик қилғоннинг ҳоли не кечишин билурмисен, эй чол?

ҚАРИМ БОБО. Албатта билурмен, олампаноҳ. Бозорға ўтинимни пуллаш учун борғонмен.

ҲУСАЙН БОЙҚАРО. Үнда от бозорда не қилиб юргондинг?

ҚАРИМ БОБО. Отбозорга қадамимни ҳам босғоним йўқ. Мавлоно Шаҳобиддин мени бозорнинг улли дарвозаси олдида кўрди, кўрди-ю, ҳеч гапдан ҳеч гап йўқ қозига етаклади. Бор ғапдин қозихонада хабар топдим. Эмишки, мен ўз отимни етти йил бурун ўғирлаб, яшириб мен ва они сотиб бозордин чиқаётғон эмишмен.

ҲУСАЙН БОЙҚАРО. Мавлоно Шаҳобиддин, бул чолни от сотаётғонда ўз қўлинғиз билан ушлағонмисиз?

ШАҲОБИДДИН. Йўқ, олампаноҳ! Ўз қўлим бирлан ушлолмадим. Аммо етти йил бурун ўғирлатған отимни ўшал бозорда кўрғоним рост. Отимни кўрдиму ичимға ўт тушди. Ўз ёғимға ўзим қоврилиб бораётғон эрдим, Қарим бобоға кўзим тушди-ю, бирдан ҳамма гапни англадим ва чолни қозихонаға етакладим.

ҲУСАЙН БОЙҚАРО. Ҳеч қандай далилсиз, бирони ўғриға чиқармоқ сизға ғалат туюлмайдурму, мавлоно?

ШАҲОБИДДИН. Даилим бор, олампаноҳ. Бу етти йил бурун отимни ўғирлатғач, суриштириб билсам, отнинг асл эгаси шул киши әрканлар. Кейин мен бул кишининг турмушини ҳар-ҳар замонда кузатиб турдим. Етти йилда ўғил уйлантирдилар, ўғиллариға уй-жой қилиб бердилар, ўз уйларини яхшилаб таъмир қилиб олдилар, невара тўй қилдилар, сигир олдилар, буларнинг устиға каттагина боғлари ҳам бор. Олампаноҳ, ёлғиз ўтинчилик бирлан бунча нарсаға эришиб бўлмайдур.

ҲУСАЙН БОЙҚАРО. Эй ўтинчи, мавлононинг айтғонлари ростмидур?

ҚАРИМ БОБО. Рост, олампаноҳ, фақат мен бўни марсаларни бир қисмини ҳалол меҳнатимдин топғонмен. Бунда ўғлимнинг меҳнати ила боғимизнинг даромади

Ҳам бордур. Дағи саховат мулкининг соҳиби Амир Алишер ҳам мен бечораға бир неча бор иноят қилғонлар. Худо шоҳид.

ҲУСАЙН БОЙҚАРО. Эшитдинғизми, мавлоно? Мавлоно гапинғизни далиллай олмасанғиз, тұхматчи сифаттыңда жазо олурсиз.

ШАҲОБИДДИН. Бул үғрилар пинакларин бузмай ғлғон айтиб үрганиб қолғонлар, дағи бир далил, камидан они үғри деб ушлоғонимдин ранги бездек оқариб, ыңға титроқ тушғонди. Бунга қози калон гувоҳлар. Тұгри бұлса нечун титроққа тушсин?

(Ҳусайн Бойқаро қозига қарайди).

ҚОЗИ. Мудаввин рост гапирди, олампаноҳ.

ҲУСАЙН БОЙҚАРО. Энди не дейсен, эй чол?! Менниңгі салтанатимда үғриларға шафқат йўқ.

ҚАРИМ БОБО. Мен үғри ҳам, гуноҳкор ҳам эмасмен, олампаноҳ. Мавлоно Шаҳобиддинни мол аччиғи ҳиқиқат оламидин түсиб турибдур. Адолат бирлан ҳукм этишингизға илтижо қиласмен, олампаноҳ. Токи, ҳақиқий дунёга үғри номи бирла бадарға этилмайин.

ҲУСАЙН БОЙҚАРО. Олий нафас зотлар хусусинде сўзлағонда тилга кўпрак эътибор лозим. Афсус, ҳоғарча ҳеч нимарса ойдин эрмас. Токим бир қарорға келгүнимизча сени зинданда сақлаб туурмиз. (Уч бор чапак chaladi.)

(Хонага зинданбон киради.)

ЗИНДОНБОН. Лаббай, шоҳим!

ҲУСАЙН БОЙҚАРО. Буни олиб чиқиб, зинданбанд  
йт! (Зинданбон Карим бобо томон юради. Худди шу пайт Алишер Навоий икки сарбоз билан қўли боғланган Сотиболдини хонага олиб киради).

ҲУСАЙН БОЙҚАРО (Бир муддат Сотиболдига тилишиб ўз боғининг қоровулини танийди, сўнг).

АЛИШЕР НАВОИЙ (Сал кулимсираб.) Боғингиз қоровулини, олампаноҳ.

ҲУСАЙН БОЙҚАРО. Унда нега бул кишини қўлдарни боғлиқ.

АЛИШЕР НАВОИЙ. Мавлоно Шаҳобиддиннинг отини шу киши ўғирлағонлар.

ҲУСАЙН БОЙҚАРО. Бизни аъёнлар ҳузуринда изза килемоқчимисиз, Алишер. Наҳотки, подшоҳлик боғининг қоровули ўғирлик қилишга муҳтож бўлса.

АЛИШЕР НАВОИЙ. Маъзур тутинг, олампаноҳ.

Сизни изза қилиш фақирнинг хаёлига ҳам келған эрмас ва, иншооллоҳ, келмайдур ҳам. Ёлғиз ҳақиқатни ойдинлаштиromoқ учун Сотиболди акадин күмак сўрашни вазият талаб этди.

**ҲУСАЙН БОЙҚАРО.** Очиқроқ сўзланг, Алишер. Ҳеч нарса англамайдурмен.

**АЛИШЕР НАВОИЙ.** Сотиболди акага мавлоно Шаҳобиддин отини ўғирлашни мен буюриб эдим. Яхшиси, бул воқеани ўзлари сўзлаб берсунлар.

**ҲУСАЙН БОЙҚАРО.** Қани, Сотиболди, ўзингиз сўзланг-чи.

**СОТИБОЛДИ.** Буғдин етти йил бурун саховат хазинасининг соҳиби ҳазрати амиримиз Алишербек мавлоно Шаҳобиддинга марҳамат юзасидин юз тангага арзирли бир от инъом қилмоқчи бўлдилар ва бирор пулга муҳтоҷ одамдин от сотиб олиб келишни менга топшурдилар. Фақир ўтинчи Карим бобонинг қўли қисқалик важидин отини сотмоқчи ниятида эрканлигини эшитдим ва дарҳол бориб отни юз тангаға олиб келдим. Ҳазрат отнинг бўю важхини кўриб кўп хурсанд бўлдилар ва уни ўшал куниёқ инъом қилиб юбордилар. Бу илтифотдин фоят мутаассир бўлғон мавлоно ўзини олий ҳазрат Алишернинг хос кишилари қаторинда ҳисоблаб, хизмат ва мулоzиматни ҳаддин ошириб юбордилар. Яъниким, ҳар қачон отга миниб бирор жойға борилса, ул киши ҳам хизматда бўлар, қайтиб келинғонда эшикдин бир нафас нари жилмас эрдилар. Бул ҳол лутғила карамни танглиққа кетурди. Аммо амиримизнинг олий хулқи анинг дилини оғритишга ва очиқдин-очиқ ўз хизматидин қайтаришга йўл бермас эди. Шул боис амир каминаға отни қандоқ топган бўлсан, ўшандоқ «зарифлик» или «ўғирлаб» бирорта муҳтоҷ кимсаға сотиб юборишимни буюрдилар. Мен отни ўғирлаб, эллик тангаға пулладим ва пулни амиримизға келтириб бердим. Мавлоно Шаҳобиддин отни кўп қидирдилар, аммо тополмай амир ҳузурига югурдилар ва ўз кайфиятларидин арз қилдилар. Ўшанда амир ҳузурларинда камина ҳам бор эрди. Ҳазрат ул амир зотға, биз отингиз хунини берурмиз, фақат шул шарт биланки, бундин сўнг от сақламайсиз, дедилар. Мавлоно Шаҳобиддин кўнган эрдилар, амир юз танга санаб бердилар. Боргап шу, олампаноҳ. Афтидан мавлоно Шаҳобиддин етти йил бурунғи бул воқеани унутғон кўринадур ёки амиримизнинг «от сақламайсиз» иборасини чуқур англамағон.

**ҲУСАЙН БОЙҚАРО.** Оббо от ўғрилари-ей! Оббо от ўғрилари-ей! (аввал секин, сўнг ёйилиб кулади. Ҳамма унга қўшилиб кула бошлайди. Кулги бир муддат давом этади. Шоҳ кула-кула). Лашкарбоши, ўғририинг қўлларини ечингиз. Хазиначи, учта зарбоф тўн колтиринг.

(Хазиначи чиқиб кетади ва учта зарбоф тўн билан кириб келади.)

Қози калон, сиз Карим бобоға, Эшик оғаси сиз Сотиболдиға тўн кийдиринг. Бир тўнни менға берингиз (Хазиначи унга бир тўн беради.) Мен ўз қўлларим билди дўстим Алишерга тўн кийдурмоқчимен. Дўстим, Алишер, яқинроқ келингиз. Созчилар куй чалингиз, куй, шир яйрашайлук (шўх мусиқа янграйди. Ҳамма шодиуррам. Шаҳобиддин ҳеч кимга билдиrmай хонани тарқтади.)

### Парда

## УЧИНЧИ ПАРДА

### III КЎРИНИШ

(Оридан уч ой ўтган. Қишлоғи Навоийнинг ижодхонаси. Ҳамма дид билан безатилган. Қибла томондаги деворга Қуръондан шир сура битилган ипак мато осиглиқ. Деворда бошқа жиҳозлар бўйича. Токчаларда турли китоблар тахланган. Ўртадаги хонтахта иди қоғозлар, сиёҳдон. Алишер Навоийнинг қўлида хома. Ижодхонаси. Арабий имлода икки байт шеър битилган. Бир муддат шир сунг яна бир муддат ўйланиб тез-тез икки байт ёзади, қандай шир тузатишлар қиласи. Кейин ҳамма ёзган байтларни қўлидан хомани қўймай оҳанг билан ўқийди).

Бу кун аҳли жаҳондин хаста хотирмен  
жаҳондин ҳам,

Демон аҳли жаҳон бирла жаҳон, биллаҳки,  
жондин ҳам.

Мен жону жаҳондин ҳажр вақтиким  
маълул эткай,

Ватан ё мулкдин худким десун бал  
хонумондин ҳам.

Кўнгулдин жонга етдим, эй ўлум, неткай  
халос этсанг,

Сизни изза қилиш фақирнинг хаёлига ҳам келған эрмасва, иншооллоҳ, келмайдур ҳам. Ёлғиз ҳақиқатни ойдинлаштиromoқ учун Сотиболди акадин күмак сўраши вазият талаб этди.

**ҲУСАЙН БОЙҚАРО.** Очиқроқ сўзланг, Алишер. Ҳеч нарса англамайдурмен.

**АЛИШЕР НАВОИЙ.** Сотиболди акага мавлоно Шаҳобиддин отини ўғирлашни мен буюриб эдим. Яхиси, бул воқеани ўзлари сўзлаб берсунлар.

**ҲУСАЙН БОЙҚАРО.** Қани, Сотиболди, ўзингиз сўзланг-чи.

**СОТИБОЛДИ.** Бўндин етти йил бурун саховат хазинасининг соҳиби ҳазрати амиримиз Алишербек мавлоно Шаҳобиддинга марҳамат юзасидин юз тангага арзирли бир от инъом қилмоқчи бўлдилар ва бирор пулга муҳтоҷ одамдин от сотиб олиб келишни меңга топшурдилар. Фақир ўтинчи Карим бобонинг қўли қисқалик важидин отини сотмоқчи ниятида эрканлигини эшигдим ва дарҳол бориб отни юз тангаға олиб келдим. Ҳазрат отнинг бўю важҳини кўриб кўп хурсанд бўлдилар ва уни ўшал куниёқ инъом қилиб юбордилар. Бу илтифотдин ғоят мутаассир бўлғон мавлоно ўзини олий ҳазрат Алишернинг хос кишилари қаторинда ҳисоблаб, хизмат ва мулоzиматни ҳаддин ошириб юбордилар. Яъниким, ҳар қачон отга миниб бирор жойға борилса, ул киши ҳам хизматда бўлар, қайтиб келинғонда эшигдин бир нафас нари жилмас эрдилар. Бул ҳол лутғила карамни танглиққа кетурди. Аммо амиримизни олий хулқи аниг дилини оғритишга ва очикдин-очиқ ўз хизматидин қайтаришга йўл бермас эди. Шул боис амир каминаға отни қандоқ топган бўлсан, ўшандоқ «зарифлиқ» илиа «ўғирлаб» бирорта муҳтоҷ кимсага сотиб юборишимни буюрдилар. Мен отни ўғирлаб, эллик тангаға пулладим ва пулни амиримизға келтириб бердим. Мавлоно Шаҳобиддин отни кўп қидирдилар, аммо тополмай амир ҳузурига югурдилар ва ўз кайфиятларидин арз қилдилар. Ўшанда амир ҳузурларишида камина ҳам бор эрди. Ҳазрат ул амир зотға, биз отингиз хунини берурмиз, фақат шул шарт биланки, бундии сўнг от сақламайсиз, дедилар. Мавлоно Шаҳобиддин кўнган эрдилар, амир юз танга санаб бердилар. Боргап шу, олампаноҳ. Афтидан мавлоно Шаҳобиддин етти йил бурунғи бул воқеани унутғон кўринадур ёки амиримизнинг «от сақламайсиз» иборасини чуқур англамағон.

**ХУСАЙН БОЙҚАРО.** Оббо от ўғрилари-ей! Оббо от ўғрилари-ей! (аввал секин, сұнг ёйилиб кулади. Ҳамма уңға құшилиб кула бошлайди. Кулғи бир муддат давом этади. Шоҳ күла-кули). Лашқарбоши, ўғриларининг құлларини ечингиз. Хазиначи, учта зарбоф түн көлтириңг.

(*Хазиначи чиқиб кетади ва учта зарбоф түн билан кириб келади.)*

Қози калон, сиз Карим бобоға, Эшик оғаси сиз Сотболдиға түн кийдириңг. Бир түнни менға берингиз (*Хазиначи уңға бир түн беради.*) Мен үз құлларим били дүстим Алишерга түн кийдурмоқчимен. Дүстим, Алишер, яқинроқ келингиз. Созчилар күй чалингиз, күй, яйрашайлук (*шұх мусиқа янграйди. Ҳамма шодурам.* Шаҳобиддин ҳеч кимга билди्रмай хонани тарк тади.)

### Парда

## УЧИНЧИ ПАРДА

### ІІ КҮРИНИШ

(Оңдан уч ой үтган. Қишлоғи Навоийнинг ижодхонаси. Қона дид билан безатилған. Қибла томондаги деворға Қуръондан суралған битилған ипак мато осиглиқ. Деворда бопқа жиҳозлар үшін. Токталарда турлы китоблар тахланған. Үртадаги хонтахта күнделік қоғозлар, сиёхдон. Алишер Навоийнинг құлида хома. Ижодхонасында. Арабий имлода иккі байт шеър битилған. Бир муддат анықтап, яна бир байт ёзади ва бу байтни овозсиз, ичида үқий. Сұнг яна бир муддат ўйланиб тез-тез иккі байт ёзади, қандай түзатышлар қиласы. Кейин ҳамма ёзған байтларни құлидан хомани құймай оқаңг билан үқийди).

Бу кун аҳли жаҳондин хаста хотирмен  
жаҳондин ҳам,

Демон аҳли жаҳон бирла жаҳон, биллаҳки,  
жондин ҳам.

Мен жону жаҳондин ҳажр вақтиким  
маълүл эткай,

Ватан ё мулкдин худким десун бал  
хонумондин ҳам.

Кўнгулдин жонға етдим, эй үлум, неткай  
халос этсанг,

Мени ул телбадин, ул телбани мей  
нотавондин ҳам.

(Бу ерда озроқ тұхтаб, шу байтни қайтадан үқийди,  
сүңг үлім сүзини тағига чизиб ҳошияга ажал, деб ёзиб  
құяди ва үқишни шу байтдан давом эттиради.)

Не айрилмоқ дуурким, ёр то айрилди  
айрилмиш.

Күнглум мендин, фифон күнглимину үтлар  
фифондин ҳам.

Менга жононсиз үлмоқ яхшироқ, эй хизр,  
юз қатла,

Кетурсанғ мужда үлмоқ бирла умри  
жовидондин ҳам...

(Үйланади. Сүңг құлидан хомани сиёҳдон ёнига қўйиб,  
дераза ёнига боради ва ташқарига тикилиб қолади.

Хонага Алишер Навоийнинг хизматчиси киради).

ХИЗМАТЧИ. Олий ҳазрат, Раҳмонберди ҳузурингизга рухсат сұрайдур!

АЛИШЕР НАВОИЙ (Тезда хонтахтага яқин келиб,  
қоғоз, сиёҳдон ва хомани йиғиштириб четроққа құяди).

Айтинг, кирсинлар!

(Хизматчи чиқади. Алишер Навоий хонтахта устидаги нарсаларни  
олиб бүш токчага құяди. Хонага чүпон — Раҳмонберди киради.  
У таниб бұлмас даражада ўзгариб кетган. Соқол, мүйловлари қалта  
қилиб күзалған. Эгнида одми, аммо үзиге чунон ярашғап  
яктак.)

РАҲМОНБЕРДИ. Ассалому алайкум, устоз, (Худди  
саройга хос кишилар каби тавозеъ билан күришади)  
йүқлатған экансиз.

АЛИШЕР НАВОИЙ. Ваалайкум, келинг, иним. (Алишер  
Навоий үрнидан туриб Раҳмонберди билан құл  
бериб күришади. Сүңг тұрга имо қиласади.) Үтиинг,  
Раҳмонберди.

РАҲМОНБЕРДИ. Миннатдормен, устоз. Илтимос,  
овора бўлманг. (Тұрга үтмай пойгоҳда үтиради. Алишер  
Навоий ҳам ўз жойига үтиради.) Омин, оллоҳу акбар  
(Фотиҳа қилишади).

АЛИШЕР НАВОИЙ. Болалар, рўзғор тинчми? Сарой  
ҳаёти бадингизга урмадими, ишқилиб? Муаллим-  
ларингиз ранжитишимаяптими?

РАҲМОНБЕРДИ. Худога шукур, устоз. Сизнинг тарбиянгизни олаётганимдин буён рўзғор ҳақинда ташвиш-

Ланмай қўйдим. Ҳамма нарса муҳайё, бунинг учун сиздин умрбод миннатдор бўлиб юурмиз, худо умрингизни узоқ қилсин. Бева-бечоралар, фақирлар баҳтига доим омон бўлинг. Кўнгул тоҳ-тоҳ кенгликларни қўмсаб қоладур, аммо унда илм олишга тийиқсиз бир иштиёқ ҳам уйғонган. Иншооллоҳ, юзингизни ерга қаратмаймен, устоз.

**АЛИШЕР НАВОИЙ.** Баракалла, иним, биз учун муҳими ана шу иштиёқнинг борлиги, уйғоқлиги. Қандоқ кўмак лозим бўлса тортинасадан айта беринг. Совуқ қийнаб қўймаяптими?

**РАҲМОНБЕРДИ.** Кўнглингиз тўқ бўлсин, устоз. Ҳамма нарсамиз муҳайё. Сизнинг карамингиз туфайли набираларингизда ҳам китобга меҳр уйғонган. Гар марҳамат қилсангиз, ўзимни кўпдин қийнаб юрган нарсани айтсам. Ҳар гал сизни кўрсам, албатта айтамен, дер эдиму, аммо журъат этолмасдим. Бу гал ҳам сизни йўқлаётганингизни эшитганим заҳот шу гап хаёлимдан ўтди. Ҳузурингизга жўнар эканман, кўчага чиқиб, совуқ авжга минганини ва сизга айтмоқчи бўлганим зотнинг шундай изғиринда ҳам ишлаб ўтироғонин кўргач, бугун ҳазратимға бул зот ҳақинда гапириб берурмен, деб аҳд қилдим.

**АЛИШЕР НАВОИЙ.** Қани, қани, сўзланг-чи, ким экан у баҳти қаро?

**РАҲМОНБЕРДИ.** Устоз, яхши эсласангиз керак, бизнинг гузарда бир косиблик дўкончаси бор. Мен сизга айтмоқчи бўлган зот ана шу дўконча соҳиби. У киши жуда меҳнаткаш, тиним билмай ишлайди. Кўчиб келганимга уч ой бўлиб қолди-ю, бул зотнинг ҳали дам олонин кўрмаганмен. Бугун, шундай қора совуқда ҳам ул зот дўконини очиб ўлтирибди.

**АЛИШЕР НАВОИЙ.** Болалари бормикин?

**РАҲМОНБЕРДИ.** Эшитишимга қараганда, бир қиз, уч ўғли бор эрмиш.

**АЛИШЕР НАВОИЙ.** Ул зот қекса кишими?

**РАҲМОНБЕРДИ.** Ҳа, устоз, анча кексайиб қолгандар.

**АЛИШЕР НАВОИЙ.** Ташвишларингиз ўринли, Раҳмонберди. Чин инсон шундай бўлмоғи лозим. Аммо биз кўмак бермакчи бўлсагу ул зот қабул қилмасалар, не бўлур? Кўмак берамиз деб ул зотни ранжитиб қўймасми эрканмиз? Нечунким, бундай зотлар жуда ҳалол бўлурлар. Ўзгалар ёрдамиға кўз тикмайдурлар ва ҳеч

ерда ҳеч гапсиз ёрдам бермакчи булсангиз үзларига оғир олурлар.

**РАҲМОНБЕРДИ.** Устоз, ул зот ҳақиқатан ҳалол, үзлари косиб бўлсаларида, пойабзалини қадриға етмоғон кишиларға танбеҳ беродиғонлардин. Ишниям жуда сифатли бажаради.

**АЛИШЕР НАВОИЙ.** Мени ул зотни тақдиридин огоҳ этғонингиз боңс раҳмат, дўстим. Худо хоҳласа бир йўл ўйлаб топурмиз. Эмди ўз ҳақнингизда сўзлангиз. Қай бир соҳаға рағбатингиз борлиғин сезмакдасиз. Таворихами, инжа санъат ёинки илоҳиётғами, балки воқеанавислик сизни үзиға тортаётғондир?

**РАҲМОНБЕРДИ.** Йўқ, устоз, бул саволлар кўнглиминдин неча бора ўтғониға қарамасдин, бирор бир соҳани танлолмай турибмен. Сиз айтғон соҳалар одами бўлмоқлик учун эрса ёшим ўтғон кўринадур. Гар шул матлабда йўқлотғон эрсангиз, дағи бир-икки ой муҳлат берингиз. Нечунким, ўзимда нимарсагадир рағбат ўғониб келоётғонин сезмакдаману, vale бул ҳақда гапиришга ҳали эртаракмикин деган истиҳоладамен, устоз.

**АЛИШЕР НАВОИЙ.** Баракалло, Раҳмонберди. Сизни ҳар кўрғонда, айниқса, лутфингизни эшитғоч, меҳрим ўн чандон ошадир. Мен муаллимингиз ила суҳбатлашғонда, ул зот сизни хатни ихлос бирла битишинғизни сўзлаб қолдилар. Ул зотнинг гаплариға қарағонда ҳуснихатда рағбатингиз кўринаётғон эрмиш. Үзингиз не деюрсиз?

**РАҲМОНБЕРДИ.** Муаллимимдин миннатдормен. Тўғри пайқабдурлар.

**АЛИШЕР НАВОИЙ.** Ҳа, мана эмди асосий сўзға келдик. Сизни йўқлатмоқдин мурод ҳам шул эрди. Хўп десангиз, ҳуснихатдин олаётғон сабоқларингизни кўпайтирасак, яхши хаттотларимиздин бир-иккиси сизға устозлик этсалар.

**РАҲМОНБЕРДИ.** Раҳмат, устоз. Фақир бажони дил розимен. Рухсат этсангиз, эмди қайтсам. Шундоқ ҳам нодонлик қилиб кўп вақтингизни ўғирладим.

**АЛИШЕР НАВОИЙ.** (Жилмайиб) Сиз яхши ўғрисиз, Раҳмонберди. Қани ҳамма ўғрилар сизға ўхшаса. Меҳмонхонаға ўтиб бир пиёла ҳинд чой ичурмиз. Қани, юрингиз.

*(Иккиси туриб ижодхонадан чиқа бошлидилар, саҳна қоронғилашади.)*

## ТУРТИНЧИ ПАРДА

### IV КҮРИНИШ

(Саройдаги таҳт турған хона. Ҳусайн Бойқаро таҳтда хушнуд кайфиятда ўтирибди. Хонага Алишер Навоий киради. Ҳусайн Бойқаро таҳтдан тушиб Алишер Навоийга пешвоз чиқади.  
Куришадилар.)

**ҲУСАЙН БОЙҚАРО.** Марҳабо, Алишер! Хуш келдингиз. Ҳозиргина сизни эслаб ўлтироғондим. Йўқлататуриб, бул совуқда ранж чекмасмикан деғон ўйға борғон эрдим.

**АЛИШЕР НАВОИЙ.** Оллоҳнинг карами кенг, Олампеноҳ. Бир янги ғазални тугатиб, ўйға чўмиб ўлтироғон эрдим, бирдан Оллоҳ сизни кўнглимға солди. Бул бежиз эрмас, деғон ўй ила йўқлаб кела бердим.

**ҲУСАЙН БОЙҚАРО.** Раҳмат, дўстим, раҳмат! Ташрифингиздин бошим осмонға етди. Сиздек улуғ дўстим борлиги учун ҳам ўзимни бошқа кўлгина подшоҳлардин баҳтироқ ҳис этамен.

**АЛИШЕР НАВОИЙ.** Олампеноҳ, сиз кишини шундай мадҳ этасизки, бир йўла еттинчи осмонға чиқариб қўясиз. Ва кишини қанча юқорилатғанингиз сори ўзингиз-да шунча ҳузурлана борасиз. Афсуски, мен сизни бундай ҳузур-ҳаловатдин маҳрум этиб, ёниғизда ўлтироқчимен. (*Жилмаяди.*)

**ҲУСАЙН БОЙҚАРО.** (*Кулади.*) Эҳ, Алишер, руҳим айни дамда қанчалик енгиллиғин, кайфиятим кўтаринкилиғин билсангиз эрди. Минг афсус, минг афсус бундоқ лаҳзалар онда-сонда бир ташриф этғай. Бул лаҳзаларда ҳамма ишларинг ўз-ўзидин ўнгидин келаверади. Гўё қачондир ранжитиб қўйған шодлик энди сени хушнуд этмоқ учун бутун сипоҳини сафарбар этаётғондай. Ўзингиз айтинг, янги бир ғазал битиб, теримга сифмай ўлтироғонимда, ташрифингиз мени еттинчи осмонга чиқариб қўйғон бўлса нетай, дўстим.

**АЛИШЕР НАВОИЙ.** Демак, мени ўшал муборак ердин туриб, чорлаётган эркансизд-да. Мен гумроҳни маъзур тутинг-у, энди ўшал ерга чиқиб олишимга кўмак берингиз. Шак-шубҳасизки, бу йўлда янги ғазалингиз қанот бўлғуси.

**ҲУСАЙН БОЙҚАРО.** Раҳмат, Алишер! Ҳеч ким мени сизчалик тушуна олмайди. Сиз кўнглимнинг энг ичкарисидаги хоҳишларни ҳам осонлик ила илғайсиз...

(Бир оз ўйланиб, ёддан ўқий бошлайди)

Зулфи ичра гул, гул ичра лаъл хандондур ниҳон,  
Тунда меҳру меҳр аро сарчашмаи жондур ниҳон.

Тийра кўнглум ичра жонпарвар лабинг пинҳонлиғи,  
Зулмат ичра ул сифатким оби ҳайвондур ниҳон.

Фунча ичра ўйлаким ҳарён ниҳон бўлғай тикон,  
Ҳажр ўқидин кўнглум ичра онча пайкондур ниҳон.

Аҳли дин ичра, мусулмонлар, нетиб пайдо бўлай,  
Ким бузуқ кўнглум аро бир номусулмондур ниҳон.

Сурма, сўзий бирла афғонинг қаён пинҳон эрур?  
Жоним ичра сўзий, кўнглум ичра афғондур ниҳон.

Давр аёғин, соқиё, бир дам иликдин солмаким,  
Кўнглум ичра бир неча андуху даврондур ниҳон.

Гар Ҳусайн, ийдгоҳда оҳ чекти, шукрким,  
Файридин дуд ичра ул хур shedi рахшондур ниҳон.

**АЛИШЕР НАВОИЙ.** Офарин! Офарин мавлоно!—  
Жуда нафис, гўзал айтибсиз. Айтганинғиздек бундай рух  
енгиллиғи, кайфият кўтаринкилиғи ҳам, ўқиганинғиз  
янглиғ дилрабо, умри узоқ ғазал ҳам онда-сонда бир  
туғиладир. Аммо алар асрларга татигуликдур. Келажак  
авлод ана шундоқ ғазаллар ва лаҳзалар боис, бизни  
миннатдорлик ила эслагусидур. Ғазалларимиз, хусусан,  
сизнинг ғазалларингиз ҳам, мавлоно, улар билан ҳам-  
нафас бўлиб, халқни фаровон яшашға, шеъриятдек ило-  
ҳий неъматдин баҳраманд булишға ундаяжак.

**ҲУСАЙН БОЙКАРО.** Ҳали бир ғазал битдим деғон-  
дай бўлдинғиз. Меним ўзингизға садоқатли мухлис эр-  
канимни яхши билурсиз. Дағи янги, тингланмағон ға-  
зал оҳанрабоси-ю, руҳнинг анга чанқоқлиғи кишини  
интиҳосиз қатъийлиқға ундейдир. Бундоқ қатъийлиқға  
банданинг узоқ фурсат чидаш бермоғи душвор.

**АЛИШЕР НАВОИЙ.** Авлиёларга хос гап айтдинғиз,  
Султоним. Сиз менинг кўп асарларимни илк эшитғучи  
бўлғонсиз. Камина бисёр илтифот ва иноятларинғизға  
мушарраф бўлғонмен. Асаримга берган баҳойинғизни  
эшитмоқ учун менда ҳам ғазал ўқишга қаттиқ чанқоқ-  
лик найдо бўладур. Бул ғазални беш байтин тунов кун  
битғондим. Сўнги байтларин ҳузурингизга көлиш олди-

дин битдим. Қалам уриш лозим ўринлар чиқса, албатта айтинг, Хусайн.

(Газални ёддан қироат қиласы)

Букун ахли жаҳондин хаста хотирмен,  
жаҳондин ҳам,  
Демон ахли жаҳон бирла жаҳон, биллаҳки,  
жондин ҳам.  
Мени жону жаҳондин ҳажр вақтиким  
маълул эткай,  
Ватан ё мулкдин худким десун, бал  
хонумондин ҳам.  
Күнгилдин жонға етдим, эй ажал неткай  
халос этсанг,  
Мени ул телбадин, ул телбани мен  
нотавондин ҳам.  
Не айрилмоқ дурурким, ёр то айрилди,  
айрилмиш.  
Күнгүл мендин, фифон күнглимдину ўтлар  
фифондин ҳам.  
Менга жононсиз ўлмоқ яхшироқ, эй Хизр,  
юз қатла,  
Кетурсанг мужда ўлмоқ бирла умри  
жовидондин ҳам.  
Нафас қатъ ўлди ул юз фурқатидин,  
кузгу келтурманг,  
Ки, мен эмди қутулдим ибтилосиз  
имтиҳондин ҳам.  
Емон яхшига күп зулм этмагилким, гар  
берур даврон,  
Қутулғинг, кимки андин яхшироқ йўқ, мен  
ёмондин ҳам.  
Итига туъма, дарбониға бўлсуну.  
муттако ўлсам,  
Таним ул кўйдин олманг, бошим ул  
остондин ҳам.  
Фақиҳу — Каъба, ринду — майдака, хушдур  
Навоийким,  
Сенинг ёдинг била мундин эрур озоду  
андин ҳам.

(Шеър тугагач, ҳар иккиси ҳам бир дам сукут  
сақлашаади.)

ХУСАЙН БОЙҚАРО. Дўстим, бир гап айтсан, ҳолимга кулмайсиздирму?

**АЛИШЕР НАВОИЙ.** Мени бунчалик ўзинғизға ёвук олиб сұзлашни истаётғон эркансыз, фақат шул ишончға сазовор бұлмоққа саъй қылурменда, мавлоно.

**ХУСАЙН БОЙҚАРО.** Алишер, баъзан күнглумни шоҳликни ташлаб, дарвишлар этакидин тутиш истаги ўз измиға оладур. Фақир ул зотларға неча бора ҳавас қылғонмен. Газалингиз ўшал илоҳдан иноят этилғон ранжлиқ ҳавасларни тирилтди.

**АЛИШЕР НАВОИЙ.** Мавлоно, бул ҳавас сиздаги руҳнинг мақоми олийлиғидин. Сиз подшоҳлиққа әмас, подшоҳлиқ сизга муҳтоҗ әрконлиғин англоғон аслозадалардинсиз. Тақдирга шукр демоқдин ўзга илож йўқ бул ўринда.

**ХУСАЙН БОЙҚАРО.** Эҳ, Алишер, ғазалингизда айтғонингиздек, гаҳи ўзимни ғоят нотавон сезамен. Жанг жадаллар, можаролар имтиҳонидин ўтолмаган заифу ҳақир сезамен.

**АЛИШЕР НАВОИЙ.** Бул тадриж, дўстим! Бул улуғлиқ ила дийдорлашув! Мен сиздин бундоқ гапларни әшиتاётганимдин, сиздек инжа қалбли дўстим, суянчим борлигидин кўксимда бениҳоя фахр туймоқдамен. Мен турк мамлакати тарихинда, йўқ, йўқ, бутун курраи замин тарихинда абадул-абад из қолдирган лаҳзаларнинг шоҳиди бўлғонимдин шодмен. Боя айтғонимдек, келажак авлод ана шундёқ лаҳзалар боис, бизни миннатдорлик ила эслагусидур. Ўйларимизу ғазалларимиз, хусусан, сизнинг ўйларингизу ғазалларингиз ҳам, мавлоно, алар бирла ҳамнафас бўлиб халқимизни фаровон яшашга, шеъриятдек илоҳий неъматдан баҳраманд булишга ундаяжак.

**ХУСАЙН БОЙҚАРО.** Айтганингиз келсин, Алишер! Халққа нафи тегмаса, халқ эсламаса шодлик ҳам, тожу тахту сармоя ҳам беқадр, унутилишга маҳкумдир. Айни дамда Расулуллоҳ алайҳи васалламнинг бир улуғ каломи ёдимға тушти. Ул зоти шариф айтмишларки, «Қачон тангри бирор подшоҳга яхшиликни хоҳласа, унга содиқ вазир бахш этади: у унуган онда эслатадур, эслағонда кўмаклашадур. Агар тангри подшоҳга ёмонлик истаса, унга ёмон вазир ато этади: у унуга эслатмайдур, эслағонда кўмаклашмайдур». Камина ўзини сиз туфайлидин тангри ёрлақағон ҳисоблайдур.

**АЛИШЕР НАВОИЙ.** Афсуски, жонибингизнинг ишончи олияларига кечроқ мушарраф ўлдўм. Хусуматпеша, ҳасадгўй вазирларингиз мухолифати натижасинда қамина Астрободға жўнатилиб, бир муддат Сиз ва сиз-

нингдек аҳли диллардин йироқда яшадим. Үшал дамлар күнгил ранжи баъзан қоғозга тушарди. Бир ғазалини ҳануз ёдимда сақлармен. У сизга нисбатан андек гина йўсинида битилғон эрди. Шатранж ғоят мўъжизакор ўйин. У ақлни пешлабгина қолмай, кишиға ажойиб ташбеҳлар топиб бергай. Үшал ғазал шатранжға пайров тарзида эди.

(Ўқийди):

Ер учун истарки бўлғаймен мудом андин йироқ,  
Ул жиҳатдин барча васл истар мени  
маҳзун фироқ.  
Яхшиларга бас ёмондур ҳолким,  
ёр оллида,  
Тенгдуур яхши-ёмон, балким ёмонроқ яхшироқ.  
Шоҳ ёнин фарзин киби кажлар мақом этмиш  
не тонг  
Ростравлар арсадин гар тутсалар  
руҳдек қироқ...

ҲУСАЙН БОЙҚАРО (*Уни тўхтатади*). Бас, дўстим, икрормен, иқрор, беайб парвардигор. Муҳими, шукр, мана, яна биргадурмиз. Хўп, ўтган ишга саловат. Гар рози бўлсангиз шул кеча кундузда фуқаро ҳолидин хабар олсак.

АЛИШЕР НАВОИЙ. Шундай совуқда-я! Йўқ, йўқ!  
Мен рози бўлолмаймен, асло! Худо кўрсатмасину, шамоллаб қолсангиз «меҳрибон» вазирларингиздин балога қолурмен. Менинг улар билан нечоғли «яқинлигимни» ўзингиз хўб биласиз мавлоно.

ҲУСАЙН БОЙҚАРО (*Кулади*). Совуқни биринчи марта кўраётганимиз йўқ-ку. Алишер. Ана шу совуқнинг салтанат совуғуга айланмаслиги учун ҳам фуқаро ҳолидин хабар олмоқ жоиз. Биз ана шу совуқдингина қўрқишимиз лозим. «Меҳрибон» вазирлардин эса кўнглингиз тўқ бўлсин, Сизга осилмасликларининг йўлини қиласиз. Яъни биз вазирлар билан кенгашиб, сиз сори борурмиз, сиз бизга шерик бўлурсиз, вассалом.

АЛИШЕР НАВОИЙ. Бир жаҳд қилганингиздин кейин сизни йўлдан қайтариш мушкул. Шундоқ ўлғоч, фақирда хушнуд бўлишдин ўзга илож қолмас.

ҲУСАЙН БОЙҚАРО. Ана бул бошқа гап. Анчадан буён диққинафас саройдин чиқолмағон эрдим, бу мен учун яхши бир сайд ҳам бўладур. Иншооллоҳ эртага тайёр бўлиб турурсиз.

**АЛИШЕР НАВОИЙ.** Амрингиз вожиб, олампаноҳ.  
Энди рухсат этсангиз, мен борсам.

(*Алишер Навоий ўрнидан туради. Шоҳ уни кузатиб чиқади. Саҳна қоронғилашади*).

## БЕШИНЧИ ПАРДА

### V ҚУРИНИШ

(Алишер Навоийнинг дарвозаси олди. Дарвоза чиройли, гулдор нақшлар билан безатилган. Ҳусайн Бойқаро бошлиқ аъёнлар дарвоза сари келишмоқда. Улар орасида Мажидиддин ва Бурҳониддинлар ҳам бор. Аъёнлар дарвозага яқинлашишга, ичкаридан Алишер Навоий хизматчиси билан бирга пешвоз чиқади).

**АЛИШЕР НАВОИЙ.** Ассалому алайкум, Олампаноҳ!  
Муҳтарам аъёнлар! Хуш келдингиз, қадамларигизга  
ҳасанот! Қани олампаноҳ, марҳабо, марҳабо!

**ҲУСАЙН БОЙҚАРО.** Бизни маъзур тутасиз, Алишер. Биз беку амирлар, вазирлар ила фуқаро ҳолидин хабар олмак учун саройдин чиқдик. Бизга шерик бўлармиkinsiz, деган умидда, ризолик олмасак-да, сиз сори кёлавердик. Насиб ўлса, сизниги бошқа гал, албатта, ташриф этажакмиз. Илтимосимиз шулки, умидимизни сўндиримангиз.

**АЛИШЕР НАВОИЙ.** Шоҳим, каминани кўп ғалат аҳволга солиб қўйдингизда. Фақир хурсанд бўлишимни ҳам, хафа бўлишимни ҳам билмай лолмен.

**ҲУСАЙН БОЙҚАРО** (*хушнудлик билан*). Хурсанд бўлаверинг, Амир, хурсандчиликка не етсин.

**АЛИШЕР НАВОИЙ.** Унда андак сабр қилғайсизлар. Мен бир зумга...

**ҲУСАЙН БОЙҚАРО.** Баракалло, Алишер! Бораверинг!

(Алишер Навоий ичкари кириб кетади ва бир оздан сўнг қишилик кўча кийимида чиқиб келади. Улар биргалашиб Раҳмонберди гузари сари юришади. Бир мунча юришгач, устанинг дўкони рўпарасига етишади. Уста уларни кўриб қўлинни кўксига қўйиб салом беради ва яна ўтириб ишини давом эттиради. Шоҳ дўконнинг очиқлигини кўриб ўзини ҳайрон бўлгандек кўрсатади.)

**АЛИШЕР НАВОИЙ.** Шоҳим, ижозат этсалар, шул устадиҳ хабар олсам?

**ҲУСАЙН БОЙҚАРО** (*аввал Алишер Навоийга, сўнг дўконга қараб ниманидир англагандай бўлади*).

Бемалол бораверинг. Биз бир оз кутиб турамиз, асли мақсадимиз ҳам шу фуқароларнинг ҳолидин хабар олиш-ку! (*Вазирлар «тӯғри», «тӯғри» дейишиб, баъзилари бош ирғашиб шоҳ гонини маъқуллашади. Алишер Навоий дўкон сари юради*).

УСТА. (*Дўкон олдида абёнларнинг тұхташганини кўриб, тараддудга тушиб қолади. Алишер Навоийнинг ўзи томон юрганини кўриб эса, қўлидагиларини ерга қўяди, сўнг ўрнидан туради. Алишер Навоий дўконга киради.*) Ассалому алайкум, амир Алишер ҳазратлари, хуш келдингиз! Қани марҳабо, марҳабо. Қайси шамол учирди. (*Кўришадилар.*) Қани ўтириң мавлоно. (*Ўтиришади.*) Омин, оллоҳу акбар (*Сўрашишади. Уларнинг гаплари ташқаридағиларга яхши эшитилиб туради*).

АЛИШЕР НАВОИЙ. Уста, қиши куни иссиққина уйда ўтирмай дўконни очибсиз, нима, учингиз тўртга етмаяптими?

(*Ташқаридағилар янада сергакланадилар.*)

УСТА. (*Ҳар бир саволга бир оз ўйланиб жавоб беради.*) Э, нимасини айтасиз, мавлоно, қанча уринсан ҳам барибир учим тўртга етмаяпти-да.

АЛИШЕР НАВОИЙ. Эсиз, вақтида экмаган эркан-да, уста?

УСТА. Экишга эккандим-а, аммо эл ўриб олди-да.

АЛИШЕР НАВОИЙ. Эл ўриб олди денг. Шул сабаб юргурганники эмас, буюрганники дейишар эркан-да. Дўстларингиз билан ораларингиз яхшими?

УСТА. Тақдирдин бандаси қочиб қутуломас эркан, мавлоно. Дўстларим аллақачон душман бўлиб кетишган. Нуқул ранж етказишадур.

АЛИШЕР НАВОИЙ. Шундай денг, начора, бандасининг тангрига шукр этиб яшашдин узга иложи йўқ. Куйинманг, бардам бўлинг. Энди узоғингиздин сўзланг, отахон?

УСТА. Узоғимнинг яқин бўлиб қолганигаям анча бўлди, мавлоно, кўриб турибсиз.

АЛИШЕР НАВОИЙ. Иккингиз қай аҳволда?

УСТА. Буёғи ўзингизга маълумкү, мавлоно. Не дердим, иккимнинг уч бўлганига ҳам кўп йиллар бўлди.

АЛИШЕР НАВОИЙ. Майли, уста Оллоҳнинг карами кенг. Ойнинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғ. Агар хўп десангиз, бир семиз товуқ юборсам, аммо патини юла олармикинсиз?

**УСТА** (*Кўп ўйламай*). Бунақа ишларни ўринлатаману, аммо андек лекини бор-да.

**АЛИШЕР НАВОИЙ**. Ҳа, яшанг. Лекинининг юки бизнинг елкамизда. Елкамиздин эса хавотир олманг. Фақат молни арzon сотиб юрманг-а, отахон.

**УСТА**. Хотиржам бўлаверинг, шоирим, арzon кетмайди. Сизга ҳам катта раҳмат, мавлоно. Умрим бино бўлиб бунақа суҳбат қурмагандим. Илоё, умрингиз узоқ бўлсин. (*Юзига фотиҳа тортади. Алишер Навоий дўкондан чиқиб, тўдага қўшилади. Ҳаммалари йўлга тушишади. Бир оз юришгач, Ҳусайн Бойқаро ўзи билан ёнма-ён кетаётган Алишер Навоийга айёrona кулиб қарайди.*)

**ҲУСАЙН БОЙҚАРО**. Амир ҳазратлари, уста билан бул қадар сирли савол-жавобларнинг боиси не, билсак бўлурми?

(*Аъёнлар ҳаммаси жавоб эшиштамиз деган умидда Алишер Навоийга қарайдилар.*)

**АЛИШЕР НАВОИЙ** (*Олдинда кетаётган Бурҳониддинга имо қилиб*).

Ана шу вазирингиз бу гапларни маъносини қандай тушунар эркан, шуни билмоқ ниятинда уста ила сирли гаплашдик.

**ҲУСАЙН БОЙҚАРО** (*Гап нимадалигини англагандан сўнг Бурҳониддинга*).

Айтинг-чи, тақсир, Алишер билан уста нимарсалар ҳақинда гаплашишди?

**ВАЗИР**. Олампаноҳ, Алишербекнинг қанчалик донолиги ҳаммага аён. Мен жон қулогим ила тинглаб, бир ҳузур қилдим, бир ҳузур қилдим десангиз. Онинг Алишербекдек амир саволлариға дадил жавоб этғонин кўриб қойил қолдим.

(*Шоҳга жилмаяди. Кўпчилик энди нима бўлади дегандай, шоҳга қарайди. Баъзилари мендан сўраб қолса не қиламан деган маънода ташвишланади.*)

**ҲУСАЙН БОЙҚАРО**. Бул маъни эрмас, тақсир. Ё бизни лақиллатмоқчимисиз?! Яхшилаб ўйлаб кўринг. Сизга уч кун муҳлат. Шу муҳлат ичинда савол-жавоблар маъносин топсангиз дуруст, мабодо тополмасангиз — бошингиз ўлимда, молингиз талонда.

**ВАЗИР**. Олампаноҳ, олампаноҳ, бир қошиқ қонимдин кечинг...

**ҲУСАЙН БОЙҚАРО.** (Жаҳл билан). Боринг, амримни бажаринг, сиз учун вақт ғанимат.

(Бурҳониддин турган ерида қаққайиб қолади. Қолгандар илгари юрадилар.)

## ОЛТИНЧИ ПАРДА

### VI КҮРИНИШ

(Бурҳониддин пилдираб дўкон сари кетмоқда. Ҳаддин ортиқ ўзига зеб берган. Зарбоф тўн, дастор салла, шуларга яраша қиийқ. Пакана-семизлиги-ю, қалин заррин лиbosлар кийганидан кулгини қистатади. Ҳар замонда қорга тойрилиб оғиб-оғиб кетади.

Йўл-йўлакай Алишер Навоийни яниб бормоқда.)

**БУРҲОНИДДИН.** Ҳаммасига анави сув илон сабабчи, Табибийнинг куни менинг ҳам бошимға тушмаса гўрга эди. Бу маҳмадана Алишернинг кетари шу бўлса, ҳаммамизни бир-бир жаллоднинг тифи ё сиртмоғига рўбарў этмоғи шубҳасиз. Ернинг тагинда илон қимиirlаса ҳам биладир ул. Билмағонда мени бир қораялоқ этикдўзға ялинитирармиди. Эй ношуд, қанча керак бўлса ўзинг олавермайсанми. Ялангоёқларни ўртага қўйгунча! Шошмай тур, хўрлаш — масхаралаш қандоқ бўлишин сенга кўрсатиб қўямен ҳали. Керак бўлғонда подшоҳингни сотиб олмоққа-да, қурбим етадир. Мени ким деб ўйладинг сен! Йўқ, Алишербек, чучварани хом санаб юрибсен.

(Дўкончага яқинлашади. Уста уни кўриб жилмайиб қўяди. Аммо вазир келгач, ҳеч нарса билмагандай ишини қиласверади.)

**БУРҲОНИДДИН.** Ассалому алайкум, уста. Сиҳат-саломатмисиз? Тани-жонингиз соғми? Болалар, набирашлар ўйнаб-кулиб юришибдими?

(Устанинг қўлини олиб, сўрашгунча қўйвормай турди. Кейин иккиси ҳам ўтиради.)

**УСТА.** Ваалейкум, келинг, иним. Қани, бу ёққа ўтиринг. Этигингизни биз боп иши чиқиб қолибдими дейман-а? Қани ечинг-чи, ҳозир бир пасда..

**ВАЗИР.** Э, йўқ, этигим бус-бутун, уста. Мен бул ерга бошқа бир нозикроқ юмуш билан келдим. Қеча Ҳазрати Алишер ила хўп қизиқ сухбат қурдингизда. Ҳамма вазиру вузаролар сизга қойил қолишиди. Аммо

сұхбат шунақанги сирли бўлдики, кўпчилигимиз аниңг маънисин англолмадик. Кеча беш-олти вазир бир бўлиб, шуни билиб қўйсак ёмон бўлмас эрди, деб ўйладик ва алар мени сизга элчи қилиб юбориши, ёшулли.

УСТА. Э-ҳа, сиз ҳам бормидингиз кечади. Ҳазрати Алишер худо ёрлақаган зот-да. Аммо-лекин биз унақанги гап-сўз қилганимиз йўқ эди-ку.

ВАЗИР. Очиги, уста, ўша сұхбатнинг бирор сўзигаям тушунмаганмиз. На Алишернинг саволларига, на сизнинг жавобларингизга тушундик, десангиз. Ҳеч биримиз мағзин чақолмадик. Подшо бўлса: шул гаплар маънисин топиб келмасанглар, бошларинг ўлимда, молларинг талонда, деб амр қилди. Энди бутун умидимиз сиздин, ёшулли. Йўқ, деманг, худо хайрингизни берсин. Ўзингиз жонимизга аро кирмасангиз, ҳолимиз не кечадир?

УСТА. Иним, Ҳикмат олтиндин қиммат, дейди донолар. Бухоройи шарифда ўтин ёрганга бир танга, маслаҳатгўйга етти танга берган эрканлар. Сермаъно сўзнинг қадр-қимматига етмасангиз, увол бўлади. Сўзнинг қадрига етмаганлар ўзи ҳам охир-оқибатда эл ҳурматидан қолади. Яъни ани сўз уволи тутади, иним.

ВАЗИР. Эй, ёшулли-еъ, керакли молни нархини суриштириб ўтиրмайдилар. Тезроқ айта қолинг-да, бул балодин бизни халос этинг. Қанча десангиз, мана мен, туриб берганим бўлсин.

УСТА. Ҳеч қўймадингизда, иним. Начора, майлингиз. Ҳар савол-жавобга юз тилладин берасиз.

ВАЗИР. (*Қўрқиб кетади.*) Йўғ-еъ, уста. Сал пастроқ тушинг, ахир...

УСТА. Ие, ҳали гапни бошламасимдин, лафзингиздин қайтяпсизми? Унақа бўлса...

ВАЗИР. Хўп-хўп маъзур тутинг, уста, мен... мен... Майли-майли, сиз нима десангиз ўшида. Қани бошланг.

УСТА. Тағин уста пулга ўч одам экан, деган ўйга борманг, иним, мен ҳикматларни уволидан қўрқаман, ҳолос. Хай, майли, не бўлса бўлди... Эшитинг, Ҳазрати Алишер аввало менинг совуқда ишлаб ўтироғонимга раҳми келиб, бундоқ қилишга сизни не мажбур этди, яъни уч фасл — баҳор, ёз, куз ишлаганингиз, тўртинчи фасл — қишлоғга етмадими, деб сўрадилар. Мен қанча уринсам ҳам етказолмаганимни айтдим. (*Вазир ҳамёнини чиқариб юз тилла санаб қўяди.*)

Иккинчи гал, фарзандларимни бор-йўқлигин, бўлса ёрдам бериш-бермаслигин сўрадилар. Мен фарзанд-

ларим борлигин, аммо аларни эл үриб олганин, яъни ҳар қайсиси ўз рўзғори ташвиши била бўлиб кетганин айтдим. (*Вазир яна юз тилла санаб қўяди.*)

Сўнгра ҳазрати амир тишлигаримни аҳволи била қизиқдилар. Мен аларни тўкилиб кетганин, бирор нарса чайнасан, оби-зардоб бўлиб жонимға озор беришин, яъни душманлик қилишин айтдим. (*Вазир яна юз тилла санаб қўяди.*)

Алишер кўзимнинг яхши кўриш-кўрмаслиги ҳақинда сўраганларида кўзларимдин нур кетганин, яъни яқинимдаги нарсаларнигина кўра олишимни айтдим. (*Вазир яна юз тилла санаб қўяди.*)

Алишер иккингиз қалай? — деб оёқларим куч-қувватдин қолган-қолмаганлигин сўрадилар. Мен кўпдин бери ҳасса билан юришимни айтдим. Тақсир, ҳасса учинчи оёқ ҳисобланади (*Вазирга қарайди. Вазир қўлидаги ҳамёндан бир оз танга олиб санайди, ҳамёндаги тангалаар тугайди. Бир оз ташвишланади. Уни жойига солиб, иккинчи қўйнини кавладиди ва яна бир оз танга олиб санагач, ижирғаниб, пулларни уста томон сурив қўяди.*).

Мана, тақсир, савол-жавоб ҳам тугади, ҳисоб. Энди олампаноҳимизни олдиға қўрқмасдин, бемалол бора-веришингиз мумкин. Омад сизга ёр бўлғай.

ВАЗИР. Йўғ-еъ, янгишмадингизми, уста. Қамина ҳисобича тағин иккита савол-жавоб қолди. Энди ўзингиздин қолар гап йўқ, қолган ишга қор ёғар қилманг, худо хайрингизни берсин, айта қолинг.

УСТА. Эй, иним-еъ, мен сизни аяб, айтмай қўя қолай деб ўйлаб эдим. Негаки бу галгиси сал қалтисроқ, наchora. Ҳазрати амир бир семиз товуқ юборсан, патини юла олурсизми, деб сўраганлари эсингиздами, тақсир?

(*Вазир тарафдудланиб қолади.*)

ВАЗИР. Ҳа, ҳа, эсимда.

УСТА. Ҳа, яшанг. Мен қойиллатаман, деб жавоб бердим. Ўшал семиз товуқ сиз эркансиз, тақсир. (*Вазир қизариб-бўзариб ерга қарайди. Орага сезиларли давом этадиган сўкунат чўқади.*)

ВАЗИР. Ҳа, энди... шунақасиям бўларканда, уста. (*Танга санаб қўяди.*) Келинг, охирги савол-жавобни маънисин ҳам айта қолинг.

УСТА. Айтавераманку-я аммо... (*Бир оз ўйланади.*) Ҳа, майли, начора. Амирнинг «молни арzon сотманг!»— деганлари бу савол-жавобларни маънисин билишга қи-

Зиқиб келгән қишиға жуда қыммат нарх қүй, дегәнләри эди. Камина ҳам кам қўймадим, чоғи. Хуллас, сухбатимизнинг маъниси шул, омон бўлинг, иним.

(Бурҳониддин сўнгги марта юз тиллани санаб қўяётган пайтда саҳна қоронғилашади.)

## ЕТТИНЧИ ПАРДА

### VII ҚУРИНИШ

I кўринишдаги саҳна. Эрталаб Ҳусайн Бойқаро тахтда хаёл суреб, хушнуд кайфиятда ўтирибди. Хонага эшик оғаси киради.

**ЭШИК ОҒАСИ.** Олампаноҳ, вазирингиз мавлоно Бурҳониддин ҳузурингизга кирмоққа изн сўрайдур.

**ҲУСАЙН БОЙҚАРО.** (Бирдан кайфияти, жилмайишга мойил турган лаблари, юзи ўзгаради. Тахтда ўтирганини эшик оғасининг ташрифи эслатгандаи, хаёлга берилиб кетганидан хижолат чекади. Аммо бу ўзгаришларни эшик оғасига сездирмасдан, мулойим овоз билан гапиради.)

Айтинг, кирсин!

(Хонага пилдираб Бурҳониддин киради. Унинг қўлида аллақандай нома.)

**БУРҲОНИДДИН.** Олампаноҳ, бир қошиқ қонимдин кечинг. Камина ҳузурингизга бир зоти шарифни устиндин шикоят бирла келишға мажбур бўлди.

**ҲУСАЙН БОЙҚАРО.** (Киноя билан, жилмайиб).

Ким экан ул баҳти кулғон зоти шариф. Ҳойнаҳой ул зот дўстимиз Алишердин ўзга киши эрмасдур.

**БУРҲОНИДДИН.** Сиз Оллоҳ ёрлақағон зотсиз, Олампаноҳ, мутлақо тўғри топдингиз. Барибир мен сиздин арзимга чора этишингизни ўтиниб сўраймен.

**ҲУСАЙН БОЙҚАРО.** Фикрингиздин қайтмаслиғингизни биламен. Афсуским, ўзингизни ўтқа ураётғонингизни пайқамайдурғонлардийнсиз. Айтинг арзинғизни.

**БУРҲОНИДДИН.** Номамда борчаси ёзулғондур. (Тахтга яқин келиб, тиз чўқади ва бошини эгиг номани шоҳга узатади.)

**ҲУСАЙН БОЙҚАРО.** (Бир муддат унинг бу туришига жирканиб, ижирғаниб қарайди, аммо номани олмайди).

Ўзингиз ўқинг, муҳтарам вазир.

**БУРҲОНИДДИН.** (Ўрнидан туриб, ортга тисарил-

*әнча аввалги жойига боради ва номани очиб ўқишга тушади).*

Хурсон мамлакатининг шаҳаншоҳи ва шавкатли баҳодур ва султони бокарам олампаноҳимиз Мирзо Ҳусайн Бойқаро ҳазрати олийлариға. Сизға содиқ қул бўлмиш камина бугунги кунда ўзингиз томондин шарафланаётғон бир зоти шарифдин, яъни амир Алишердин арз эшишиға муҳтож булиб қолғонидин ғоятда хижолатда. Ва локегин ойни этак бирлан ёпиб бўлмағонидек, ростлиқ албатта, бир юз кўргусидир. Фақир салтанат ва мамлакат осойишталиғин истагонидин бул номани ёзишға журъят этди.

Амир Алишер ўз обруси ва сизни оллинғиздағи мавқеидин нафланиб, турли йўллар ила беҳисоб оқча йигаётганин, бундин ёлғиз ғарази илкингиздин тахтни олмоқ боис лашкар тўпламоққа киришганин, фуқаролардин ўзиға тарафдор орттиromoққа ружу қўйғонин, фаровонлиқ ва ободончилик баҳонасинда хазинангизни совураётғанин айтмоқни эҳтиёж сездим. Алишер ва устани сирли суҳбати маънисин мен сиз жаноблариға еткурғон эрдим. Аммо бул Алишерни пора олишдағи бир усули эрканлиғин ул ўшал уста орқали мендин нақд 700 тилла пора олғонидин бехабарсиз. Дағи бир далил — анинг уйинда турфа авзодаги сирли кимсалар серқатновлиги-ю, амир ўзин аларнинг оллида подшоҳлардек тутишидир. Фақирдаги маълумотларға қарағонда Алишербек катта бир хонада сизни тахтингиз тахлит каттакон бир тахт бино қилдируб, ўз одамлари бирлан ўшал ерда ўлтириб сўзлашармуш.

Олампаноҳ сизни бул тахтпаст зот сохта мулозимату камтарлиғ ила алдаб юрғони шубҳасиздур. Бул номани фақир аъёнлар оллинда шарманда этилғони, ёинки кўп оқчадин айрилғони боисиндин ўч олмоқ истагинда битмади, балки сизга содиқ қулингизни оқчалар ғараз матлабда харжланишин истамағони боис битилди. Гапларим чинлиғина кафиллик берамен. Муҳр босдим.

Сизға содиқ қулингиз мавлоно Бурҳониддин.

*(Номани аввалги йўсинда ўраб, бошини эгади.)*

**ҲУСАЙН БОЙҚАРО.** (Ўзини ғалати сезиб, ўнғай-сизланади. Бурҳониддинга синчиклаб тикилади. Бир оз муддат жим қолади. Бу ҳолдан эшик оғаси ҳам саросимада. Сўнг сукунатни бузиб.) Мавлоно Бурҳониддин,

айтинг-чи, ким сизни бундоқ қалтис арзона маитиши даъват этди?

БУРҲОНИДДИН. Ёлғиз сизга бўлғон садоқатим, олампаноҳ.

ҲУСАЙН БОЙҚАРО. Ҳа, сиздек кишилар жавобда тойрилмайдурлар. Минг афсуслар бўлсинким, неча замонлардин буён яшаб келаётгон подшоҳлиққа сиздек кимсалар кўп зарур эркан. Нечукким, подшоҳлиқ мөҳияти сиздек кишилар қиёфасинда бўй кўрсатадур. Ҳай, майли. Энди, мавлоно Бурҳониддин ўнг қулоғингиз билан-да, сўл қулоғингиз билан-да, эшишиб олингиз. Мабодо номангиздағи гаплар рост чиқса, суюкли иноғим Алишерни, бўхтон бўлиб чиқса, сизни дорға тортишиға фармон берурмен. Розидирсизму, мавлоно Бурҳониддин?

БУРҲОНИДДИН. Розидурмен, олампаноҳ.

ҲУСАЙН БОЙҚАРО. (*Шоҳ эшик оғасига қараб*).

Зудлик ила ҳузуримизга амир Алишерни, Шайхулислом, қози-калон ва мавлоно Мажидиддинни, дағи лашкарбошини чорланғиз!

(*Эшик оғаси таъзим қилиб чиқиб кетади.*)

Мавлоно Бурҳониддин, аъёнлар йиғилғоч, Амир Алишер уйиға тафтиш ўтқазғони борумиз. Эшик оғоси келғоч, номани анга топширинг. Ўзингиз ҳам биз бирлан бўлурсиз.

(*Эшик оғаси киради.*)

ЭШИК ОҒАСИ. Фақир барча аъёнларға чопарлар юбордим, олампаноҳ.

ҲУСАЙН БОЙҚАРО. Боракалло, эмди мавлоно Бурҳониддин номасин олиб, ўз муҳрингиз ила муҳрланг ва они эҳтиёт қилингиз, йўқса...

ЭШИК ОҒАСИ. Бош устиға, олампаноҳ, кўзим қаросидек эҳтиётлармен.

(*Бурҳониддин номани эшик оғасига узатаётганда саҳна қоронғилашади.*)

## САҚКИЗИНЧИ ПАРДА

### VIII КҮРИНИШ

(Алишер Навоийнинг меҳмонхонаси. Унда ҳамма нарса оддий. Ўртада хонтахта. Атрофида кўрпачалар тўшалиб, ҳар-ҳар жойда ёстиқлар қўйилган. Тўрда Ҳусайн Бойқаро ўтирибди. Пойгаҳ томонда Алишер Навоий. Хонтахтанинг икки томонида қози калон, лашкарбоши, Мажидиддин ва Бурҳониддинлар ўтиришибди. Ҳамма нохуш кайфиятда. Дастурхонда ноз-неъматлар. Алишер Навоий олдида чойнак-пиёла. Ҳар замонда ўтирганларга чой узатиб туради.)

**ҲУСАЙН БОЙҚАРО.** Алишер, бир неча ғаламусни арзномаси боис элға боқий асарлар армуғон этатурғон ҳаловатингизни бузғонимизчун бизни маъзур тутғайсиз. Афсуски, бу арзни сиз азиз зотға сездирмасдин бир ёқлик этишға фақир ожизлиқ кўргазди. Мени бу ожизлиқ-қа қўрқув эрмас, балки иймон ва адолатға қуллиғим уннади.

**АЛИШЕР НАВОИЙ.** Койиманғиз, Олампаноҳ. Инчунун сизни саъй-ҳаракатинғиз ожизлиқ, деб эрмас, узоқни кўра билмак, деб атолғай. Тақдиримда бул киби бад юмушлар-да бор эркан, не ҳам дердим. Эмди юмушни маҳтал қилмайлик, орадағи хижолатпазлиқ улғай-масун.

**ҲУСАЙН БОЙҚАРО.** Боракалло, Алишер! Бўлмаса, саройда келишғонимиздек, қози калон, лашкарбоши ва мавлоно Бурҳониддинға бир хизматчинғизни қўшсанғиз, токи ул барча хоналаринғизни аларға кўрсатсун. Бул учов кўрғонларин хатға солсунлар. Сўнгра аларни хотин номаға қиёслаб, тафтиш ҳақинда бирор хулосаға келурмиз.

**АЛИШЕР НАВОИЙ.** Анда фақирға ижозат берғай-сиз, чиқиб хизматчиға айтқонларинғизни уқтирсам.

**ҲУСАЙН БОЙҚАРО.** Марҳамат, Алишер.

(Алишер Навоий чиқади. Ҳонага бир дақиқа сукунат чўқади.)

Эмди сизлар-да борингиз.

(Хонадан қози калон, лашкарбоши ва Бурҳониддин ҳам чиқишади.)

**ҲУСАЙН БОЙҚАРО.** (Эшик ёпилгач). Жаноби Мажидиддин, ушбу номани ким ёзғонлиғин сир сақлағонимиз боисин уқдингизму?

**МАЖИДИДДИН.** Мендин шубҳангиз бормудур,

Олампаноҳ? Ҳаҳотки мен, һаҳотки... мағар қасам ич, десангиз, қасам ичурмен.

ҲУСАЙН БОЙҚАРО. Номадин сизни сўзларингизни-да ҳиди келмакдадур.

МАЖИДИДДИН. Анда ул ғаламислар меним-да ғанимим чиқадур, Олампаноҳ.

ҲУСАЙН БОЙҚАРО. Бир гал сиз хазина бўшаб бораётғонидин, турфа иморатлар кўп бино этилаётғонидин койинғон эрдинғиз, эслайдурмисиз?

МАЖИДИДДИН. Койинғон эрсам, салтанатни ўйлаб койинғонмен, Олампаноҳ.

(Хонага Алишер Навоий киради.)

ҲУСАЙН БОЙҚАРО. Алишер, қани яқинроқ ўтиринг. Номани соҳиби-ю, маънисидин огоҳ этмоғоним боис, фақирни маъзур тутғайсиз. Илло, вазият талаби шуни тақозо этадир.

АЛИШЕР НАВОИЙ. Олампаноҳ, қўйинг, хижолат чекмангиз. Фақирни мактуб ҳам, ани муаллифи ҳам қизиқтирмас. Зеро, тафтиш не билан тугаши ҳар бир зариғға беш қўлдек аёндур. Магар бир қошиқ қонимдин кечсанғиз, сўрайдиғоним бор эрди.

ҲУСАЙН БОЙҚАРО. Кечдим, сўрайверинг, Алишер. Сизга зифирдек ўлса-да, хурсандлик баҳш этолсам, айни муддао бўларди. Фақат қўлимдин келмасдур, дебон ўйлаб ўлтиргондим, Алишер.

АЛИШЕР НАВОИЙ. Миннатдормен, Олампаноҳ. Сиз саховатда ва сабру бардошда ғоят улуғ зотдурсиз. Фақир узи хусусиндағи арзнома ва тафтиш ҳақинда эшитғондин, анинг бечора битғувчисиға кўп ачинганмен. Бек-амирларингизни ғийбату ғоратни хуш кўришиға дағи бир бора инониб афсусда бўлғонмен. Олампаноҳ, сизу биз турк элатин фаровонлигин ўйлаб неча ранж чексаг-у, алар ё ганждин, ё мансабдин, ё сафодин ўзга нимарсани билмаслиғларин билиб, кўнглим хуфтон ўлғон. Ҳа, алардин мен хафамен, бисёр хафамен. Аммо мактуб соҳибиға раҳм қилишинғизни сўрайдурмен.

ҲУСАЙН БОЙҚАРО. Бунинг иложи йўқ, Алишер, мен анга, гапларинг ёлғон чиқса дорға тортамен, —деб айтиб қўйғонмен. Бир ғийбатчи ва ғаламус қошинда ўз сўзимға қарши боролмасмен!

АЛИШЕР НАВОИЙ. Сиз анга раҳм этсанғиз-да, ўз сўзинғизга қарши бормайдурсиз. Тафтишдин сунг ани зиндоғанд этурсиз, ёинки кузатувчи қўюрсиз.

**ҲУСАЙН БОЙҚАРО.** Асли Сиз ул зотни кимлиғин билурмисиз, Алишер. Билмайсиз, билғонингизда бул қадар ёқламағон бұлурдингиз.

**АЛИШЕР НАВОИЙ.** Худоға шукрки, аннинг кимлиғин билурмен, Олампаноҳ. Ва лекин билмағонимда-да, ағасус чекмағон бұлурдим. Зеро, аннинг кимлиғин сиз билишинғизни билурмен. Менга ишонишиңгизни-да, билурмен, Олампаноҳ. Мабодо аннинг кимлиғин билмаслиғимға бир оз бұлса-да, шубҳа этсанғиз, ул зотға гуноҳларин ювмоқчун бир-иккі ой муҳлат берингиз. Муҳлат ўтғач, фақириңгиз ул зот хусусиндаги фикрларин сизға айттур.

**ҲУСАЙН БОЙҚАРО.** (*Ўзини Алишер Навоийнинг мақсадини энди англаб етғандек тутади*). Майли, Алишер, сиз айтқон киби бүлсін, аммо устингиздин шоҳға арз қылғон, мавқеңгизни күролмайдурғон бир ғала-мусни бул қадар әътимод ила ўйлаётғонингизни англолмаяпмен.

**АЛИШЕР НАВОИЙ (Кулиб).** Онгладингиз, олампаноҳ, ана кўзларингиз айтиб турубдур.

**ҲУСАЙН БОЙҚАРО.** Офарин, Алишер. Назарингиз шул қадар ўтқирки, ҳатто киши қандоқ ўйға борғонин ҳам аниқ билурсиз.

**АЛИШЕР НАВОИЙ. (Жилмайиб).** Маъзур тутасизу Олампаноҳ, ўзларида, анойилардин эрмаслар. (*Кулишади. Уларга Мажидиддин ҳам қўшилади.*)

Бундай кўнгулни эрса асраб-авайлаш лозим. Ахир, гуноҳ гуноҳкорни кўнглин қанча қабартирса, жазоловчи кўнглин ҳам шунча қабартиргай. Бир гуноҳкорни деб кўнгулни қабартириш аслзода, дағи подшоҳ кишиға лойиқ эрмас.

*(Хонаға қози калон, лашкарбоши ва Бурҳониддин киради. Ҳамма ўз жойига ўтиради).*

**ҲУСАЙН БОЙҚАРО.** Қани қози калон кўрғонларингизни сўзланг-чи!

**ҚОЗИ ҚАЛОН.** Ҳеч нарсани кўрмағон бұлсак нимарсани сўзлайдурмен, олампаноҳ.

**ҲУСАЙН БОЙҚАРО.** Наҳот, шунча муддат юриб, ҳеч нимарса кўрмағон бұлсаларинг?!

**ТАФТИШЧИЛАР.** Кўрмадик, Олампаноҳ.

**БУРҲОНИДДИН.** Бул уй асло вазири аъзамнинг уйига ўхшамайдур. Гүё Алишер тафтиш бўлишин илгаритдин сезғону, чорасин кўриб қўйғондек, барча хоналар оддий жиҳозлар ила жиҳозланғон.

ҲУСАЙН БОЙҚАРО. Ҳатға битдінгларму?

ҚОЗИ ҚАЛОН. Албатта, Олампаноҳ. Қайси ҳужрада не күрғон бұлсак, барин битдик. Мана, хат (*Шоҳга узатади*).

ҲУСАЙН БОЙҚАРО. (*Хатни құздан кечиради.*) Модомики, иш битғон бўлса, эмди туурмиз. Қани, омин, Оллоҳу акбар.

(*Туришади*).

ҲУСАЙН БОЙҚАРО (*Қози калонга*). Тақсир, сизлар бораверингиз. Биз Алишер ила бир оз гаплашиб олишимиз зарур.

ҚОЗИ ҚАЛОН. Хўп, Олампаноҳ.

ҲУСАЙН БОЙҚАРО. Ҳай, шошманг. Манави хатни олинғиз ва эшик оғасиға тобшурунг. Муҳрлаб, арзнома бирла қўшиб қўйсун.

(*Хатни узатади. Қози хатни олиб бош иргайди ва шоҳдан бошқа ҳамма хонани тарқ этади. Алишер Навоий меҳмонларни тезда узатиб, шоҳ ёнига қайтади.*)

ҲУСАЙН БОЙҚАРО. Офарин, Алишер, офарин! Сизга доим қойил қоламен. Эмди, айтинг-чи, мактуб соҳиби-ю, тафтиш бўлишингизни қойдин билғон эрдингиз?

АЛИШЕР НАВОИЙ. Йўқлоғонингиздин сўнг ҳузурингизфа Оллоҳ иродаси ила илгарироқ бориб қолибмен. Сиз «суюмли» вазирингиз Бурҳониддин билан турғон эркансиз. Бир оз ўтиб, қози калон, сўнг лашкарбоши, Мажидиддинлар келишди. Сездимки, кўпчиликни чорлағонсиз. Сўнг чорлағон пайтингизда ёнингизда Бурҳониддин ҳам бўлғонини сезмоқ қийин кечмади. Арзнома ва тафтиш хусусинда айтқонингиздин сўнг, уни Бурҳониддин битғониға тамом инондим. Тафтиш хусусинда ўшал жойда эшитдим, холос.

ҲУСАЙН БОЙҚАРО. Балки ани дорға тортғонимиз маъқулдир, Алишер?

АЛИШЕР НАВОИЙ. Йўқ, шаҳаншоҳим, бунга шошмайлук. Ул ёлғиз эмас.

ҲУСАЙН БОЙҚАРО. Офарин, Алишер! Эмди сўнгғи саволимға жавоб беринг. Уйингиз нечун бунчалар бўй-буш. Ҳолбуки топиш-тутишингиз илгаригидин яхшироқ. Илгари мен бул қадар фақирона рўзғорга эътибор бермаганмен ёинки илгари бул қадар бўлмоғон.

АЛИШЕР НАВОИЙ. Киши кексайғани сори, фақирлик афзалликларин анғлай борур эркан, дўстим.

**ҲУСАЙН БОЙҚАРО.** Алишер, мен сизни яхши билурмен, Сиз бир умр оддий яшашни шиор қилғон шоирсиз, камтаринлиқ Сизнинг одатинғиз! Барибир киши қизиқар эркан, хом сут әмғон бандамиз-да, хазинадин оладурғон маоши-ю, инъомға берилаётғон пулларни қайға сарфлаётисиз.

**АЛИШЕР НАВОИЙ.** Оламиноҳ, майли айтғоним бўлсин. Фақат бир шартим бор, рози бўлсангиз фақирға берилаётғон пуллар қайға сарф бўлаётғонин ўз кўзингиз ила кўриб билурсиз.

**ҲУСАЙН БОЙҚАРО.** Бўпти, розимен, айтинг шартингизни.

**АЛИШЕР НАВОИЙ.** Ҳозир бир жойға борумиз. Шартим шулки, йўлға чиқишин аввал кийимларимизни алмаштиurmиз. Зарбоф тўн ила тожни менга берурсиз. Қаминани чакмони-ю, бошқа лиbosларин сиз кийиб олурсиз. Мен олдинда, сиз менинг изимдин берурсиз. Розимисиз?

**ҲУСАЙН БОЙҚАРО.** Розимен.

(Саҳна айланади. Шаҳар чеккаси. Майиб-мажруҳ, қаландару бева-бечоралар яшайдиган гарифона маҳалла. Бир тўп бева-бечоралар. Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқаро улар орасида. Гадолар шоҳни Алишер деб ўйлаб, уни ўраб олган. Кимдир унинг қўлтиғидан олган, кимдир этагини тавоф қиласпти, кимдир айланниб ўргилади.)

**ГАДОЛАР.** Нури дийдамиз, халоскоримиз! Алишер! Эсон-омон келдингизми? Үмрингиз узоқ, мартабангиз бундин зиёда ўлсун, пуштипаноҳимиз. Хуш келибсиз, марҳабо! Ҳазрати Навоий!

(Гадолар шоҳнинг бошини айлантириб ташлашади.  
У бечора нима қиласини билмайди.)

**ҲУСАЙН БОЙҚАРО (Ёлворган оҳангда).** Алишер, биродарим! Мени бу оломонни ичиндин олиб чиқинг! Олаётғон пулларингиз қаёққа кетаётғонин билдим, Алишер!

(Гадолар унинг гапини эшишиб, бир зум анграйиб қоладилар.)

**АЛИШЕР НАВОИЙ.** (Ғала-ғовур тингач.) Биродарлар! Сизларнинг аҳволингиздин хабар олмоққа марҳаматли сultonимизнинг ўzlари ихтиёр қилдилар. Кўнглингиздаги бор гапни ҳеч тортинмай аларга айтаверингиз. Подшоҳимиз фуқаропарвар, бир сўзли.

(Бу гапни эшишиб, ғарип-ғураболар подшони яна-да зичроқ ўраб олишади. Этагини ўпид, сажда қила бошлишади.)

ҲУСАЙН БОЙҚАРО. Алишер, жон дўстим, худо хайрингизни берсин, менга раҳм қилинг, нима десангиз қилурмен. Фақат бу ердин тезроқ олиб чиқиб кетинг, Алишер.

АЛИШЕР НАВОИЙ. Олампаноҳ, бул бечораларға тайинли бошпана, дон-дун бермоқ лозим. Ахир шул майиб-мажруҳ, ғарибу ғураболар ҳам сизни сояи давлатингиздаги фуқароларингиз саналурку! Аларни боқишиш ва устини бутлашға ваъда қилсангиз сизни алар орасиндин олиб чиқамен.

ҲУСАЙН БОЙҚАРО. Розидурмен. Алишер. Сиз айтғонча бўлсин.

АЛИШЕР НАВОИЙ (*Fala-ғовурни аранг босиб*). Тинчланинг, биродарлар, тинчланингиз!

(Ҳамма бир муддат тинчланади. Ҳусайн Бойқаро улар орасидин чиқиб, Алишер Навоий олдига келади, ҳаяжонда, бир оз қизаринқираган.)

Шоҳимиз аҳволларингизни яхшилашга ваъда бердилар. Келингиз, эй азизлар, бул зоти барокотни чин дилдин дуо қилайлик!

(*Гадолар ва бошқалар дуога қўл кўтаришади. Шоҳни турли ҳамдлар билан дуо қилишади.*)

ҲУСАЙН БОЙҚАРО (*Ғовур тингач*). Биродарлар, мен сўзимни устидин албатта чиқурмен. Ниятларингиз, илтижоларингиз иншооллоҳ ижобат бўлғай, Сизларға яна бир нарсани айтайн. Мен ўзимни шоҳмен, деб юргон эрдим. Мана, бугун сездимки, адашғон эрканман. Фуқарони ҳақиқий шоҳи Ҳазрати Навоий эркан. Келинг, бул зоти шарифни биргаликда дуо қилайлук.

(Шоҳ бошлиқ ҳамма фуқаролар Алишер Навоийни дуо қилишини бошлиайдилар.)

Парда

ТАМОМ.

ШУҲРАТ РИЗАЕВ

## ИСКАНДАР

(Алишер Навоийнинг «Хамса» асари оҳангларида)  
Икки пардали фожиа

### ҚАТНАШУВЧИЛАР

НАВОИЙ  
ЖОМИЙ  
ИСКАНДАР  
ФАЙЛАҚУС  
ДОРО  
АРАСТУ  
СҮҚРОТ  
АФЛОТУН  
ХУРМУС  
БАЛИНОС  
ФАРФУНОС  
БУҚРОТ  
ДАРВИШ  
БИРИНЧИ ВАЗИР  
ИҚКИНЧИ ВАЗИР (ЭЛЧИ)  
МУЛОЗИМЛАР, СИПОҲЛАР

### БИРИНЧИ ПАРДА

#### БИРИНЧИ ҚУРИНИШ

Саҳна қўргон шаклида. Камтарин кулба. Саҳна тўрида Мир Алишер шайх Нуриддин Абдураҳмон Жомий билан шатранж ўйнамоқда. Ўйин асносида суҳбат кечади.

**ЖОМИЙ.** Киши узоқ, машаққатли меҳнатдин эзиладур. Дарҳақиқат, ҳолдан тойганингиз табиий. Бироқ одам табиати бекорчиликка, ялқовликка мойил бўладур. Бинобарин, беш-үн кун ҳордиқ олиб, ўйин-кулгудан комрон бўлдингиз.

**НАВОИЙ.** Инчунун баттарроқ ялқовлашиб, бўш қолсам хоб тилагида булиб қолдим.

**ЖОМИЙ.** Ярим йўлда қолишлиқ мушкул иш. Яна ҳаялласангиз, чеккан барча ранжу меҳнатларингиз зое бўлғуси. Шукрлар бўлсинки, Ҳақ таоло сизга мадад-

гап кўнглимда доим қаттиқ армон бўлиб келади. Ўлмасидан бурун тожу тахту салтанат, қўшин, мол, мулк, мамлакат — барисини сенга топширсан. Халойиқ тепасида туриб, мамлакатни бошқарсанг. Элнинг манфаати нимани тақозо этса, ўша ишни қилсанг. Менинг истагим шундай.

**ИСКАНДАР.** Шаҳаншоҳ, жонингиз омон бўлсун. Сўзингизни тинглаб, узроҳлик этмоққа ҳам тилим лол. Тузукроқ жавоб беришга эса ҳаддим сиғмайди. Аммо бир-икки сўз айтишга журъат этамен. Аввал шуки, умрга ишонч йўқ. Йигитдур, қарикур — ҳаммасига Унинг зулми ҳам, инсофи ҳам teng. Оламда нёки мавжуд — бақосига умид йўқ. Алалхусус тожу тахтдан не суд.

**ФАЙЛАҚУС.** Сенинг сўзларингдан дарвишлик сиёқи келадур. Шоҳлиғ корига нёки ҳунар лозим — ақлу тадбир, куч-қувват, паҳлавонлиғ борини тангри сенинг Искандар зотингда жо этди. Вале кўнглинг юмшоқликка мойил, табиатингда шиддат аломати кам. Салтанат ишига бу зид. Шоҳлик бу қадар табъи тозаликни тиламас. Бирор оламга шоҳ бўлар экан, у халқнинг бошидаги тангрининг сояси демакдур. Соя бўлмиш одам ўз шахсида нёки мартабага эга бўлса, унинг соясидан бу ҳолат кўринмоғи лозим. Дўзаху жаннатни яратмиш Оллоҳ раҳмдил бўлиш била қаҳрлик ҳамдур. Кимгаки шаҳлик оиласи берилган экан, у зоти илоҳийга эришган бўлади, унинг зотига эришганлар сифатларини ҳам узларига олмоқлари зарур. Илло сифатларидан бирортаси кам бўлса, у шоҳ бўлолмайди. Душман сенинг жонингга қасд қилса-ю, сен бу жонни унга қурбон қилмоқчи бўлсанг, ўлимни душманга эмас, узингга раво кўрсанг, бу иш дарвишликдагина яхши хусусиятдир. Аммо шоҳлик соҳасинда бу ярамас хосият!

**ИСКАНДАР.** Не билайким таъбимда шу хосса устувор. Сўзларингиз амалидин бу ақли ноқисим боҳбардур. Вале кўнглум ўзга мақсадларни тилайди. Ахир пашшанинг нишини ҳам синдира олмаган ва ё синдиришни истамаган филнинг «зўрлиги» қайга боради?! Оёғининг кути билан чумолини ҳам босиб, маҳв этолмаган шернинг «кучи»дан не наф?!

**ФАЙЛАҚУС.** Илму камолинг пойдор бўлса-ю, жаҳолат аҳли ани писанд этмаса, не ҳолға тушарсен?

**ИСКАНДАР.** Аҳли дониш «хокисорлик — шоҳлик» демиш?

**ФАЙЛАҚУС.** Жунунлик савдосини қўй. Сенинг бо-

ри иллатинг дунё ишларига бепарволиғингдадур. Сенга шоҳликни топширсам, иншооллоҳ, бу сифатларинг кўнглингдин ариғуси. Киши бошиға иш тушса, оғирини ўзи тортади. Юрт, фуқаро ташвиши елкангга ўтгач, сиёsat қилмоқни ҳам ўрганарсен. Шунда табиатинг ўзгарур. Бундан хислат топганингда, ўзинг ҳам сиёsat қилмоқ-қа тез-тез ружуъ этарсен!

ИСКАНДАР. Мушкул савдо, vale ғавғо солмоқда-сиз бошимға!

ФАЙЛАҚУС. Бас, нола-аффонингни қўй! Магар сен муродим ҳосилини тиларсен, илтимосим қабул эт. Васиятимга қулоқ сол: мамлакатимга бегонани қўйма, хонадонимга бўлак кимсани киритма. Бу дунёга хайру хуш қиласр чоғи етди, сен менинг ўрнимга қойим-мақом бўлгин-у, менинг номус-орим, шон-шуҳратим елларга учмасин!

\* \* \*

НАВОИЙ. Эй, соқий! Бодани келтир-у, дунё ташвишини қўй. Менга видолашув қадаҳини тўлдириб бер! Ва сен бу майхонани бир нафаслик ғанимат бил! Ҳадемай бевағо фалак сен билан бизнинг ҳам паймонализни тўлдириб қўяди.

Эй муғанний, қўшиқ айтиб, руд созини чал! Вафосиз жаҳон билан видолашув машқини куйла!

Эй, Навоий, бу дунёнинг иши шу, бундан ҳеч ким вағо кўрган эмас, уни унутсанг, мардлик қилган буласан, уни тарк қилсанг, у ҳам сени тарк қилади...

### УЧИНЧИ ҚУРИНИШ

Қоронғу кеча. Қабристон. Мотам либосига бурканган  
Искандар пайдо бўлади.

ИСКАНДАР. (*Ўз-ўзича*). Дунё ғамларига чора излай-излай, отам ҳам омонатини топширди. Кимсасиз, мажруҳ бу дилимни не билан юпатай? Тасалли борми?! Тож ила тахт андишаси кўнглимга қайғу соладир. Тахтга ўлтиromoқ зулму оғат ишларига шерик бўлмоқдур. Боз устига қилғон ишинг баробарида фалакдин мукофот оласен. Воз кечмоққа эса... падар васиятлари монеъ... Бу икки ут орасидан қутулмоқ чораси қани?..

Шу пайт саҳнада бош яланг, оёқ яланг, хирқа кийган дарвиш қўлида иккита бош чаноғини кутарган ҳолда пайдо бўлади.

ИСКАНДАР. Тұхта, дарвиш, бир нафас тұхта! Қи-  
лиқларинг ғалат, ҳолинг афтода. Кимсан? Нечук бу  
ерларни маскан тутибсан?

ДАРВИШ. Шоҳмен!

ИСКАНДАР. Шоҳсен?..

ДАРВИШ. Вале тожу тахтдин йироқ баҳтиёрмен!

ИСКАНДАР. Дарвиш, ҳайрат ичра мени забун  
этма! Не сабабдин кошоналар ичра нашыу намо ҳаёт  
кечирмак үрнига бу бузуқ вайроналарни афзал бил-  
динг? Кечмишингдан огоҳ эт!

ДАРВИШ. Кечмишим күнгил узиб, оёқ тортган юми-  
шим. Мен ҳам Оллоҳ иноятидин баҳраманд шоҳ әдим.  
Марғиб салтанати тасарруфим, айшу ишрат, фатху  
футуҳ корим әди. Аммо жаҳон аҳлидін вафо күрмадим.  
Аларнинг касби молу дунё, зеб-зийнат илинжида  
бир-бирига фириб бермоқ экан. Мол-дунёга эса  
рағбатим бўлмади. У ҳам мени ранжу ғамларга гириф-  
тор этмасин, дедим. Ахир бу дунёдан кетар чоғи паст-  
каш фалак шу ҳаробани ҳам менга насиб этмагач, дунё-  
га хирс қўймоқдин не наф. Бу жаҳон ғам чекмакка  
ҳам арзимас экан. Шоҳликдан фақирлик афзалроғ-у,  
жаҳондордан кўра гадо озоду ихтиёrliroқ экан. Шун-  
дан дунё ишларига этак силкиб, шоҳликдан дил уз-  
моқни ихтиёр этдим. Шу ерни маскан билиб, руҳларни  
улфат тутдим. Эл-улуснинг ғавғосини эшитсам, кул-  
фатим ортади. Бу оламдин қўл тортганимга шукроналар  
айтиб, саодат суурини тұяман.

ИСКАНДАР. Илкингдаги сұякларнинг синоати не?

ДАРВИШ. Ҳаргиз қабристонни қезар эканман, бир  
муаммо дилимни ўртайди. Бу сұнгакларнинг қай бири  
шоҳники-ю, қай бири гадоники? Бу икки матоъ ўлган-  
да-ку бир, нечун тириклика низо қиласидилар?!

ИСКАНДАР. Ҳа, ўйларинг адoқсиз, савдоларинг  
кушойиши гумон экан. Аммо, ҳимматинг баландлиги  
мени лол этди. Бу ҳиммат улуғ мартабаларга хос. Во-  
қиан сенинг рутбанг шоҳлиғ экан.

ДАРВИШ. Ҳиммат — менинг ҳамишалик ҳамроҳим.  
Кимгаки ҳиммат ёр бўлса, у жаҳондорликни әмас, фа-  
қирликни тилайди, фақирлик билан үзини жаҳондор  
этади. Сен фақирликни кўча-кўйда тиланиб юргувчи  
гадойлик деб билма! Уни худо шоҳларнинг шоҳи қилиб  
қўйган. Кимгаки ҳақ ҳушёр ақл берган бўлса, у шоҳ-  
ликни әмас, камтарин фақирлик йўлини тутғуси. «Ал-  
фақри фахрун» — фақирликдан фахр этмиш ноиби худо.  
Шул боис фақирликдек давлатдан кечиб, шоҳлик мар-

табасини қабул этолмайман. Менинг ҳимматим түрт давлатни тилайди: интихосиз ҳаёт, боқий йигитлик, абадий бойлик, безавол шодлик.

ИСКАНДАР. Дарвиш, хижолат қоплайди мени. Гадолик ҳимматингдан шоҳлик мартабаси пастроқ экан. Оллоҳ менга шоҳлик иноят этаётган бўлса-да, фақир ҳимматинг олдида ғарибу ҳақирроқман. Тангри сенга кўрсатган карамини биздан ҳам дариғ тутмасин.

\* \* \*

НАВОИЙ. Эй, соқий! Ғам ва аламлар юрагимни сиқиб юборди. Менга бир қадаҳ тўла лола ранг май келтир. Мен уни бир симириб ичай-да, ўкириб-ўкириб йиглай.

Эй, муғаний! Кел-да, фифон куйини куйла, бузилган кўнглимиизни янада буз. Зеро, бу мотамхона дунё фироқ дарди билан бизни мотамга солди ва ғамга гирифтор қилди.

Эй, Навоий! Бу жаҳондан вафо кутма, фақирлик йўлини туту, дунёдан умидвор бўлма. Қимки фақирлик ва камтарлик йўлини тутса, шундай одамгина жаҳоннинг ғам-кулфатини тортмайди.

### ТҮРТИНЧИ ҚУРИНИШ

Қўрғон шаклидаги ҳашаматли сарой. Уртада ўйга толганча,  
қўлида китоб, Искандар пайдо бўлади.

ИСКАНДАР. (*Китобни ёниб, ўз-ўзига*).

Аlam ичра дам урмағил,  
эй кўнгил!

Не ғам етса, қайғурмағил,  
эй кўнгил!

Мотам лиbosларида сарой аъёнлари кирадилар.

АФЛОТУН. Шаҳзода, билимдонлика замон кишиларининг сарваридурсен. Шу боис бизнинг панд-насиҳатимиз, сабру иродага ундашимизнинг ҳожати йўқ. Ажал шоҳимизга кўз тиккан экан, қазога розиликдан бўлак не чорамиз бор.

СУҚРОТ ҲАҚИМ. Қазодан келган нарсаларга розилик бермайдиган, билъакс зору нолонлар қилиб дунёни бузадиган кимсалар ақлдан баҳрасиз одамлардир. Ақл эгаси тангридан бошига неки етса, рози бўлиб, шукр этади.

**БАЛИНОС.** Илоҳ бу даҳри дунё сендан маҳрум бўлмасин. Бори ҳалқ айрилиқ доғининг дарди душвор эканини тан олади. Бу дардга кимки сабрсиз эрса, қазога розилиги учун оладургон мукофоти ҳам, мусибатнинг савоби ҳам йўқолади.

**БУҚРОТ.** Ҳаракатда бўлган ҳар бир нарса интиҳосига етгач, албатта, тўхтайди. Одамни ҳам шуларни бири ҳисобла!

**ҲУРМУС.** Боғ ичида гўл очилиб бўлгач, ниҳоят боғбоннинг кўнгли ундан совийди. Чироқ қанча жойни ёритмасин, барибир унинг ҳам куни қораяди. Дунёниғ хосияти шу бўлгач, одамлар доим бир мақомда жамъ бўла олмайдилар.

**ФАРФУНОС.** Оллоҳ яратмиш денгизлар ичида ўз дуридан жудо бўлмаган бирор денгиз йўқ. Бу азалий расму одат тангрининг суннат ва қоидасидир.

**АРАСТУ.** Қазонинг ҳар қандай ҳукмига тан бермаслик, ҳақ таолонинг лутф-марҳаматига ношукурчиликдур. Менинг сўзларимдан мурод панду насиҳат сўйламоқ эмас, зеро хаёлимни ғам асир этмиш. Сенинг дарду ғамингга даво топай дейман-у, аммо тилим лол, дилим ошуфтаҳол. Оллоҳнинг ўзи кўнглимиздан ғамларни аритсин.

**ИСКАНДАР.** Аҳли фузало! Муборак нафасларингиз билан қалбимда ниҳон яраларга малҳам босмоқдасиз. Сизлардан аён бўлган ҳамдардлик танимга умрдан қувват бағишлайдур.

**АРАСТУ.** Шаҳзода, ҳеч кимнинг ўлмаган ва тупроққа кўмилмаган кишиси йўқ. Бу дунё шундай тузилган экан, бундан ўзингга хulosа ясагин-у, ғам-alamни бас қил! Тириклик ташвишини қил! Тана бошсиз бўлмагани каби, эл-улус шоҳсиз яшамоғи мумкин эмас. Салтанат тожи сени кутмоқда.

**ИСКАНДАР.** Рум кишварининг фузалою фуқаролари. Мартабангиз хоҳ улуғ, хоҳ қуий бўлсин, барчангиз мен каби тангрига бандасиз. Шу боис сизга ўз ожизлигимдан кўнгил озорини баён этмоқчиман. Отами Оллоҳ лутф-иноят билан бу мамлакатга подшоҳ этди. Тангри ота-боболаримга шоҳлик рутбасини насиб қилибдики, ҳаммаси тахт кўрки, баҳту саодат соҳиблари бўлдилар. Мен бир эътиборсиз кимсамен, боз устиға салтанат иши ҳаддин зиёд хатарлидур. Шер юкини тортмоққа чумоли қодирму?! Алалхусус шоҳлик мен каби нотавонларнинг кори эмас. Шоҳликка на рафбатим ва на ниятим бор. Сизлар бу мамлакатни идора

қилмоққа лойиқ бир ҳукмрон ахтаринг. Ҳар ишда замон аҳлининг талабу истагидан воқиф, адлу ҳақда во жиб кимса бўлсун.

**АРАСТУ.** Шаҳзода, бошлаб, тангри йўқликдан сенга вужуд берди. Гўдаклигингдан то ўспирин ёшинггача бошингга ҳеч бир ғаму ғусса солмади. Мушкулингда балолардан ҳимоят қилди. Бошингдан оёғинггача гўзаллигу, оёғингдан бошинггача маҳбублик намоёндур. Булардан бўлак яна ақлу идрок ато этиб, сени кўпга раҳбар айлади. Шулар эвази Оллоҳга шукrona этмоғинг жоиздур. Аммо сен эса тангрининг марҳаматидан бош буриб, гуноҳга ботасен.

**ИСКАНДАР.** Гавҳарфуруш Арасту, жаҳонда ҳеч кимса йўқки, унинг ўз феъли хўйи, замирида бир хосияти-ю, вужудида бир ҳолати ва кайфияти бўлмаса. Ақли салим ва тани соғ одам ҳаётга тафаккур ҳам мулоҳаза билан боқсагина, рост йўлинни топади.

**АФЛОТУН.** Шаҳзода, жамолингда жаҳондорлик намоён бўлган чоғида не боис бу андиша кўнглингга тушди? Эл-улус адлинг, ақлу донишингга муҳтож. Бу каби зулмни унга раво кўрмоқдин не суд? Наҳот ўз уйингга бегонани киритасен? Ота-бобонгдан мерос бу юрга меҳринг, муҳаббатинг йўқму?

**ИСКАНДАР.** Ватанинни севиш имон нишонаси, дейдилар. Имоним тазийқида айтаманки, юрга муҳаббатим ҳаққи шоҳлик хотиримға малол келадур. Хаёлимни ақлу ҳикмат банд этмиш. Шоҳлик менга нораво. Кўнгил ҳаволарни истайди. Сайру саёҳат, дунё томошонасидаги ҳангомалар ғарази дилимга ғулув солади.

**СҮҚРОТ.** Кўнглингда Ватан иштиёқи бор экан, уни тарк этмоққа ошиқма! Сафар мангулик азобдир. У дунёга бўладиган сафарингнинг ўзи кифоя эмасми? Мен кетиб, бу одамлар қолади деб уйлама. Дунё ғанимат. Биз барчамиз бир-биримизга меҳмонмиз. Агар кўнглинг сайру саёҳат тилар экан, сафарнинг фойда-зиёнига талабгор эсанг, Ватан ичра мусофири бўл. Ул-фату анжуман даврасига кир. Алалхусус вужудингда имон нишонаси бор экан, ватан жаннатининг гулистонида гуллар сарала. Шоядки, басират кўзларинг ёришгай.

**ИСКАНДАР.** Басират кўзлари? Бу не ақида?

**АРАСТУ.** Маъни аҳли ичра бор шундайин ҳаводис. Алар наздига Ҳақ таоло инсонга маҳлуқотдан айру, қалб, ибрат, ақл-идрок ва тафаккур кўзларини, яъниким басират кўзларини ҳам бермиш. Кимнинг басират кў-

Зини таңгри ёритган бўлса, унинг кўзи қаёнга тушар экан, у ердаги ғаройиботларни бор бўйи кўради ва кўнгли изтиробга тўлади. Ул кимса астойдил назар солса, дунёдаги барча нарсадан ўзи ажаброқ чиқадур. Зеро, ҳар ким ғаройиблар тамошасига ишқибоз бўлса, истагани ўз вужудида пинҳон ва яшириндур.

Ривоят қиласидиларки, денгизда бир гуруҳ балиқлар бўлиб, улар сувда юзганлари ҳолда, ҳамиша қандай қилиб сув топишнинг хаёлини қиласар эканлар. Иттифоқо баҳайбат бир наҳанг аларнинг барини ютиб, ўз қорнида жамлади. Шунда булар аввал сувда эканлар-у, энди сувдан тайрилганларини ҳис этдилар. Ҳиссаким, барча ажойиботлар инсоннинг ўзида жо, бироқ уни билмоққа таъби нодонлик қиласи. Ҳар кўринган қизиқ нарсанинг ортидан югуради. Ўз улуғлигидан, ўз ганжинасидан эса огоҳ эмас. Кимки шу ганжинани топмоққа мұяссар бўлса, жаҳон аҳлининг шоҳи худди шунинг ўзидир.

**ИСКАНДАР.** Сиз менга вужуд тилсимотларидан сўзлайсиз. Зеро камина шу «вужуди инсон» аталмиш либос ортидаги тилсимотлар тилагидамен. Билдимки, у бир интиҳосиз маъво. Инчунун, жаҳон аҳлига шоҳлиқ пуч хаёл кўринадур. Сониян, қалб ганжиналарининг шоҳлифи тугул, раиятга раҳбар бўлмоқ ташвишу тадорликларидан бехабармен. Шоҳлиқ не, салтанатни не тадбир била тутмоқ лозим — шууримда ҳали бу сўроғлар жавобсиз.

**АРАСТУ.** Шаҳзода, падари бузругим сенинг тоъленомангни битганида, юлдузларнинг бутун бахту офат мақомларини аниқлаб, тақдирингни тожу тахт шавкати мунавар этажагини башорат қилиб эди. Тақдирдан қочиб бўлмас. Ҳақ таоло сени халқдан мумтоз қилиб яратди, уларга муҳтоҷ айламади. Сенинг мартабанг ўшанинг лутф-марҳамати туфайлидир. Агар унинг амрига итоат этмас эсанг, сенинг ҳам мушкулинг осон бўлмас. Модомики рутбаи олийга етушганинг муқаррар экан, биз, илм аҳли, сени шоҳлик тузукларидан огоҳ этмоғимиз фарзdir. Илло сўнгра не тадбир тутарсен ихтиёр ўзингда.

Шу пайтда мулозимлардан бири кириб келади.

**МУЛОЗИМ.** Шаҳзода, эрон юртининг ҳукмдори Доро қошидан элчи келибди. Ҳузурингизга кирмоққа ижозат сўрайдур.

\* \* \*

НАВОИЙ. Эй, соқий! Ғам тарқатувчи шаробингдән бер, ғам тарқатувчигина эмас, мотам тарқатувчи жомингни тут. Уни симирай-да, ғамим қолмасин, отам таъзиясидан фориғ бўлай.

Эй чолғучи, навони ёқимли туз-да, менга муттасил навосозлик қил. Қулоғимга дилкаш садоларни еткур. Мен бенавога оромбахш наволар еткур!

Эй, Навоий! Агар, сей доно кишиларга мақбул бўлишини истасанг, ўзингни ўртacha меъёрда сақла, эл қатори бўл!

## ИККИНЧИ ПАРДА

### БИРИНЧИ КЎРИНИШ

Қаёний шоҳ Доронинг саройи. Саҳна түрида таҳтда Доро ўтирибди. Атрофида вазири вузаролари, аъёнлар. (Доро мулоқотида асосан иккита вазир иштирок этади.)

БИРИНЧИ ВАЗИР. Румга юборилган элчи қайтди. Хузурингизга кирмоққа ижозат сўрайди.

Ижозат ишораси бўлгач, элчи — иккинчи вазир кириб, таъзим қиласди.

ДОРО. Сўйла, шаҳзодаи навжувон сенга не илтифотлар кўрсатди? Болалик ҳаволари қўнглидан кетиб, шаҳлик шавкату корига нойил бўлубдурму?

ЭЛЧИ. Шоҳим, шаҳзода бағоят ақлли, сўзлари мазмундор ва ўзи олижаноб зот куринди. Шунингдек, у илму ҳикмат ишини қўллайдиган забардаст ва диловарсифат йигит бўлибдур. У шундай шавкат ва салобат эгаси эканким, унинг ҳузурида бирон одам бир оғиз сўз дейишга журъат этолмас.

ДОРО. Бир гўдак болани хўб мақтадинг. Дуруст! Ақли баркамол бўлса, мен-ла дустлик ривожини тилар? Падари йўлини тутиб, бож хирожни унутмас?!

ЭЛЧИ. Марҳаматли шоҳ, Искандар Эрону Румнинг осойишини тілайди, бироқ Файлақус тўлагувчи бож мингта олтин тухумни беришга хоҳиши йўқ. Бинобарин, Доро бу беҳуда савдони хаёлидан чиқарсин демиши. Эрон лашкарини ўз тифи билан забун этажагига ишончи зўр.

ДОРО. Бу не афсона! Искандар сен айтганча ақл соҳиби эмас, девонага ўхшайдир-ку! Ёки бу сўзларни айтган чорида, у ўзини билмайдиган даражада маст

эдими? Ва ёхуд ҳали эс-ҳуши кирмаган бола эканкӣ, сўзларида ақл раҳнамолиги сезилмайди?

ЭЛЧИ. Уни на телба ва на маст деб фаҳмладим, наздимда, у фафлатпараст ҳам, гудак ҳам эмас...

ДОРО. Бас! У гудак менинг қулбаччам, отим жиловини ушлаб юрувчи мулозимим бўлмоғи жоиздир. Ота-боболари менинг хонадонимнинг қули, аждодлари аждодларимнинг хизматкори бўлганлиғи туфайли, ақли улғаяр, ўзи ҳам киши ғонига кириб қолар, деб унинг сўзларини сўз ҳисобига қўшиб юрсан, у ўзини гүё бир денгиз фаҳмлаб, мени дарёчалик назар-писанд қилмабди. Бундай беандиша муомала унинг бадниятлиғидан далолатdir. Мен унга шундай таъзир берайким, эслаганида ҳар қандай бадкирдорнинг кузлари очилсий.

ЭЛЧИ. Эй шаҳриёр, сенга доимо баҳт ёр бўлсин. Мен фақат ўзим эшитган, курган ва билганларимниги на айтдим, зотан буларни айтишга мажбур эдим. Ишонсанг, бу аҳволнинг бир чорасини қил, ишонмасанг, яна ўзинг суриштириб бил.

Доро ўйланиб қолади. Шу аснода элчи чиқиб кетади. Шоҳ қолган аъёнларга ҳам жавоб бериб, биринчи вазирни олиб қолади.

ДОРО. Ўрда атрофида бўлган одамларни узоқлаштири, бу яқинда бирон кимса қолмасин. Ўзинг эшик олдидан ҳеч қаёнга жилма. «Бугун шоҳ ҳеч кимни қабул қилмайди!» деб жар сол. Агар эрта оқшомга қадар келмай қолсан, ўз тадбирингни кур, ҳаёлингга неки келса, шуни қил. Лекин бир кечаю кундуз бу сирдан ҳеч ким воқиф бўлмасин. Ва мендан бу қаби ҳаракатнинг боисини ҳам сўрама. Энди боргоҳ олдига бир от олиб кел!

Вазир жадал чиқиб кетади. Доро ичкарига кириб, ҳарир парда ортида шоҳона либосларини ечиб, элчиларга хос кийим кияётганида саҳна қоронғулашади.

\* \* \*

НАВОИЙ. Эй, соқий, менга дўстона май келтир, май каёнийлар қадаҳида бўлсин. Бу давроннинг одати жафокорлик, у на Қайга ва на Дорога вафо қилди.

Муғаний! Паҳлавий куйларини нағма-оҳангга солиб, бир маънолик фифон чек, менинг назмимда баён қилинган шоҳларни, сен ҳам ўз қўшиғингда ёд эт.

Эй Навоий! Адаб билан шоҳона қадаҳ кутариб, ҳордигингни тарқатгин-да, кайфинг яхшиланиши билан афсонангни давом эттири.

## ИҚҚИНЧИ ҚУРИНИШ

Искандар саройи. Шаҳзода Арасту ва бошқа илм аҳллари билан суҳбат қурмоқда.

**АРАСТУ.** Одамларнинг қилмишлари адоват бўлиб қолди, гина-адоватлари ҳануз тугамайди. Жаҳонда неча хил миллат бўлса, ҳаммасининг табиати гина қилмоққа мойил. Наинки миллат, ҳатто ҳамкаслар ўртасида ҳам бир-бирига оқибатлик, аҳд одамларни тополмайсан. Бирори бир ишда маҳорат кўрсатса-ю, ўзга ҳамкаёби ҳам шу ишга моҳир бўлса, бу икки касбдош ўртасида жанжал кўтарилиб, «сен эмас мен» дейди. Тааёсуфки, икки орада низо чиқиб, жанжал бошланади. Гўё бунинг бири тупроққа кўмилса, иккинчисига ер кенгаядигандек. Бу кўпроқ давлат аҳли ўртасида содир бўлгувчи ҳодисот.

**ИСКАНДАР.** Эй, ҳикмат аҳлининг ҳакамлари. Бир иш юзасидан икки кимса ўртасида юз берган низони йўқотиш мумкинми? Низони кимки эшилса, ақл уни ман этиш ҳақида буйруқ беради. Аммо шундай бир йўл-йўриқ бўлсаки, у қоидага асосан, низо чиқариш айни замонда фойдами ёки зарар келтириши аён бўлса.

**АРАСТУ.** Нозик савол! Айрим низоларни ақл рад этгани каби, баъзиларини мақбул ҳам кўради. Низодан фойда ҳам, зарар ҳам чиқиши мумкин. Модомики бир ишнинг жанжалсиз ҳал бўлиш имкони йўқ экан, кимса шундай шартга риоя қилмоғи лозим, яъни душман билан олишмоққа ўзи қодирму йўқми? Галаба қозонмоққа кўзӣ етса, у пайтда олишмоққа бел боғласа дуруст. Агар қувватини баробар ҳисобласа, можаро чиқармоқнинг ҳожати йўқ. Насиҳат билан кифояланиб қолган маъқулдир. Насиҳат ҳам ётиғи билан бўлса, рақибининг жаҳл отини жиловлади. Воқиан ҳар бир ишда ақл йўлбошчилик қилса, кимса ночор аҳволга тушмайдур.

**СҮҚРОТ.** Ўз феъл-атворига ақл-идрок билан боққан одам ҳар бир ишнинг қайси фойдали, қайси зарарли эканини англаб олиши мушкул эмас. Бинобарин, тана кишини хор қиласди, қаноат эса одамга шараф бағишлиди.

**АФЛОТУН.** Бале! Киши ақл ҳакамлигига иш тутса, яхшилик ва ёмонликни озми-кўпми фарқ этади. Унинг таъби яхшиликини маъқуллайдиган бўлгани учун, қилган ишлари ҳам фойдали бўлиб чиқаверади. Бироқ бажарилиши машақкатли бўлган ишга кишининг наф-

Си осонликча мойил бўлмайди. Нафс кишини уз йўлиға солган тақдирда, кўпгина фойдадан бебаҳра қолади. Шоҳлик ҳам шунга ўхшайдур. Яъни элни рози қилган шоҳ халойиқнинг дуоси билан муродига етади. Ўз нафси фойдасини кўзлаган шоҳ эса савобли фикрларни тарқ этиб, ёқимсиз феълларни амалга оширади. Оқибат аларнинг обрўларига путур етиб, қарамоғидаги одамларга ўзи қарам бўлиб қолади.

Мулозим киради.

**МУЛОЗИМ.** Доро ҳузуридан муборак чеҳрали, басавлат ва ҳушёр бир элчи келди.

**ИСКАНДАР.** Яна элчи!.. Унга ҳурмат кўрсатиб, ёнимга келтириб ўтқазинг! Букун кечаси ғаройиб бир туш кўриб эдим, ажаб эмаски, бу ўшал тушимнинг таъбири бўлса... Нужум аҳли аҳкомича, шу кунлар ажиб ҳодисалар бўлмоғи лозим.

Элчи қиёфасидаги Доро қўлида учи эгри узун таёқ-чавгон, ёғочдан ясалган тўп-гўй ҳамда идишда кунжут кўтариб киради. Элчилик удуми бўйича таъзим бажо қилиб Искандар қаршисига ўлтиради.

**ИСКАНДАР.** Даври даврон суриб юрган шоҳ Доро ҳушвақтми? Мамлакат ишларидан шодми?

**ЭЛЧИ (ДОРО)** Шукр. Тангрининг марҳамати билан.

**ИСКАНДАР.** Ҳузуримизга келмоғингдан мурод не? Ҳамонки хирож борасинда бўлса, аввал келмиш элчига айтгон сўзимиз сўз: тилло тухум бергувчи қуш аллақачонлар учиб кетган. Доро тўрт-беш кунлик умр учун ранжу машаққат чекиб, хазина устига хазина йиққан билан, у беҳисоб хазиналардан не наф — ғаму кулфатми? Магар аввал топқонидан фойда кўрдими? Бир ишнинг зарари фойдасидан кўп бўлса, уни давом этдурмак оқилларнинг кори эмас. Илло биздан тилло тухумлар сўраб, бизга ҳам, ўзига ҳам машаққат етказмасун. Дўстлигимиз рахна топмасун. Бу пандимиз кўнглига оғир ботган эрса, унинг сўзи ҳам биз учун аҳамиятсиз. Хаёлидан хирож таманносини чиқарсун! Ўзга неки сўзинг бўлса сўзла, сирру розингга бизни ҳамроз эт!

**ЭЛЧИ (ДОРО).** Жонингга тангридан дуолар бўлсин, шаҳзода. Эрон шоҳи Доро менга бир қанча мўътабар сўзлар айтмишки, уни эшитмак шарафига, ҳар ким ҳам нойил эмас. Агар бу анжуманда ўтирган кишилар тарқаса-ю, мен билан фақат баҳодир шаҳзода ўз-

лари қолса, шаҳаншоҳнинг барча сўзларини баён қилмоқга менда имкон яралур эди.

**АРАСТУ** (*шубҳа билан*). Галат таклиф. Бу элчи «фидойи»лик қасдидা бўлмасин?

**ЭЛЧИ (ДОРО).** Пок фикрли шаҳриёр демишларки, агар хилватда сұхбат қилмоқ иложи бўлса, яъни шаҳзода бўлса-ю, сир айтувчининг ўзи бўлса, сен бизниг сўзларимиз барини баён эт. Агар ундан бўлмаса, урнингдан туру қайтиб келавер. Агар улар сени ҳибс этиб қамаб қўйсалар ҳам, дамингни чиқарма. Дарҳақиқат, мендин гумонингиз бўлса, қўлимни ҳам, оёғимни ҳам боғлатингиз!

**ИСКАНДАР** (*тутақиб аъёнларига*). Барчангизга рухсат. Бизни холи қолдиринг. Сени эса боғлашга ҳеч зарурат йўқ. Ҳудҳуд<sup>\*</sup>нинг қилиғи шунқорни чўчитмас.

**АРАСТУ.** Шаҳзода, сизларни холи қолдирмоқдин аввал, икки оғиз сўзимга қулоқ бер. Ҳамма ҳам кўринишда одамга ўхшагани билан, бир-биридан ер билан осмонча фарқ қиласадур. Эл сарвари жавоҳиршунос мисол ҳар кимнинг феъл-атворига қараб муомала қилмоғи лозим. Илло, шоҳда фаросат нури бўлса, ёшу қари, катта-кичик, дўсту душман барига зийраклик билан муносабат кўрсатур.

Аъёнлар чиқиб кетадилар. Искандар элчи билан ёлғиз қолади.

**ИСКАНДАР.** Мақсадинг ҳосил ўлгандир? Қани энди айт! Махфий сўзинг не?

**ЭЛЧИ (ДОРО).** Жаҳонга адолат нурини сочган Доро сенга салом айтиб, дедики, бож-хирож қадимий русумдир. Бизнинг уни олмоққа эҳтиёжимиз бўлмаса-да, лек бизга тобе шоҳлар нени ҳукм қилсан, ҳукмимизга итоат этмаклари, қудратимизга тан бермаклари жоиз. Сен бизга итоат ўйлани тутиб, ўзга шоҳлар каби, банда бўлмадинг, отанг ишини давом эттирмадинг. Хирожни юбормаганинг тери, ҳузуримизга бирон кимса жўнатиб, узроҳлик қилмадинг. Элчи юборсан, ҳаддингни унутиб саркашлиқ қилибсен...

**ИСКАНДАР.** Даврон шоҳи покзод Доро ўз сўзларига бениҳоя зеб берибдур. Сўз машшотасига берилиб, ғалат гуфтторлар ҳам қилубдур. Алалхусус, шоҳларни бандам деб, улуг мартабали зотларни хизматкорим дебдур. «Бандам» деб хитоб этмак, одам учун нораво-ку?! Таомилга кўра одамизод Ҳаққагина ибодат ва қул-

\* Ҳудҳуд — сассиқпопишак.

луқ қиладур. Зеро «бандам» демоқ, тангрига ярашадур. Доронинг бундай сўз айтиши тангрига «шериклик» даъво этмак билан баробар. Инчунун Доро мазкур иштибоҳи ила куфр йўлига кирибдур...

**ЭЛЧИ (ДОРО).** Ўз дараҷасини билган одам бундай сўзларни айтмайдур. Сенинг ишларингни тадбир билан ислоҳ этиб, тузатмак, душвор. Муомалангдан тентаклик мужиби келадур. Не бўлса ҳам ҳали гўдаксен, бошинг тошга тегмаган...

**ИСКАНДАР.** Доро шу сўзларни ҳам айтган бўлса, яна куфрга кетибдур. Яъни мени маст, гўдак, телбатентак деб туҳмат қилибдур. Ҳар кимки бу уч иш била туҳмат қилса, куфру гуноҳ байроғини кўтарган чиқар. Фараз қилки, икки ҳимматли шоҳ мамлакат талашиб, можаро бошласалар, бири катта-ю, бири кичик бўлса, улуғи тушунчалик бўла туриб, кичигига «Мен каттамен!» демас.

Лайлакнинг улуғ қуш аро сони бор,  
Вале шунқор оллида не жони бор.

**ЭЛЧИ (ДОРО).** Қизил тилинг бошингга оғат келтирмаса деб қўрқамен.

**ИСКАНДАР.** Билимдон ва хушёр кишилар учун ўзининг қаршисида турган кимсанинг қандай одамлигини билмоқ улуғ ишдир. Шу пайтга қадар Доро кучсизлар билан уришиб келди, мендайларга эса ҳали иши тушмаган. Унга ҳар йили хирож бергувчи бечораларга биттадан эски тож сотибди. Тож бериб, тож оловчидан хирож талаб қилмайдилар. Ақл билан иш кўриш — ҳурсандлик келтиргани каби, ноўрин тамагирлик ақлсизликдан ўзга нарса эмас. Тама билан орамизга хусумат солмасин. Шавкатли салтанати, беҳисоб лашкари билан қанчалар мағурурланмасин, улар менинг тифим олдида дош беролмайди. Озга ҳам, кўпга ҳам зафар бергувчи Оллоҳнинг ўзи.

**ЭЛЧИ (ДОРО).** Сенда жаҳолат кўп экан-у, ақл оз экан. Ҳар нечук ёшсен, биссавоб Доро айбларингдан кечгуси. Қаму кўстларингни бутлаб, анинг ҳузурига боргайсен, баланд оstonамизни тавоф қилғайсен. Шунда юзингдаги хижолат арийди. Шоҳдан беҳисоб лутфу иноятлар кўрасен. Магар шу амримиздан бўйин товласанг, жаҳлу ғуруринг түфён қилиб, Доро сўзини рал қилсанг, нодонлиғ кўчасига кирган бўлурсен. Билғети бу гўдаклиғинг нишонаси бўлғай. У ҳолда шаҳриёр сенга гўю чавгонни муносиб билиб, ушбуни савғо қилғуси.

**ИСКАНДАР.** Шоҳ менга эҳсон қилиб, гўй била чавгон юборибдур. Бунда ҳам бир яшурин маъно кўрамен. Илм аҳли жустужу қилиб, ер юзини гўйдек юмалоқ демишлар. Шоҳнинг ушбу ер каби юмалоқ тўпни савғо қилиши тангрининг менга «олам сеникидур», дегани. Чавгон эса Доронинг ўз майдонини менга топшироғидур. Энди мен от суриб, майдоннинг ҳар томонига гўй—тўп ургаймен. Билло шоҳнинг илтифотидин хушбахтиқ туямен.

Элчи ирғиб ўрнидан туради.

**ЭЛЧИ (ДОРО).** Шаҳзода, жонингга раҳминг келсин, жаҳл отидан туш, кўнглингдаги ихтилоф ва ноаҳилчиликка чек қўй! Оқизлигининг эътироф қилмай, низо чиқармоқ учун азм этган бўлсанг, мана кунжут доналарига назар сол. Доро лашкарларининг санофини шу кунжут доналарича бил.

Элчи идишдаги кунжутни олиб Искандар пойига сочиб юборади.

**ИСКАНДАР (кулимсираб).** Магар Доронинг қўшини шу кунжут доналаридан кўп бўлганда ҳам кунжут қушларга ем бўлгани каби, улар ҳам менинг лашкарларимга арзимас ем бўлмоғи тайин.

Искандар ўрнидан туради.

Элчи, мендан эшитганларингни Дорога етказ, мендан неки сўраб, қандай жавоб олган бўлсанг, ўз шоҳингга борича сўйлаб бер!

Элчи ғазаб билан чиқиб кетади.

\* \* \*

**НАВОИЙ.** Эй, соқий! Май келтир. Шундай ичайки, маст бўлиб, худди шердай ўкирай. Ва душман сари маст шердай ҳамла қилиб, ҳаммасига бир дамда шикаст етказай.

Эй, хонанда! Соз чалиб, жанг ҳангомасини тараннум эт. Ашулангда «Шоҳнома» оҳангини куйла. Зеро шоҳу шаҳзода кин-адоват оҳангини бошладилар. Сенинг нағмаларинг садоси билан лашкарлар шижоати янада ошсин.

Эй, Навоий! Жаҳонда уруш ғавғоси қўзғалди. Фитна қуюни осойишталикни супуриб ташлади. Агар сен бу можародан омон қолай десанг, бир нафас ҳам май машғулотидан тўхтама. Замон аҳлига минг хил балолар келса ҳам, май кайфига қонган кимса ҳеч нарсани сезмайди.

## УЧИНЧИ ҚУРИНИШ

Уруш ногоралари гумбурлайди. Жанг-сурон садолари эшитилади. Саҳна ёришиб, ярим сипоҳий кийимларда Искандар ва унинг аъёнлари пайдо бўладилар.

**ИСКАНДАР.** Қай тарафга боқмай, халқдин ўзгани кўзим илғамас. Оломоннинг ҳад-ҳисоби йўқ. Эс-ҳушими ҳайрат қоплайдир, кўнглимға ҳадик андишаси келадир.

**АРАСТУ.** Шаҳзода, сен шоҳлик рутбасининг бир мақоми тадорикидасен. Султонлар ўртасига тушган мажаро жаҳон ичига тушган тўфончадур, зеро бундан жаҳон аҳли вайрон бўлур. Уруш бу тўфонгина эмас, бало дengизининг чайқалмоғи, жаҳон аҳлиниң қонли сув остида қолмоғи демакдир. Бу пайтда жаҳондаги бори мамлакатлардан осойишталик йўқолади. Уруш бу бало селининг мавжланмоғи демакдир. Бу фитна мавжлари халқни ўз оғатига ғарқ этадир. Уруш, бу — довул! Довулгина эмас, ғам ва андуҳнинг селитур. Ундан бутун дунё халқларига кулфат ва алам етади. Уруш кунлари ошнолар бегоналашади, бир хонадонда яшаган одамлардан ҳамхоналиқ йўқолади. Халойиқ кўзини фитна гарди қоплаб олса, бечора халқ ур-йиқит орасида ўзини йўқотади. Уруш балоси улус бошига қирғинлик, ватангдолик солади. Ноахилчилик, муросасизлик авж олаверса, халқ бу кўргуликлар остида топталаверади. Урушни сен халқقا оғат куни оғат эмас, қиёмат куни деб билавер.

**ИСКАНДАР.** Арасту, сўзларинг аччик ҳақиқат! Мен илму ҳикмат даъвоси билан ҳовлиқиб, бевақт жанг майдонига кириб қолмадимми?! Наздимда, шикаст ейишдан ўзгаси насиб этмайдиганга ўхшайди. Ахир икки қўшиннинг бири душманидан икки-уч ҳисса ортиқ бўлса, жанг зарбаси оз тарафни эзмоғи муқаррар-ку. Шу ҳолда уруш қилмоқ — ўз бошини ўз қўли билан кундага қўймоқдан бошқа нарса эмас. Таассуфки, энди жанг майдонидан қайтмоқнинг иложи йўқ.

**АФЛОТУН.** Эй, юксак мартабали зот! Бутун умидингни фақат аскару лашкарга боғлама, тақдирни тангрига ҳавола қил. Ер юзини лак-лак лашкар бостиранг-у, аммо Ҳақ таоло сенга зафар бермаса, не наф? Аскару сипоҳни ҳам ҳаддин ортиқ қийнама, уларни оғату фалокатларга гирифтор қилма. Агар шоҳдан аскарларга азият етадиган бўлса, аскар ва сипоҳдан ҳам шоҳга шикасту зарар етиш хавфи бор. Аларнинг эркини бут-

кул қўлига бериб қўймаганинг каби, ноумид ҳам қилма, яъни улар бир тарафдан сенинг сиёсатингдан қўрқса, сониян, марҳаматингдан умидвор булиб юрсинлар. Сипоҳ кўнглини лутфу марҳаматинг билан шоду, раиятни ўз адолатинг билан обод айла. Шу икки гуруҳ сендан рози ва хурсанд бўлса, сенинг салтанатинг равнақ топади.

**СУҚРОТ.** Билҳақиқат, сен фатҳу ғалабани ва иқбоблингни тангридан умид қил. Қачонки Оллоҳ олдида қилмишларинг тўғри бўлса, эл-улус, лашкардан ортиқ ташвиш чекмоққа ҳожат йўқ. Модомики, Тангри сени ўзининг ердаги сояси қилиб белгилаган экан, шубҳасиз, бу соянинг мартабаси улуғдир. Лекин у соя элу юрга осойишталик бағищламоги, уни обод ва маъмур этмоғи лозим. Эл-улуснинг азиятга тушувига сабабчи бўлиб, яхши номингни ёмонга чиқазма. Фуқарони ўз адолатинг билан эркин яшамогини таъмин эт, у хотиржам бўлсин. Фуқаро тинч ва осойишта бўлса, сенинг барча муддаоларинг ҳосил бўлаверади. Агар фуқаро паришон ва пароканда бўлса, шоҳлик дарахтининг илдизи бушашаверади.

**АРАСТУ.** Шаҳзода, ҳикмат аҳлининг сўзларини дилингга жо эту, билиттифоқ йўлингда давом эт. Кўнгилдан гумонларни қув! Агар шоҳ қийинчиликни енгиш йўлида шижоатли бўлмас экан, у ҳеч бир ишда ғалабага эришолмайди. У ўзига тобе одамлар ва аскарларнинг тартиб-интизомини тиласа, аввало ўзи тўғри сиёсат юргизмоғи зарур. Халойиқ адолатга суюнган интизом билан яшаса, шоҳ икки дунёда азизу мукаррам бўлғуси.

**ИСКАНДАР.** Интиҳосиз ўйлардан озурда кўнгилга тасалли бердингиз. Ташаккур! Тонгда даврон бизга не хунарлар кўрсатадур, якка Оллоҳга аён. Боис хос хонага ўтиб ором олинг, талотўпда қақраган дилларни май селоби билан қондиринг...

Арасту, бир нафас...

Барча аъёнлар чиқиб кетгач, Арасту билан ёлғиз қолиб сўзлашади.

Кўнглимда осойиш йўқолди. Бир тарафда журъат ва умид ҳукмрон бўлса, иккинчи томонда хавф-хатар талваса солмоқда.

**АРАСТУ.** Шаҳзода, кимгаки поклик руҳи мадад берар экан, унинг кўнглига ақл шами нур сочиб туради. Ақлли одамлар ҳар нарсанинг кетини ўйлаб, риоя андиша билан иш тутадилар, уларнинг ўйлаганлари ҳамиша тўғри ва эл-улус учун нафлик бўлади. Зоро сен

денгиз қаршисида сузишни билмай, мустағрақ бұламан деган үйда үтирган бола әмассанки, бу жаңгу жадаллар ақлингни шоширган бұлса. Ё үзга андишанг борми? Сўйла!

ИСКАНДАР. Бу кун хилватда харсанг узра бир ҳол күрдим. Анинг андешаси фикратимга ғулу солди. Тош узра икки каклик бир-бирила бениҳоя қаттиқ, чапдастлик билан уруш қиласы әдилар. Какликларнинг бири катта, қувватли, иккинчиси эса билъакс кичик ва заифроқ әди. Алар омонсиз жанг қилмоқда әдиларким, шу замон осмонда бургут пайдо бўлиб, какликлар сайди учун пастга инди ва туйқус катта какликка чанг солиб, уни кўтариб кетди. Кичик каклик эса ерда жавлон уриб қолди.

АРАСТУ. Тангрига қилган илтижоларинг мустажоб бўлубдур, шаҳзода, фолинг қутлуғ. Хушдилу хушбахт бўл! Агар беҳисоб қўшин соҳиби Доро қувватлиқ какликка қиёс бўлса-ю, сен ўзингни тайрнинг заифи деб билсанг, душманнинг бисёригин писанд этма, тангри гумонингга чора қилибдур. Оллоҳ амри ила у үзга бир қувватдин шикаст топғуси.

Шу аснода шошиб мулозим киради.

МУЛОЗИМ. Шаҳзода, душман томондан маҳфий нома билан чопар келибдур.

\* \* \*

НАВОИЙ. Эй косагул! Менга шундай май келтиргилки, у руҳнинг сармояси бўлсин. Мен уни ичиш билан ақлнинг фазилатларини унутай. Зеро ақл-идрок мени қўлламади, балки ҳайрат менинг жонимга қасд этди.

Эй, муғаний! Бизни қувонтирувчи созларни чалиб, шодлик қўшиқларини куйла!

Эй, Навоий! Бошингга қайғу ўз тифини тортмасдан бурун, бу нафасда шодлик базмини қизитиб юбор!

### ТУРТИНЧИ ҚУРИНИШ

Олислардан қуръон тиловат этаётган хуш садо келади. Искандар хилват бир гўшада ибодат, тавба-тазарру билан машғул.

ИСКАНДАР (*ўз-ўзича*). Фурсат ўтмай, яна ғалавонур, яна уруш карнайлари янграйди. Яна омонсиз жанг бошланиб, яна кўкни қиёмат-қойим қўпади.

Оллоҳ-оллоҳ, дунё деган нарса бир аждаҳо экан. Аждаҳо эмас, бир бало экан. Унинг шиори ҳам, одати ҳам халқни ютмоқдин иборат. Бирор аждаҳодан азоб ва ўлим топса, бирорлар ганжу хазина илинжида. Дунёда эса оқибат вайроналикдан ўзга нарса йўқ, ҳеч ким ундан тирик қутулган эмас. У жонни олиб қўя қолмайди, танани ютган билан тўя қолмайди. У жисмнинг хокини тупроққа қоради, боз яна унинг гардларини кўкка совуради. Хотирот аталмиш гарднинг заарига биронда йўлиқасан-у, бироқ йиллар бўйи ундан қутуломайсан. Бирорлар бунинг зааридан ўзини четга тортмоқ учун фано тариқини тутадилар. Аммо қочиб қайга борадилар? Савдолашиб алданган жаллод ўлдирганлари мингга етганда, қиличини ерга кўмар экан. Хоҳ шоҳ, хоҳ шаҳзода бўлсин, иши минглаб одамларни ўлдириш бўлган кимса не қилсин, ўзини қайга яшурсин! Дунё аталмиш аждаҳо комидан қайга беркинай? Вой, юз қатлавой!

Яна қуръон тиловат қилаётган садо эшитилади. Шу аснода фурсат ўтгач, шовқин-сурон билан Доронинг икки вазири қонга белангани шоҳни судраб, Искандар ҳузурига олиб келиб ташлайди.

Аъёнлар, мулизимлар киради.

**ИСКАНДАР. (элчини таниб).** Элчи!

**БИРИНЧИ ВАЗИР.** Элчи эмас, Эрон шоҳи Доро. Сенинг ҳузурингга элчи қиёфасида келиб, ҳоли рафторингни ўз кўзи билан кўрмоқчи бўлган эди.

**ИСКАНДАР.** Киши ўз ғаними ҳузурига ҳеч бир дастуру яроқсиз келиб, у билан сухбат қилмоққа журъат этган экан, бу ҳол ул кимсанинг шер юраклиги ва ақли фасоҳатидин далолатдур.

Искандар шу сўзларни айта туриб, Доронинг беҳуш бошини тиззасига олади. Доронинг ҳуши ўзига келиб, кўзларини очади. Искандарни таниб, ҳайратга тушади.

**ДОРО.** Шаҳзода?... Навқирон баҳодир, мени танидингму? Мен-ла олишмоққа журъат этган телба гўдакмикан, деган хаёлда даргоҳингга бориб этим. Йўқ, билъакс сенга ҳавасим келди. Фаҳминг, фаросатинг ақлимини шоширди. Сен билан душман бўлиб эмас, оға-ини, ота-бала бўлиб сухбат қурмоқни орзулаб кетдим. Не иложким, ўртада тама ғарази бор эди. Ажал ноумид қилиб турган шу тобда, Тангри мени умидвор этди, муродимга еткурди.

**ИСКАНДАР.** Етти кишварнинг шаҳаншоҳи тирик бўлсинлар, жаҳон сиздан бир нафас холи бўлмасин. Сизга шунчалар беилтифотлик қилганимдан хижолатдаман.

**ДОРО.** Хижолат чекма! Жуда қалтис фурсатда юзлашдик. Сени жонимдин ўзга бирон нарса билан сийлай олмайман. Илло мен сенинг бир нафаслик меҳмонингман...

Шиоринг дўстлик бўлса, икки дунё тангриси ёринг бўлғай. Ва гар қатл ниятинг бўлса, мурувват қил, бир нафас жонимни омоҳ қўй, икки-уч сўзим бор, айтай.

**ИСКАНДАР.** Шаҳаншоҳ, камина Сизнинг хизматкорингиз, шарманда бир хизматкорингиз!.. Кошонангиз мулозими бўлиб, хонадонингизни ғанимлардан ҳимоят этиб юрмоғим жоиз эрди. Таассуф, таассуф! Худо шоҳид, қаршингизда уруш синоҳини тузганимга иқрорман. Аммо бу фожиани кутмаган эдим. Икки хиёнаткор ноибингиздан махфий нома келиб эрди, бироқ алар фитнасига шерик бўлмадим. Биллоҳ бу ҳодисот олдида ёруғ олам кўзларимга қоронғу!

**ДОРО.** Шаҳзода, сўзларимга қулоқ тут, шуларни айтмоққа кўзим мунтазир.

**ИСКАНДАР.** Мени у муродингиз билан сирдош этинг, неки фармонингиз бўлса, буюриб, бошимни баланд айланг.

**ДОРО.** Менинг уч сўзим — уч васиятим бордур. Бири шуки, бегуноҳ бўлганим ҳолда, менга сунқасд қилган икки вазирим—у икки душманимни адолат юзасидан қатл эт, бу билан менинг руҳимни шод этасен. Гарчи бундан менинг жароҳатим тузалмаса ҳам, аммо бу чора сенинг келажагинг учун фойдалидур.

Иккинчиси, менинг қавмларимга зулм қилма. Қайси шоҳ афву карамни одат билса, унинг мартабаси сарбаланд бўлғуси. Жувонмардликни, саховатни касб этган кимса жаҳон аҳли ичра мумтоздир. Зоро қавмларимга карам қилсанг, улар сенга тоабад садоқат кўрсатгай.

Учинчиси буки, меним Равшанак исмли қизим бор. У шу кундан бошлаб менинг менсизимдур. У Каёнийлар тожининг меросхўри. Лозим топсанг, ўз хонадонингни шу шам бирла ёритгил. Ақд-никоҳ ила уни ҳарамингга ол! Шояд, наслу насабимиз завол кўрмагай.

Ушбу васиятларимни қабул этсанг, видолашар чоғда ёруғ дунёдан ризолик била кўз юмамен.

**ИСКАНДАР.** Шаҳаншоҳ, нёки ҳукм этган бўлсангиз, барласини қабул этдим. Умидим улки, Оллоҳ тавфиқ бериб, Сизнинг руҳингиз менинг узримни ҳам қабул айлагай!

Доро шу сўзларни эшитиб туриб жон беради. Искандар изтироб ичра Арасту сўзларини эслайди.

Уруш! «Билки ул кундур—офат куни, не офат куни-ким, қиёмат куни». Доро, сенинг ҳолингга эмас, ўз аҳволимга зор-зор йиғлай! Бошимга беҳад мушкул ишларни солдинг!. Уруш, ўлдириш тўхтатилсин! Элга амну омон!

Доро жасадини олиб чиқиб кетадилар.

**ИСКАНДАР** (*сотқин вазирларга қарата*). Фалак зулм чофида эпчил бўлганидай, зулмнинг жавобини қайтаришда ҳам жуда чаққон. Агар бирордан бирорга офат етса, офат етказганга етадурган жазо бундан қаттиқроқ бўлади. Агар бирор жафо қилиб, бир ипни узган бўлса, жазолаш вақтида ўша ип аждарга айланишини кўзда тутмоқ керак (*мулозимларига буюради*). Уларни ҳибсга олинг!

**БИРИНЧИ НОИБ.** Шаҳзода, сенинг хизматимиз эвазига курсатган марҳаматинг шуми?

**ИСКАНДАР.** Кимки бир учқунни фитна билан беркитиб, кул қилган бўлса, ўша учқуннинг чақини унинг ўзини охирида кул қилади...

**ИККИНЧИ НОИБ.** Қаҳр қилиш касби бўлган шоҳ олдида энг гуноҳсиз одам ҳам гуноҳкорроқ саналар экан-да?

**ИСКАНДАР.** Сизлар ўз шоҳингизга хиёнат қилиб, гуноҳга ботдингиз. Энди менга вафо қиласмидингиз?! Хиёнатнинг жазоси ўлим!

**БУҚРОТ.** Валиаҳд, сенинг ҳукмингга бўйсунишга мажбур бўлмиш ҳар хил халқ гуруҳлари борки, шоҳ авлодидан бўлишингга қарамай, сен ҳам шу гуруҳлардансан. Зоро, яратилишда ҳамма одам бир жинсдантир. Уларнинг кўплари билим ва камолотда сендан мұътабар, қобилиятда сендан юксак турмоқлари мумкин. Худо сени уларга амиру уларни эса, сенинг амр-фармонинга бўйин эгувчи қилиб қўйди. Бордию ўшалардан бирига сенинг мартабангни берган бўлса, амрига бўйин эгмай нима қиласмидинг? Фарқ шундаки, Ҳақ таоло сенга баҳт ато қилиб, сен ҳам халққа раҳбар бўлиб қолдинг. Гуноҳинг учун тангридан омонлик тилаганинг-

да, узингни уларнинг бири деб гумон қил. Ниманики ўзингга нораво деб билсанг, уни халққа ҳам асло раво кўрма. Гуноҳкорни жазолашдан аввал, худо олдида уз гуноҳларинг борлигини ҳам эслаб қўй. Бирорни қатл этиш лозим бўлса, имкон қадар унинг ўлимини кечиктиromoққа урин.

Хато айлаганни ҳисоб айлама,  
Хатосига лойиқ азоб айлама.

ИСҚАНДАР. Эй, аҳли дониш! Фитна-фасод, зулм аҳлини сиёсатда тутмоқни ўзингиз панд бериб эмасмудингиз? Ахир золимни шоҳ қўрқитиб турмаса, бундан золим хурсанд бўлади, мазлумнинг эса боши ғамдан чиқмайди-ку!

ҲУРМУС. Ёмонга жазо бермоқ, гарчи қонун ва сиёсат юзасидан тўғри бўлса ҳам, аммо адолатли ҳукмдорнинг асл йўли шафқат-муруватдур. Афв-карамни ўзига касб қилиб олган одам золимлардан интиқом олмасин, демайман, йўқ. Лекин гуноҳкор уятдан бошини солса, мард унинг бошини тиф билан баттар эгмайди.

Ҳар киши осию гуноҳкорроқ,  
Афв ила раҳматқа сазоворроқ.

ИСҚАНДАР. Агар шоҳ ўз сиёсат тифини ўткир қиласа, халқ ўртасида юзлаб тиғлар қон тўкиб, қон оқиза бошлайди. Олам аҳлиниң масъулиятини киши ўз устига олгач, у хиёнаткор, ёмон кимсаларга зарба бериб турмоғи шарт.

СҮҚРОТ. Бале! Шоҳ покликни, адолатни шиор қилиб олса, халқ ичидаги бўлмиш нопоклик ва ёмонликлар йўқолади. Модомики ёмон одамлар нопок ишларни қилишдан хавф-хатарда бўлса, халқнинг оиласи тинч ва осойишта яшайди.

АФЛОТУН. Билҳақиқат, золимлар зулм қилса-ю, шоҳ индамаса, унинг мамлакати обод, халқи фаровон бўлолмайди. Бинобарин, шоҳ зулмкор кишиларни хокисор тутиши, уларга ҳеч омонлик бермаслиги лозим.

АРАСТУ. Шоҳнинг нияти покликка асосланса, унинг хотири ғараз ила ифодаланмас.

Агар бор эрса поклик нияти,  
Анга ёр ўлур поклар ҳиммати.  
Керак оғзи поку сўзий доғи пок,  
Яна кўнгли поку кўзи доғи пок.

Шундагина у юртни адолат билан маъмур этади, эл оиласини ўз оиласи билади.

Буюк мақсадларга таваккалчилик билан эришиш мумкин эмас. Мумкин бўлган чоғда эса, эҳтиёткорлик лозим. Зеро таваккалчиликка берилиб, ғафлатда қолмоқ ҳам яхши эмас. Давлат корида мазкур ишларнинг энг муҳими мўътадиллар: фитна-фасод билан шуғулланувчи, иғвогар кимсаларни сиёсат остига олмоқ, уларга қаттиқ жазо бермоқ — ҳукмдор учун шарт. Ёмонларни ҳаддан ортиқ қўрқинчда сақлаш — яхшиларнинг бениҳоя осойиш яшамоги учун зарур.

Шаҳзода, маъни аҳлларининг мубоҳасалари ақи уйингни ёритгай. Бале не тадбир этарсен, ихтиёр сенинг дур. Сенинг тадбирийнг борлиқ ҳукмдорининг ҳукмидур.

ИСКАНДАР. Деҳқон ўз ерига ниманинг уруғини экса, шуни ўриб олади. Ҳар ким яхши қилиқли бўлса, ўзига ҳам яхшилик қайтади. Бирон ёмонликдан завқ оладиган бўлса, ўзи ҳам қилмишига яраша ёмонлик кўради. Ҳар бир ишнинг натижаси шу — яхшилика яхшилик, зулмга зулм. Агар қўлланган чора бу қонунга хилоф бўлса, адолат тариқи бузилади... Ҳукмим шу! Жаллод!..

\* \* \*

НАВОИЙ. Эй, соқий! Май келтир, уни ичиб жон топгандек бўлайин, ғам билан ўлимдан омон қолмайин. Даврон Дорога заҳар берган экан, Искандарга оби ҳаёт, умри боқий берармиди?!

Эй, мутриб! Чанг нағмасини созла. Лек бу куйингга йиғини жўр эт. Мен дардимга фиғон тортиб йиғлайин, шиша янглиғ қон йиғлайин, йиғлайин.

Эй, Навоий! Бу жаҳоннинг вафоси йўқ. Унинг расми одати нақ жафокашликнинг ўзгинаси. Ўзинг вафодор бўлгин-у, vale дунёдин вафо кутма! Бу дунёда наво тиласанг, бенаволиғ йўлинни тут!

### БЕШИНЧИ ҚУРИНИШ

Искандар саройи. Шаҳзода, барча аъёнлар, мулозимлар жам бўлган. Искандарни тахтга ўтказиш тантанаси бошланяпти.

АРАСТУ. Валиаҳд, Сиёсат асрорини ҳам касб этдинг! Хаёлингдан сўфиёна ўйлару зоҳидона таважжужуҳлар арисин. Шоҳлик тожини киймоғинг учун, Оллоҳ шу кунни азиз этибдур. Сен ҳам зоҳирсан, ҳам маъниян адолат ишларига шайсен. Алалхусус бизнинг

шоҳлик борасинда айтмиш тузукларимизни гоҳ фикру ўйингга жо қилдинг, гоҳи қилғон амалиётингда бажо этдинг, дағи бажо этадурсен. Ижозат эт, хотифи худо ҳўкмини адо этайлук:

Арасту ва Балинос Искандарни иккі қўлидан тутиб таҳтга ўтқазадилар, бошига тож кийгиздилар. Шу тантаналар асносида ҳарир парда тушиб, унинг ортидан саҳнада Жомий ва Навоий пайдо бўлади.

**ЖОМИЙ.** Талаб йўлида кўзланган манзилга етмоқ мушкул иш. Маълумингизким, «илми ийқон»да айтилмиш: жаҳон аҳли үзида қанчалар фазилатлар пинҳонлигин билмагани билгандин ҳам афзалроқ ва улуғроқдир. Илло ҳамиша англамоқ, билмоқ муродинда ранжу машаққат чекмоқ анинг такмилига бойсдур. Инчунун маъни аҳли ичра эътибор топмоғига сабабдур.

**НАВОИЙ.** Ихтилофим боиси улки, үзни англамоқ мақсудима етушмадим, билъакс үзгани билмоқ тараддудини қиласенми?

**ЖОМИЙ.** Тангри жаноблариға ўзгалар кўнглидаги муддаоларни инкишоф этмоқ машаққатларида үзни англамоқ учун имкон берибдур. Қалам тутмоқдин ғарз шул экани Сизга аён.

**НАВОИЙ.** Билҳақ шундоғ! «Хамса» сафаринда тўрт манзилни кезиб, инсон аталмиш турфа дунёларни тасниф қилмоқни кўзладим. Ўзни билмоқ таманносида яна сафар тадорикидамен. Билмон, ҳаргиз ҳадик хуруж қиласидур, vale саъй шиддатимдин дағи тарк этадур. Сўнг манзилда эса боз гумонлар...

Эшитдимки, жаноблари ҳам Искандар достонини зеб-зийнат ила назм илкиға чекмишлар.

**ЖОМИЙ.** Бизим мақсадимиз тавориху фасоналарга ружуъ этмай, Искандар ирод этмиш дур каби бебаҳо сўзларни битмоқдур.

**НАВОИЙ.** Ул дурларнинг харидоримен! Алҳол, хотиримни ғамдин озод этдингиз. Камина Искандарнинг ботинида кечмиш турфа ҳолатларини, таҳайюрлари тағайюрларини, фаною бақо андешасини қаламга олмоқ, адолат тилаги бўлмиш шаҳлик тузукларини баён этмоқ умидидамен. Гарчи таворих ғуборини тозалаб, мозий кўчасида йўлчи бўлсан-да, замона кориға чора, излаймен. Замона Искандарини сўроғлаймен.

**ЖОМИЙ.** Иншооллоҳ, Тангри истакларингизни пойдор этгай. Бу найрангбоз фалак ичра истиқоматгоҳда

хар бир сеҳргар ҳам бирон нишонга нақш чекмакчи бўлса, хоҳ ул нишоннинг вужуди чиройлик бўлсин, хоҳ хунук, хоҳ макруҳ бўлсин, хоҳ ёқимлик, барибир, бундин аввал сабру қаноат кўрсатиб, кўнгил ва рақларидан ул борасиндаги хаёлларни бир-бир сахифалаб олади, vale бусиз анинг иш бошламоги гумондур. Ва яна билингким, Тангри замон атроклари ичра жаноблариғагина иноят этиб, ҳидоят қуёшини сочди. «Хамса» битмак Сизнинг учун толедир. Барча файзу футух, марҳаматлар етган замонда гумон кўчасида кезмоқ Оллоҳ ҳукмига қарши бормоқ ила баробардур. Кўнгилдан ваҳималарни билкулли тарқ айлаб, йўл тадорикини кўринг. Қамина эса бу ранжу аламлик йўлда Сизга илҳому зафар дуосида бўлғаймиз.

**НАВОИЙ.** Устоз, нотавон жиссиммә Исо нафасини бағишлигандек бўлдингиз. Бамисли тасвиротга жон бағишлиамоқ асроридан хабар топгандек бўлдум. Қуллуқ! Файбдин кўнглумга етган иноятларга жаноблари қанот бердилар. Ҳотифи соний, фотиҳа бергайсизким, ўз хилватхонамга қайтиб, Искандар оламиға азимат айлай...

**ЖОМИЙ** (*Дуога қўл очиб.*) Ҳақ илкингизга қувват, қаламингизга илҳом бахш этгай, улуғ зотларнинг руҳи поки қўллағай. Тангри дурлар уммонини насиб этгайким, ул Сизга муборак ўлғай! Омин!

\* \* \*

**НАВОИЙ.** Эй, соқий! Латъл рангли сувни олиб кел!  
Уни ичайда кўзимдин дурри нобимни оқизай.

Эй, муғаний! Кўнгилга роҳат бағишивчи найни чал, зеро қаламим ёзмоққа шайланди.

Эй, Навоий маҳвашибининг жамолини пардозламоққа шошил, ҳуснига боқиб, висолидан муродингни ҳосил айла.

Искандарни тахтга ўтқазиш тантаналари яна олдинги планга чиқади. Тўй-тантана, куй садоларида аста-секин ҳазини най куйи таралиб, парда ёпилади. Парда ёпилаётганда, Навоий олдинга ўтиб, томошибинларга мурожаат этади.

**НАВОИЙ.** Искандар тахтга ўлтиргач, жаҳондорлик жаҳдига тушди. Бори ҳўлу қуруқ мамлакатларни фатҳ этиб, беҳисоб хазиналар ортириди. Охирул-амр қазо соати етганида айтдики: «Нимани хаёл қилган бўлсан, ҳаммаси ҳавасга ичилган май каби бефойда экан. Аслида, ақлимни танигач, жаҳон шоҳлигини ти-

ГУЛИ. Дугоҳ йўлида, лекин янгича тарона.

АЛИШЕР НАВОИЙ. «Дугоҳи Ҳусайнй». Сенга мақбулми?

ГУЛИ. Илоҳи! Бегимни саломат қил!

АЛИШЕР НАВОИЙ (мамнун). Қуйлаб берурмисен?

ГУЛИ. Сиздан уялурмен. Машқ билан маромига етказсам.

АЛИШЕР НАВОИЙ. Сен каби овоз соҳиби бутун Ҳурросонда борми ё йўқми, маромига етказиш нимаси?

ГУЛИ. Ҳаддин зиёд муболага қилурсиз.

АЛИШЕР НАВОИЙ (меҳр билан). Сен ҳар қанча муболагага муносибдурсен.

ГУЛИ. Саховатингиз учун ташаккур, бегим.

АЛИШЕР НАВОИЙ. Энг яхши ташаккур — илтимосни қондириш.

(Алишер Навоий соз чалади, ГУЛИ қўлёзмани олиб куйлади.)

Лаъли жонбахшиндин айру оби ҳайвонни нетай?

Ҳардам ар юз жон берур, жононасиз жонни нетай?

Гар эмас манзур юзинг, ҳур бирла гилмонни нетай?

Гулшани кўюнгдин айру боғи ризвонни нетай?

Бошима гар гул сочар, сенсиз гулафшонни нетай?

То айирди мендин ул маҳвашини чархи кажниҳод,

Эй Ҳусайнй, телба кўнглум бўлмади бир лаҳза шод,

Оқибат чун топмадим ул шўх васлидин мурод,

Ердин айру бузуғ кўнглумга қилдим хайрбод,

Эй Навоий, уйла ганж ўлмай чу вайронни нетай?

АЛИШЕР НАВОИЙ. Офарин.

ГУЛИ. Мирзо Ҳусайн туркийда ғазалнавис эканликларини кўп эшишиб эдим. Бу қадар моҳир эканликларин энди билурмен.

АЛИШЕР НАВОИЙ. Пардани анча баланд олмоқ лозим, Гули! Мавлоно Лутфийни демасалар, буқун туркийда ҳеч ким Ҳусайнйдек ашъор бита олмас.

ГУЛИ (гина билан). Навоий-чи?

АЛИШЕР НАВОИЙ. Аслин олганда, Навоий бу борада Ҳусайнйига шогирддур.

ГУЛИ. Энди ҳам муболага, ҳам камтарлик қилурсиз.

АЛИШЕР НАВОИЙ. Йўқ, Гули. Ул амирзода кўп вақтин баҳодирлик машқи билан ўтказур. Навкарлари асосан Туркистон заминининг турли туфроидин. Машқ орасинда бири Гўрўғлидин достон айтур, яна бири «Туркий Шоҳнома» деюрлар ҳазрати Юсуф Болосоғунийнинг

«Қутадғу Билиг»ин үқур, давра қуриб, лапару ялла куйлаюлар. Фарғона навоҳисидин бўлганлари нозук сўз санъатиким, асқия қилурлар. Шунинг учун бугун турк фуқаросидин ҳеч қим бу тилни Ҳусайн Бойқарочалик билмас. Ул зот туркийнинг назмдаги имкониятларини форсийдан юқори қўюр. Мени она тилимизда ижодга ундан келадир. Ўзи ҳам намуна кўрсатадир.

ГУЛИ (қизиқиб). Сиз таърифлагандек ашъоридан ўқиб берурмисиз?

АЛИШЕР НАВОИЙ. Мана, қулоқ тутгил:

*Оҳким, ҳижрон ўтидин куйди жоним ўзга навъ,  
Ургади оғоқни ўтлуқ фифоним ўзга навъ.*

Бу қофия ва радиф Ҳусайнининг ихтиросидур. На форсий, на туркийдаги бирор девонда учрамас. Туркий ғазалнавислар эса, умуман, «айн» ҳарфига шеър битиб, девонга киритмаслар.

ГУЛИ. Ажаб ўзга навъ байт чиқмиш.

АЛИШЕР НАВОИЙ. Балли. Мен ҳам бағоят таъсирланиб, татаббу боғлашдин ўзни тиялмаганмен. Энди бошқа машҳур ғазалининг матлаъсин ўқуюн. У ёр васлидин айру ошиқ кайфияти бобидадур. Аввало айт-чи, Гули, ўз маъшуқаи манзурасини кўра олмайдурган ошиқ не қиласдур?

ГУЛИ. Айрилиқдин шикоят.

АЛИШЕР НАВОИЙ. Яна?

ГУЛИ. Ҳижрон ғамида ўртанур.

АЛИШЕР НАВОИЙ. Яна?

ГУЛИ. Ул бераҳмдин зор этур ё фалакдин дод этур.

АЛИШЕР НАВОИЙ. Дарвоқе, сен нечун шеър машқ қилмайдурсен? (*Гули ерга қарайди.*) Яна?

ГУЛИ. Васлининг орзусида умид ила илтижо.

АЛИШЕР НАВОИЙ. Тасанно, Гули! Мен ҳам сен каби жавоб айтган бўлур эрдим. Дўстим эса «қирқ йил қуруқ тоат-ибодатдин бир кунлук солиҳ амал яхши» ойини бирлан битибдурки:

*Бир нафас ул ойни кўрмак чун эмасдур дастрас,  
Они кўрган ерни, ваҳ, бориб кўроийин бир нафас.*

ГУЛИ. Бағоят гўзал! Тасанно бегимнинг амирзода шоир дўстига! Лекин мен учун барибир Навоий бу оламда беназирдур. Шу боис Ҳусайнин ғазалига татаббуни ҳам нася қилмасунлар.

АЛИШЕР НАВОИЙ.

ланган Пашлавон Мұхаммад ва иниси әшик олдида тұх-  
тайдалар.

ХУСАЙН БОЙҚАРО. Ассалому алайкум, дүсти қадр-  
доним.

АЛИШЕР НАВОИЙ. Ваалайкум ассалом, ҳабиби  
вафодорим.

(Айвонга ұтирадилар.)

АЛИШЕР НАВОИЙ. Мұхаммас учун ташаккур. Фиш-  
тин ғазалға зархал кошин бұлибдур. (Хусайн Бойқаро  
сүкүтда.) Бугун кайфиятинг суст күринади?

ХУСАЙН БОЙҚАРО. Сену менға ҳомийлик қилиб  
келган Мирзо Абул Қосым Бобур Машҳадда вафот эт-  
миш.

АЛИШЕР НАВОИЙ. Маърифатли темурийзодалар-  
дин эрди. Оллоқ раҳмат қылсун.

ШАЙХ. Омин. (Юзга фотиҳа тортадилар.)

АЛИШЕР НАВОИЙ. Ворис ким эркан?

ХУСАЙН БОЙҚАРО. Ворис йўқ. Мирзо Абу Сайд  
Хурросонни ҳам Мовароуннаҳрга қўшиб, Соҳибқирон дав-  
латин тиклаш ниятида эрмиш.

АЛИШЕР НАВОИЙ. Ҳазратдек адолатли бўла олур-  
ми?

ХУСАЙН БОЙҚАРО. Ҳамма гап шунда-да. Абу Сайд  
золим ва ўчкор феъллидур. Раҳматли Мирзо Абул Қо-  
сим Бобурга қаттиқ кеки бор эрди.

АЛИШЕР НАВОИЙ. Билурмен.

ХУСАЙН БОЙҚАРО. Абу Сайд унинг хизматида  
бўлғонларни таъқиб этажагига шубҳам йўқ, Алишер.

АЛИШЕР НАВОИЙ (ўйчан). Нечунким ҳазрати Со-  
ҳибқирон вафотидин сўнг темурийлар ул зотнинг васият-  
ларига амал қилмай бошладилар? Ҳар ҳукмдор алма-  
шуви тус-тўполонсиз кечмагай? Юртга вайроналик, ра-  
ниятга зулм келтирмай, салтанатга ворислик шариатга  
мувофиқ ҳал этилса бўлмасму? Токай бу кўҳна жафо-  
каш юрт бир юксалиб, бир ҳароб бўлаверади?

ХУСАЙН БОЙҚАРО. Сўзларинг аччиқ, дўстим, ле-  
кин айни ҳақиқат.

АЛИШЕР НАВОИЙ. Бу ҳақда темурийзодалар ўй-  
лаб кўрмаклари, буюк бир қурултой ҳақириб низом туз-  
маклари лозим күринадур.

ХУСАЙН БОЙҚАРО. Мирзо Абу Сайднинг бу ишга  
бош қўшишидин умид йўқ. Мен бу ҳақда кўп ўйладим.  
Устозим амир Барлос бирла кенгашдик. Ва салтанат  
учун курашмакка қарор бердим.

**АЛИШЕР НАВОИЙ.** Оллоҳ мададкор бўлсун, дустим. Хурносон тахтига Мирзо Абу Саид кимни ҳоким этмакчи, хабар топдингми?

**ҲУСАЙН БОЙҚАРО.** Пойтахтни Ҳиротга кўчирмак истагида ўзи юриш бошламиш.

**АЛИШЕР НАВОИЙ.** Наҳот? Соҳибқирон давлатининг пойтахти Самарқанд эди-ку?

**ҲУСАЙН БОЙҚАРО.** Абу Саид Мовароуннаҳр қонини сўриб тугатган чиқар, энди Хурносонга ҳам талабгор бўлса керак.

**АЛИШЕР НАВОИЙ.** Сенинг бу ерда қолмөғинг хавфли туюладур.

**ҲУСАЙН БОЙҚАРО.** Шунинг учун хайрлашмоқ бурчини ўташга келдим. (*Үринларидан қўзғаладилар*.)

**АЛИШЕР НАВОИЙ.** Хайрлашмоққа? Қай тарафни мўлжал қилмоқдасен?

**ҲУСАЙН БОЙҚАРО.** Хоразмни ул тарафдин садоқатли амирлар топиш ниятидамен.

**АЛИШЕР НАВОИЙ.** Англадим, дўстим. Ортиқ тафсилотга ҳожат йўқ. Мен сенинг ёнингда борурмен.

**ҲУСАЙН БОЙҚАРО** (*миннатдор*). Бу-ку мен учун саодат бўлғай эрди. Лекин тақдири азал нималар раво кўражаги, мени қандай бало-қазолар кутажаги номаълум. Шу боис сенинг ҳаётингни хавфга қўйишига рози бўла олмасмен.

**АЛИШЕР НАВОИЙ.** Абу Саид Мирзо келгудай бўлса, менга ҳам аъмонлик бермас. Ахир, Абул Қосим Бобур хизматинда бўлғонмен. Барибир чақурлар.

**ҲУСАЙН БОЙҚАРО.** Абу Саид бунга ботинмаса керак. Лекин ҳар эҳтимолга қарши, сенинг хизматингга эски қадрдонинг ва муҳлисинг, энг садоқатли паҳлавонларимиздин Муҳаммад Гўштингирни иниси бирла тайин этмадамен. (*Улар қуллуқ қиласилар*.) Бири кўз бўлса, бириси қулоқ бўлғай. Буниси қалқон эса, униси қилич. Хавф туғилган тақдирда сени Машҳадга олиб кетурлар. У ерда Абу Саиднинг сенга қўли етмас.

**АЛИШЕР НАВОИЙ** (*қучади, кўнгли бузилиб*). Сени кўрмак истасам, қандай хабар топурмен?

**ҲУСАЙН БОЙҚАРО.** Бу борада ташвиш чекма, факиринг зиммасида бўлғай. Фақат бир илтимосим бордур. (*Қўлини узатади. ПАҲЛАВОН МУҲАММАД қаламдон ва довот тутади*.) Бу улуғ бобом Амир Темур Қўрагондин бизнинг хонадонга мерос эди. Ижодингга барака келтурсун.

**АЛИШЕР НАВОИЙ.** Шошма, дўстим. (*Осигуриқ қи-*

лични олади.) Раҳматли отамнинг қиличи. Аларнинг жуссаси кичикроқ бўлгани учун Дамашқда маҳсус ясаттириб келган эканлар. Қаламдай енгил, аммо бир энлик темирни йиғочдай кесиб ўтадур, Кичкина Баҳодур номин шу қилич билан забт этмишлар. Омад келтирсун.

(Яна қучоқлашиб хайрлашадилар.)

Ўнг томон қоронғулашиб, чап томон ёришади. Сарой: Абу Саид таҳтда. Вазир Ҳўжа Афзалуддин кириб таъзим қиласди.

АБУ САИД. Нима янгилик?

ХЎЖА АФЗАЛУДДИН. Бир қошиқ қонимдин кечишингизни утинаман.

АБУ САИД (хушламай). Нечанчи бор!

ХЎЖА АФЗАЛУДДИН. Мансаб тақозосидур, шоҳим.

АБУ САИД. Сўйланг.

ХЎЖА АФЗАЛУДДИН. Мирзо Ҳусайн Астрободни илтига олибдур.

АБУ САИД (важоҳат билан туради). Бу бало яна қайдин чиқди?

ХЎЖА АФЗАЛУДДИН. Кутвол қочиб келган.

АБУ САИД. Нечун жанг қилмабди? Ёш гўдакдин мустаҳкам қалъани ҳимоя эта олмабди? Дорга тортилсин.

ХЎЖА АФЗАЛУДДИН. Бош устига. (Чиқмайди.)

АБУ САИД (ўтириб). Яна нима гап?

ХЎЖА АФЗАЛУДДИН. Кутволни осган билан иш битмас, шоҳим. Мирзо Ҳусайн куч тўпламоқда эркан.

АБУ САИД. Нияти не экан, нияти?

ХЎЖА АФЗАЛУДДИН. Хуфялар хабарига қараганда, Марвга юриш қилмоқчи.

АБУ САИД. Дарҳол чора кўрилсин!

ХЎЖА АФЗАЛУДДИН. Буюринг, шоҳим.

АБУ САИД. Шаҳарни айғоқчилардин тозалангиз!

ХЎЖА АФЗАЛУДДИН. Бунинг тадорики кўрилмакда.

АБУ САИД. Шубҳали кишиларнинг барин тутиб йўқотингиз! Дарвоҷе, Ҳусайн Мирзо Абул Қосим Бобур таълимин олган, шундайми?

ХЎЖА АФЗАЛУДДИН. Шундай, шоҳим.

АБУ САИД. Кимда-ким Абул Қосим Бобурдин эътибор топган бўлса, дарҳол зинданбанд этилсин!

ХЎЖА АФЗАЛУДДИН. Бош устига, шоҳим. (Тарафдудда.) Фақат...

АБУ САИД. Нима фақат?

**ХҮЖА АФЗАЛУДДИН.** Абул Қосим Бобур саройида хизмат ўтаган Алишер Фиёсуддин Баҳодур ўғли Машҳаддин келиб пойтахтда истиқомат қилмоқда.

**АБУ САЙД.** Навоий! Хабарим бор. У Ҳусайн Бойқаронинг қалин дўсти ҳам деюрлар. Балки жосусидир. Дарҳол ҳибсга олинсин!

**ХҮЖА АФЗАЛУДДИН.** Бундоқ тадбир осон эрмас, шоҳим.

**АБУ САЙД.** Нима, ҳибсга олиш ҳунарин унутдингизми?

**ХҮЖА АФЗАЛУДДИН.** Навоий Ҳурносоннинг обрули хонадонидан. Аждодларининг темурий султонларга кўп хизмати сингган.

**АБУ САЙД** (*қовоғини уйиб*). Жумладан, Абул Қосим Бобурга.

**ХҮЖА АФЗАЛУДДИН.** Бугун у шоир сифатида бутун Ҳурносонда маълумдир. Шарафуддин Али Яздий, Шайх Камол Турбатий, Мавлоно Лутфий дуоларини олмиш. Йигирма яшарлигинда девон битганким, эл орасинда машҳурдир.

**АБУ САЙД.** Демак, бир шоирнинг ишин адо этиб бўлибди, ижодига барҳам берса бўлаверар экан.

**ХҮЖА АФЗАЛУДДИН.** Навоий шоиргина эрмас, замонанинг фозил илм соҳибларидандир. Машҳад мадрасаси таълимий ўн йил ўрнига уч йилда битирмиш.

**АБУ САЙД** (*тоқати тоқ бўлиб*). Мадрасада жосусликни ҳам ўргатмишларми?

**ХҮЖА АФЗАЛУДДИН.** Бу ҳали исботланган эмас, шоҳим. Шунчаки бир тахминидур.

**АБУ САЙД.** Сиз исботини топгунча кеч бўлса-чи? Навоий ўрнига сизнинг бошингизни олишга тўғри келгайму деб қўрқамен.

*(Хўжа Афзалуддин сукут сақлайди.)*

**АБУ САЙД** (*бетоқат*). Сўйлангиз. Не чора кўрмак ниятидасиз?

**ХҮЖА АФЗАЛУДДИН.** Амирлар бирлан маслаҳатлашилди. Бир тадбир тавсия этилур.

**АБУ САЙД.** Хўш?

**ХҮЖА АФЗАЛУДДИН.** Мақбул топилса, Навоий салтанатга хавф эмас, фойда келтиргай эди.

**АБУ САЙД.** Баён этинг.

**ВАЗИР.** Уни саройга таклиф этмак.

**АБУ САЙД.** Жосусни саройга олишдин не суду нима мақсад?

**ХҮЖА АФЗАЛУДДИН.** Доим назоратингиз остида булрай, салтанатингиз обрусига обру ўшилғай. Энг муҳими, Мирзо Ҳусайн билан ораларини бузишга муваффақ бўлурбиз.

**АБУ САИД** (*Ўйланади. Үрнидан туриб, вазирга яқинлашади*).

*Жаҳон ганжига шоҳ эрур аждаҳо  
Қи, ўтлар сочар қаҳри ҳангомида.  
Анинг коми бирла тириклик эрур  
Маош айламак аждаҳо комида.*

Бу мисраларни ким ёзган?

**ХҮЖА АФЗАЛУДДИН.** Узр, шоҳим...

**АБУ САИД.** Шунча каллага бошқа тузукроқ фикр келмабди-да? Балки ўрнингизни бўшатиб бергайсиз?

**ХҮЖА АФЗАЛУДДИН.** Билурсиз, бунинг орзусида юрганлар кўп. Алардин бири Навоийни тириклайн ўлдириш маслаҳатин бермакда:

**АБУ САИД.** Тушунмадим. Ким у?

**ХҮЖА АФЗАЛУДДИН.** Амир Низомулмулк.

**АБУ САИД.** Чақирингиз. (*Низомулмулк кириб таъзим қиласи*). Амир (*Жилмайиб*) Навоийни тириклайн лаҳадга кўммоқчимисиз?

**НИЗОМУЛМУЛК.** Бунга ҳожат йўқ, шоҳ ҳазратлари. Алишербекнинг кичик тоғойиси Фарибий Ҳусайн Мирзо хизматидадур. Шуни баҳона қилиб, катта тоғойиси зинданга солинса, сўнг Навоийни Ҳусайн Бойқаро ҳузурига элчи қилиб...

**АБУ САИД.** Тоғойиси?

**НИЗОМУЛМУЛК.** Ҳа. У Навоийга айни замонда қайинота деса ҳам бўлғай.

**АБУ САИД.** Қатл этилсин!

**НИЗОМУЛМУЛК.** (*сесканиб*). Шоҳ ҳазратлари...

**ХҮЖА АФЗАЛУДДИН.** Шоҳим, утинамен. Бошқа чора кўрайлик.

**АБУ САИД** (*жаҳл билан*). Салтанатга хавф туғилган чорда қўлимни қайтармангиз. Фарибийнинг оғаси қатл этилиши шарт!

**ХҮЖА АФЗАЛУДДИН.** Навоийнинг бизга нисбатан душманлиги ортгай, шоҳим.

**АБУ САИД.** Ўзини Ҳиротдин дарҳол ихрож қилингиз.

**НИЗОМУЛМУЛК** (*чайналиб*). Анча-мунча мулки бор...

**АБУ САИД.** Айни муддао. Мусодара этилсин!

**ХҮЖА АФЗАЛУДДИН.** Шундин сүңг ўзи Ҳиротни ташлаб кетса керак.

**АБУ САИД** (*кесатиб*). Ҳусайн Бойқаро ҳузурига-ми?! Йўқ. Доим кузатувда бўлмоғи шарт. (*Қарсак ча-лади. Мулозим киради.*) Амир Низомулмulkка тўн кийдирилсин. (*Кийдирадилар, у таъзим қилиб, қоқиниб-туртиниб чиқади.*)

**АБУ САИД** (*Хўжа Афзалуддинга*). Дарҳол хирож тўплашга киришингиз, Ҳусайн Бойқарога қарши қўшин тортмоқ заруратин сабаб қилиб.

**ХЎЖА АФЗАЛУДДИН.** Бу йил ҳосилиндин икки бор хирож йиғилди, шоҳим. Янгисин халқ кўтара олмас.

**АБУ САИД.** Халқ, халқ! (*Ғазаб билан*). Бу тадбирларни Низомулмulkка топширғаймен. (*Қўзини қисиб.*) Лекин улар сиздан чиққан деган хабар тарқатурмиз. Ҳизингизни эса Марв қалъасига кутвол этиб тайинлайди. Токи агар ҳимоя қилмасангиз, Ҳусайн дўстининг ўчи учун терингизни шилсин.

**ХЎЖА АФЗАЛУДДИН.** Шоҳим!

**АБУ САИД.** Гап тамом. Жўнанг. (*Хўжа Афзалуддин чиқади.*) Низомулмulk чақирилсин.

**НИЗОМУЛМУЛК** (*кириб*). Амрингизга муштоқмен, шоҳ ҳазратлари.

**АБУ САИД.** Сизни Хўжа Афзалуддин ўрнига тайин этиш фикрига не дерсиз?

**НИЗОМУЛМУЛК.** Ўла-ўлгунча итдай сидқ билан хизмат қилғаймен.

**АБУ САИД** (*яна қўзини қисиб*). Навоийни уйланган дедингиз, фарзандлари борму?

**НИЗОМУЛМУЛК.** Онаси вафот этиб, тўйлари ҳали бўлган эмас.

**АБУ САИД.** Қаердин билурсиз?

**НИЗОМУЛМУЛК.** Қадрдон... танишлигимиз бор.

**АБУ САИД** (*таажжуб билан*). Шундай денг?

**НИЗОМУЛМУЛК** (*оёғига йиқилиб*). Шунчаки, шоҳим, шунчаки.

**АБУ САИД.** Қаллиғи гўзалми?

**НИЗОМУЛМУЛК.** Билолмадим. Лекин ноёб овоз сөҳиби деб таъриф қилурлар.

**АБУ САИД.** Ҳарамга келтирмоқ чорасини кўрингиз!

**НИЗОМУЛМУЛК.** Шариат уламолари норози бўлмасмиканлар?

**АБУ САИД.** Бошқа бирор амирга буюринг, ҳарамига олсун. Бу қилмиши учун уни ясоқقا тортинг, сўнг бор-будини мусодара қилинг.

НИЗОМУЛМУЛҚ. Бош устига, шоҳ ҳазратлари.

АБУ САИД. Салтанат катта маблағга муҳтоҷ. Дарҳол янги хирож йиғмоққа киришинг. (*Низомулмұлқ тағзим қиласы*.)

Дастлабки күріниш. Алишер Навоий уйи томон яқинлашади.

Әшик олдидә соқчилар йўлини тўсадилар.

АЛИШЕР НАВОИЙ. Бу не ҳол? Бу дарвозада соқчиларга не ҳожат? (*Низомулмұлқ чиқиб, Алишер Навоийни ҳовлига олиб киради*.)

НИЗОМУЛМУЛҚ. Мирзо Абу Сайд амри билан молу мулкингиз ва уй-жойингиз хазина фойдасига мусодара этилди, Алишербек.

АЛИШЕР НАВОИЙ. Не сабабдин? Қайси айбим учун?

НИЗОМУЛМУЛҚ. Бу ёғи менга қоронғу. Ўйлашымча, Мирзо Абул Қосим Бобур хизматида бўлғонингиз сабабидиндор.

АЛИШЕР НАВОИЙ. Темурийлар хонадонига хизмат қилиш жиноят эканму?

НИЗОМУЛМУЛҚ. Мирзо Ҳусайн Бойқаро билан дўстлигингиз учун ҳам. Ўзингизга маълум — у Мирзо Абу Сайдга душманлиғ йўлига кирмиш.

АЛИШЕР НАВОИЙ. Душманига илтифот кўрсатиб, дўстга айлантириш — Соҳибқирон Амир Темур Кўрагоннинг васияти эмасму?

НИЗОМУЛМУЛҚ. Мирзо Абу Сайд ҳазратлари ҳеч кимнинг дўстлигига муҳтоҷ эмаслар.

АЛИШЕР НАВОИЙ. Хўб бахтиёр эркан Мирзо Абу Сайд! Уй-жойимдин маҳрум этга, қаерда истиқомат қилишимни тайинлаган бўлсалар керак?

НИЗОМУЛМУЛҚ. Ўзингизга боғлиқдур. Лекин бир кун ичида пойтахтдин чиқиб кетмоғингиз буюрулган, Алишербек.

АЛИШЕР НАВОИЙ. Бу яна қандай бедодлик? Бир кун ичида қандай қилиб Ҳиротни ташлаб кета олғаймен?

НИЗОМУЛМУЛҚ. Алишербек (*овозини пасайтириб*) Султон Абу Сайд дарҳол ихроj қилишни буюруб эрдилар. Азбаройи сизга ҳурматимдин бир кунга кечиктирмакни зиммамга олдим.

АЛИШЕР НАВОИЙ. Илтифот учун ташаккур, Лекин аҳамиятини кўрмайдурмен.

НИЗОМУЛМУЛҚ. Таассуф бўлсин, зарурат.

**АЛИШЕР НАВОИЙ.** Хўш бир кун қолмоғимнинг не зарурати бор экан?

**НИЗОМУЛМУЛК.** Ҳали хабар топмағон кўринасиз...

**АЛИШЕР НАВОИЙ** (*хавотир билан*). Очиқроқ сўзлангиз, амир!

**НИЗОМУЛМУЛК.** Тоғойингиз Қобулийнинг жанозасин ўтказиб кетмоғингиз лозим.

**АЛИШЕР НАВОИЙ** (*ҳангы манг*). Тоғайим?! Жаноза?

**НИЗОМУЛМУЛК.** Ўзингизни босинг, Алишербек. У киши Шоҳ ҳазратларининг фармони билан бугун қатл этилган.

**АЛИШЕР НАВОИЙ.** Ё фалак!

(*Мотамсаро куй. Саҳнага иккита тобут кўтариб кирадилар. Олдинда — Паҳлавон Муҳаммад. Келиб Навоийни қучади.*)

**ПАҲЛАВОН МУҲАММАД.** Алишер, жигарбандим! Тоғойингизга шаҳодат қонин ичирдилар.

**АЛИШЕР НАВОИЙ.** Отам ўрнида ота бўлган тоғойим!

**ПАҲЛАВОН МУҲАММАД** (*ийғлаб*). Бардам бўлинг, азизим!

**АЛИШЕР НАВОИЙ.** (*Гандираклайди, Паҳлавон Муҳаммад кифт тутади. Алишер Навоий ҳушёр тортади. Иккинчи тобут олдига боради. Паҳлавон Муҳаммадга.*) Наҳот? Сўйлангиз, Паҳлавон!

**ПАҲЛАВОН МУҲАММАД.** Бардам бўлинг, Алишер!

**АЛИШЕР НАВОИЙ.** Сўйлангиз!! (*Исёнкорона*). Бу чархи кажрафтор менга яна қандай тухфа ҳозирламиш?!

**ПАҲЛАВОН МУҲАММАД.** Не илож! Мир Саид Қобулий хонадонининг Гули навкарлар қўлида қурбон бўлмиш!

**АЛИШЕР НАВОИЙ.** Ҳайҳот!!

**ПАҲЛАВОН МУҲАММАД.** Золим Абу Саиднинг разил амирларидин бири Гулини чўри қилиб ҳарамига олмоқ бўлубди. Ул эрса қўлига қилич тутиб йигитлардек жанг қилибди. Икки навкардин падарининг ва ўзининг ҳунини олиб улгурмиш. Лекин ўзи ҳам шаҳид бўлган. (*Ўзини тиёлмай*.) Уйингизни мусодара қилмоқ учун келганларида мен ғофил сизни излаб кетибмен. Келсам... Пок хонадоннинг покиза гули эрди. Оллоҳ ҳузурига ҳам номусини сақлаб кетди. Ота-боланинг жойи жаннатда бўлсан!

(*Шайх тиловат қиласи. Тобутларни олиб чиқадилар.*)

Күй. Алишер Навоий қайтади.  
Ортидан Паҳлавон Мұҳаммад ва иниси.

АЛИШЕР НАВОИЙ. (*Исёнкорлик билан.*)

*Бераҳмдурур оламу золим афлок,  
Бемеҳрдурур анжуму бебок.*

ПАҲЛАВОН МУҲММАД. Сабр, Алишер, сабр.  
Иймонли йигитдурсиз, ўзингизни қўлга олинг, жигарим!  
АЛИШЕР НАВОИЙ.

*Йўқ даҳрда бесару сомон мендек,  
Ўз ҳолига саргаштаю ҳайрон мендек,  
Ғам кўйида хонумони вайрон мендек,  
Яъники, алохону аломон мендек.*

ПАҲЛАВОН МУҲММАД. Алишер! (*У ўзида йўқ. Эшиятмайди.*) Не қилсам экан? Бу золим Абу Саиддин яна қандай хиёнатларни кутмоқ мумкин? Бу ердин анча тез кетилса, шунча афзал. Йўл тадорикини кўргунча хавотирдамен. Шу ердин жилмай туринг, Алишер. (*Инисиға тайинлаб, чиқади.*)

АЛИШЕР НАВОИЙ.

*Ким бўлса бу мотамкададек олам аро,  
Сайр айласа ғамиришлик одам аро,  
Гар одам эрур бўлса, керакдур ғам аро.  
Оламда эса, бўлса керак мотам аро.*

ШАЙХ (*урнидан туриб*). Алишер бинни Фиёсуддин Баҳодур!

АЛИШЕР НАВОИЙ (*ўзига келиб*). Ассалому алайкум, пири комил.

ШАЙХ. Ваалайкумуссалому ва раҳматуллоҳу ва баракотуҳ. Бизни суҳбатингизга мушарраф этсангиз.

АЛИШЕР НАВОИЙ (*яқинлашиб*). Бул ғарибул-фақирда сувратдин ўзга нарса қолмамишки, сизнинг суҳбатингизга ўзни лойик кўра билсан.

ШАЙХ (*супадан тушиб*). Оллоҳга беадад ҳамду саноларким, мендек бир фақир ҳузурига замонанинг энг улуғ зотларидин бири лутф этмакда. Ижозат берингким, этагингиздин ўпай.

АЛИШЕР НАВОИЙ (*чекиниб*). Астағфуриллоҳ. Мен бенавони гуноҳга ботирмангиз, ҳазратим!

ШАЙХ. Сиз эрса мени савобдин маҳрум қилмангиз, Тўрига буюринг.

АЛИШЕР НАВОИЙ. Мен бир кўнгли синган сафол,

вужуди туфроғ, сиздин юқори чиқарға қандоқ журъат этгаймен?

ШАЙХ. Йүқ, Алишер, сиз ҳар қанча юксак мартаба-га муносибдурсиз.

АЛИШЕР НАВОИЙ. Сўзларингизни англашга бу банда ожиздур.

ШАЙХ. Таажжубга ўрин йўқ, азизим. Менинг топ-ганим — қуруқ тоат-ибодат. Сизга эса солиҳ амаллар ила жамият деб аталмиш тўдани поклаш буюрилган. (*Навоий ҳайрон*) Сизнинг ҳолоти руҳиятингизни ўз оғзингиздин эшиитмак истагидамен. Үмmed қилурменким, илтимосим ерда қолмагай.

АЛИШЕР НАВОИЙ.

*Шарбат менга хунобу ғизо ғам бўлмиш,  
Бистарим туфроғу оҳ ҳамдам бўлмиш.*

*Ҳолимға ҳалойиқ иши мотам бўлмиш,  
Ёрсиз ўларим саъб эди, ул ҳам бўлмиш.*

ШАЙХ. Давом этинг, Алишер. Қалб дардларин сочиб ташлангким, марварид дурдоналари каби камина кўнгил риштасига тизгуси.

АЛИШЕР НАВОИЙ. Тақдирি азал мени ота-онадин эрта жудо этди. Укаларим ҳали ёш. Отамерос мулкими тортиб олдилар. Тақдир бир вафодор дуст ато этиб эди, уни ҳам йироққа солмиш. Отадай меҳрибон улуғ тогойимни осдилар, акадай суюнчиқ тогойимни таъқиб этдилар. Севикли маҳбубамни чопдилар. Энди юртимдин қувмоқдалар. Эй, ҳазрат!

*Мунглуғ бошим остидаги тошимниму дей,  
Тош устидаги ғариб бошимниму дей,  
Ҳасрат суйидин кўзимда ёшимниму дей,  
Ўлмакдин саъброқ маошимниму дей?*

ШАЙХ (ҳаяжонланаб). Оллоҳ-Оллоҳ! Сиз санаб ўтган дарду аламлар бу чархи қажрафткор ўйинидин атиги бир заррадур, ўткинчидур. Сиздин эса аслида Оллоҳга шукр вожибдур.

АЛИШЕР НАВОИЙ. Ё Раб! Бу не ҳикматдур?

ШАЙХ. Тинглангиз. Сизга Илоҳи зулжалол олийжаноб ва олийнасаб ота-она насиб этмиш. Сиздек хуштаъб, олийҳиммат ва солиҳ фарзанд тарбиялаган мукаррам зотлар эдилар алар. Барча мўминлар қаторида жойлари жаннатда бўлғай.

АЛИШЕР НАВОИЙ. Омин!

ШАЙХ. Укаларингиздин асло ташвиш чекмангиз.

Алар Шайх Зайнiddин вақфининг қарамоғида бўлғайлар ва муносиб тарбия топғайлар. (*Алишер Навоий таъзим қиласи*.) Пешонага бир садоқатли дўст битган дедингиз, бу Оллоҳнинг сизга буюк марҳаматидур. Зоро камина салкам юз йил умр кўриб ҳам бунга мушарраф бўлмадим. Иншооллоҳ, дўстингиз билан дийдорлашув, юрт фаровонлиги ва илму фан ривожи жабҳасида ёнмаён мөҳнат қилмоқ насиб этгай. Тоғойингиз... (*Сукут қиласи, узоқларга тикилади*.) Тоғойиларингиз... (*Шайх тиловат қиласи*.) Ҳар иккисин Оллоҳ раҳмат қилсун!

**АЛИШЕР НАВОИЙ.** Эвоҳ! Кичик тоғойим ҳамми? **ШАЙХ** (*бошини қуёйи солиб*). Кўз ёшингиз тийинг, ҳазратим. Ҳа, ҳар икки тоғойингиз Ҳақ йўлида курашиб шаҳид бўлмишларки, бу — аларга Оллоҳнинг буюк атоси, икки дунёнинг олий саодатидур. Сиз бундан ифтихор қилмоғингиз лозимдир. (*Алишер Навоий кўз ёшлиарини артади*.) Бардам бўлинг, Алишер.

**АЛИШЕР НАВОИЙ.** На дунёга келишимдин, на яшашдин маъно кўрмайдурмен, ҳазратим!

**ШАЙХ.** Сиз шоирсиз! Дунёга келишингиздин мақсад: *Кимки бир кўнгли бузугнинг хотирин шод айлагай,*  
*Онча борким, Каъба вайрон бўлса, обод айлагай.*

**АЛИШЕР НАВОИЙ.**

*Не балодурким, фалак ҳар кимга чекса тифи кин,*  
*Ёнғилиб аввал менинг жонимға бедод айлагай.*

**ШАЙХ.**

*Одам авлодида камдур одамийлик шеваси,*  
*Одам эрмас улки, майли одамизод айлагай.*

Тортиб олинган молу мулкингиз эслашга ҳам аризас, одамлардин меҳру оқибат умиди ҳақида сўзламоқ эса тамом ножоиздур — сизнинг бир байт шеърингизчилик ҳам қадри йўқдур. Ва ниҳоят, бугун сизни Ҳиротдин ихроҳ қилаётган бўлсалар, юртнинг бағри кенг, Оллоҳнинг қарами эса ундан-да улуғким, эртан у сизни бу мамлакатга ҳоким этмоғи мумкин.

**АЛИШЕР НАВОИЙ** (*фиғон аралаш*). Лекин мен ёримдин айрилдим, уни совуқ лаҳадга қўйиб келдим. Истаюрменким, Азроил жонимни олса-ю, мени ҳам анинг пойига кўмсалар!

**ШАЙХ** (*бошини сарак-сарак қилиб*). Йўқ, Алишер. Ҳали сиз умр синовларидин ўтиб бўлмадингиз.

**АЛИШЕР НАВОИЙ** (ҳанегү мане, Эшилиб). Бу кул-  
фатлар ҳали озму?

ШАЙХ. Шундоқ, азизим! Мушоҳада қилингиз:  
Ҳали тұхмат балосига йұлықдингизми?  
Иғво билан отингизни қора қылдиларми?  
Ғийбат қилиб дүстингиз билан орангизга нифоқ сол-  
диларми?

Дүстман деб чаёндек чақдиларми?

Сиз неча бор яхшилик қылган кас бунинг эвазига  
юз марта күпроқ ёмонлық қайтардими?

**АЛИШЕР НАВОИЙ.** Булар ҳам пешонамга ёзилган-  
му?

ШАЙХ. Ҳар бир бандаси каби бошингизга тушмаги  
истисно әмас.

**АЛИШЕР НАВОИЙ.** Е Халлоқ! Мени яратишин  
муродинг надур?

ШАЙХ. Бу тұғри саволдур, Алишер.

**АЛИШЕР НАВОИЙ.** Жавоб топмоқ истаймен, пири  
комил!

ШАЙХ. Жавоби — ҳаёт деб аталгучи биёбонни үтиш-  
да давом этмакдир.

**АЛИШЕР НАВОИЙ.** Құлимдин келмас, аёғим торт-  
мас. Рұзгорим қаро бұлған, қоронғуликда йұлимни йұ-  
қотдим. Йилт этган ёруғлиқ күрмайдурмен. Ҳатто бора-  
дурған манзилим ҳам йўқ.

ШАЙХ. Бор, Алишер.

**АЛИШЕР НАВОИЙ.** Күрсатинг, пири комил!

ШАЙХ. Туриб юзингизни қиблага бурингиз. Нени  
кўрмакдасиз?

**АЛИШЕР НАВОИЙ** (ҳаяжонда). Кўзларим Каъба-  
туллоҳни илғаётгандек.

ШАЙХ. Унинг йўлида-чи?

**АЛИШЕР НАВОИЙ.** Мақбара... йўқ, мозор... йўқ,  
кичик қабр, у ҳам кўздин ғойиб бўлди.

ШАЙХ. У мўғул сипоҳи қўлида шаҳид бўлған Фа-  
ридулдин Аттор раҳматуллоҳи алайҳнинг қабридур. Ол-  
лоҳ инояти билан шайх Аттор руҳи сизга мададкор бўл-  
ғай.

**АЛИШЕР НАВОИЙ.** Алҳамдуллаҳ (*Шайх Навоий-*  
*нинг пешонасидан ўпар.*) Кечириңг, пири комил, осий-  
лик қилибмен.

(Кўлларини қиблага чўзиб)

Ё рабки, иноятингни ёр айла менга,  
Йўқлуқда ҳидоятингни бор айла менга,

*Ҳам қаҳфи кифоятингни дор айла менга,  
Ҳам дүрри инояting нисор айла менга.*

**ШАИХ.** Ё Оллоҳ, мұйъжизандан! Алишер! Сиз Навойидурсиз. Сизга берилған илҳом Тенгри назарининг аломуатынан. Үнүтмангизки, у севикли бандалариниғаму аламлар имтиҳонига дучор этгай. Ҳаёт аслинда бир синон чангальзориким, орасиндин тұғри йўл излаш — тақдире топа билиш — буюк неъматдур.

**АЛИШЕР НАВОИЙ.** Бу йўлни қандай ахтаргум, қандай топгум, ҳазратим?

**ШАИХ.** Яратғанинг ўзи кўрсатгай. Ҳозирча эса мана буни сипқоринг.

(Косага ичимлик қуяди. Косадан нур товлана бошлади.  
Алишер Навоий бир оз ичади.)

**АЛИШЕР НАВОИЙ.**

*Ашрақат мин акси шамсил-каъси анворул-худо,  
(Саҳна ортидан: Қюёшнинг косадаги аксидан ҳидоят нури порлайди.)*

«Ёр аксин майда кўр» деб жомдин чиқди садо.

*Ғайр нақшидин кўнгүл жомида бўлса занги ғам,  
Їўқтур, эй соқий, майи ваҳдат масаллик гамзудо.*

Эй, хуш ул майким, анга зарф ўлса бир синган сафол.  
Жом ўлур — гетийнамо, жамишид — ани ичкан гадо.

Жому май гар буйладур, ул жом учун қилмоқ бўлур,  
Юз жаҳон ҳар дам нисор, ул май учун минг жон фидо.

Ваҳдате бўлғай мұяссар май била жом ичраким,  
Жому май лафзин деган бир исм ила қилғай адo.

(Залга қарааб)

Сен гумон қилғандин ўзга жому май мавжуд эрур,  
Билмайин нафий этма бу майхона аҳлин, зоҳидо.

Ташналаб ўлма, Навоий, ҹун азал соқийсидин  
«Ишрабу ё айюҳал-атишон» келур ҳар дам нидо.

(Саҳна ортидан: «Ичинглар, эй ташналар!» Алишер Навоий косани сипқоради. Қибла томон ёришади.)

**АЛИШЕР НАВОИЙ.** Субҳоноллоҳ, ёргуллик!

**ШАИХ.** Бу нур Ишқ чироғининг нуридур. Ишқ эса ҳақиқий ва боқийдур. Унинг чироғи сизнинг йўлингизни

ёритгусидур. Аллоҳ номи бирлан сизга Низомиддин уйвонини берурмен. «Ватан ичра сафар» ойинига амал қилингиз: Амударёдин кечиб Ҳаким Термизий мозоринида фалсафани тафаккур қилингиз. Йўлда давом этиб, Абдухолиқ Фиждувоний мадрасасинда тасаввуф адабиётин мутолаа этингиз. Сўнг Баҳоуддин Нақшбанд турбаси қошинда аларнинг тариқати дарёсига шўнгингиз. Имом Бухорий хоки пойинда ҳадис билан машғул бўлингиз. Соҳибқирон пойтахти остонасинда Имом Мотуридий меросин мутолаа этингиз. Ниҳоят, Мирзо Улуғбек мадрасасига қўниб, Абу Лайс Самарқандий ҳомийлигида Қуръони мажидни тафсир қилингиз. Сизга «Анжуманда хилват» лозимдур. Қалбингизда Ишқ фардин сақлангиз. Лекин таркидунё этмангиз. Имкон қадар турли тоифа жамоа билан бирга бўлиб, сұхбат қурингиз. Тилингиз халойиққа эзгулик тарбиясин бермак, фикрингиз Мұҳаммад саллаллоҳу алайҳи васалламга интилмоқ, қалбингиз эса Яратганни ёд этмак била банд бўлсун. Сиздек шоиру муҳафакир яна қайтиб дунёга келгайму ё келмасму? Ижодингизга Оллоҳ барака бергай ва фақру фанога этиб Фоний бўлгайсиз. Ул марта-бага етганда тиловати Қуръон билан бу ҳақиқи руҳини ҳам шод этмоқни илтижо қилурмен. Тенгри Сизга ёр бўлсин, Низомиддин Алишер Навоий!

(Шайх тойиб бўлади. Қибла томондан чиққан ёғду саҳнанинг акс томонида Улугбек мадрасасининг тасвирини ёритади. Алишер Навоий юриб кетади.)

Парда тушади. Пардада Ўзбекистон Миллий боғидаги Алишер Навоийнинг юриб бораётган сурати.

## МУНДАРИЖА

Навоий Самарқандда ( <i>Шарофиддин Шарипов</i> ) . . . . .	3
Фуқаронинг таҳтсиз подшоҳи ( <i>Чори Аваз</i> ) . . . . .	63
Искандар ( <i>Шуҳрат Ризаев</i> ) . . . . .	103
Абдулла Аъзамов ( <i>Дугоҳи Ҳусайнӣ</i> ) . . . . .	131

*Адабий-бадиий нашр*

ШАРОФИДДИН ШАРИПОВ, ЧОРИ АВАЗ,  
ШУХРАТ РИЗАЕВ, АБДУЛЛА АЪЗАМОВ

**СЎЗ МУЛКИННИГ СУЛТОНИ**

*Тошкент «Маънавият» 2001*

Муҳаррир *Б. Муродалиев*  
Рассом *Х. Зиёхонов*  
Техн. муҳаррир *Т. Золотилова*  
Мусахҳиҳ *С. Абдулсаматова*

Теришга берилди 10.07.01. Босишга рухсат этилди 16.08.01. Бичими  
 $84 \times 108^{1/2}$ . Литературная гарнитураси. Юқори босма усулида босилди.  
Шартли б. т. 7,98. Шартли кр-отт. 8,4. Нашр т. 8,21. 5000 нусха. Буюрт-  
ма № 101. Нархи шартнома асосида.

«Маънавият» нашриёти, Тошкент, Буюк Турон, 41-уй. Шартнома 43—01.

Ўзбекистон Республикаси давлат матбуот қўмитасининг Тошкент китоб-  
журнал фабрикасида чоп этилди. Тошкент, Юнусобод даҳаси, Муродов  
кўчаси, 1-уй. 2001.



C 95

Суз мулкининг султони / Ш. Шарипов,  
Ч. Аваз, Ш. Ризаев, А. Аъзамов. — Т.: Маъна-  
вият, 2001. — 152 б.

1. Шарипов Ш. ва бошқ.

83.3 (5У)

Manavuai